



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



**2025 йил –
“Атроф-муҳитни
асраш ва “яшил”
иқтисодиёт йили”**

АДОЛАТГА ЙЎҒРИЛГАН УМР

2025 йилнинг 28 январь куни Тошкент давлат юридик университетида таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Убайдулла Қурбонович Мингбоев таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан “Адолатга йўғрилган умр” маърифий тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, Судьялар олий кенгаши ҳамда Олий суд раҳбарияти ва судьялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мутасаддилари, бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари, суд фахрийлари ва талабалар иштирок этишди.

Умрининг салкам 60 йилини суд-ҳуқуқ тизими ривожига бағишлаган, мамлакатимизда одил судловни таъминлаш йўлида самарали меҳнат қилган бу табаррук инсон бугун ҳам ҳамкасблари, шогирдлари билан елкадош. Олиб борилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг яловбардорларидан биридир.

Тадбирда Убайдулла Қурбоновичнинг ўз касбига садоқати, шогирдларига бўлган муносабатлари борасида талай илиқ фикрлар айтилди.



Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик А.Саидов Убайдулла Мингбоевнинг шарафли ҳаёт йўли ҳақида куйидаги фикрларни билдирди:

“Устоз Убайдулла Мингбоев моҳир ҳуқуқшунос, тажрибали судья ва покдил, фидойи, юксак маънавиятли ҳамда адолатпарвар ёши улуг ватандошимиз сифатида мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ идораларида қарийб 60 йилдан буён фаол меҳнат қилмоқда. Бу хизматлари жамиятимиз ва давлатимиз томонидан эътироф этилиб, Убайдулла ака “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист” фахрий унвони, “Фидокорона хизматлари учун” ордени, “Жасорат” медали билан тақдирланган ва Устозга Олий малака тоифаси берилган.

Убайдулла ака Олий суднинг ўзида салкам 20 йил фаолият олиб борган, шу жумладан, қарийб 12 йил — 1991-2002 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси лавозимида хизмат қилган. Шунингдек, 2009 йилдан буён Ўзбекистон суд тизими фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раиси сифатида фаолият олиб бормоқда”.

Дарҳақиқат, Убайдулла Мингбоев 1991 йилда биринчилардан бўлиб мустақил Ўзбекистон Республикасининг Олий суди раиси лавозимига сайланади. Ҳали мустақил Ўзбекистон оёққа туриб улгурмаган бир даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳаёт ниҳоятда мураккаб эди. Барча давлат тузилмалари қатори Олий суд раҳбарияти ва жамоаси олдида ҳам жуда масъулиятли вазифалар, ўзига хос мураккаб ишларга оқилона ечим топиш, хусусан тоталитар тузумнинг ноҳақликларидан озор чекиб ётган минглаб Ватандошларимизнинг тақдири билан боғлиқ ғоятда мураккаб низоларни адолатли ҳал қилиш масаласи кўндаланг турарди. Ана шундай масъулиятли вазифаларни Убайдулла Қурбонович раҳбарлигидаги Олий суд жамоаси шараф билан уddалади. Натижада ноҳақликлардан азоб чекиб ётган минглаб ўзбек хонадонларига қувонч киришига сабаб бўлди.



Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов узок йиллар давомида бирга ишлаган, мустақилликнинг илк йилларидан то бугунги кунгача елкама-елка туриб фаолият кўрсатиб келаётган салафи ҳақида шундай дейди:



“Убайдулла Қурбонович Янги Ўзбекистон тараққиётида асосий вазифа қилиб қўйилган инсон ҳуқуқларини амалда таъминлаш орқали Президентимиз иборалари билан айтганда “одамларни рози қилиш”, “муносиб турмуш шароитларини яратиш бериш” масалаларини ҳал этишида ҳам фидоийлик кўрсатмоқда.

2018-2020 йилларда Убайдулла ака мамлакатимиз суд тизими тарихида илк бор судьялар ҳамжамиятининг конституциявий органи сифатида ташкил этилган – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси лавозимида фаолият кўрсатди.



Тадбирда сўзга чиққан нотиклар Убайдулла Қурбоновичнинг юсак инсоний фазилатлар соҳиби эканлигига алоҳида урғу қаратишди. Хусусан, У киши фаолиятининг ярим асрдан ортиқ қисми суд тизими билан бевосита чамбарчас боғлиқ бўлиб, шу давр мобайнида фақат ҳалоллик билан иш тутиб, ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат тарозисини тўғри торта олганлиги учун халқимиз покдомон судья сифатида таниши ва қадрлаши бот-бот эътироф этилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан кўп бора таъкидланганидек, Убайдулла Қурбонович Мингбоевнинг салкам олтимиш йиллик самарали фаолияти бугунги ва келажак авлодлар учун суд тизими, судьялик касби, судьянинг вазифаси ва масъулияти ҳақидаги етарлича фойдали ҳамда ибратли маълумотлар хазинасидир.



Ўзбекистон Республикасида халқаро стандартлар ва ривожланган демократик давлатларнинг илғор тажрибасига тўлиқ мос келадиган судьяларни танлаш ва лавозимга тайинлашнинг очик, ошкора ва муқобил тизими яратилишида Убайдулла Қурбоновичнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Бугунги кунда ҳам у киши жамоатчилик асосида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг аъзоси ҳисобланади.

Убайдулла Қурбоновичнинг Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашга қаратилган: “Олий суд: кеча ва бугун”, “Суд шундай ҳокимиятки”, “Суд фуқаролар ҳимоячиси”, “Судьялик – улкан масъулият”, “Покланиш палласи” каби ўндан ортиқ китоблари нашр этилган бўлиб бу китоблар тизимда хизмат қилаётган инсонлар учун қўлланма вазифасини ўтайди”.



Исматулла МАМАНОВ тайёрлади.

“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожии-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 27.01.2025 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8, 8 босма табок.

Буюртма № 3. Адади 2500.

Баҳоси келишилган нархда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНДАРИЖА

КУН МАВЗУСИ

6

ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПГАН ИНСОН

8

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

ОҚЛОВ ИНСТИТУТИГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА
МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

10

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА
СИНГАПУР ТАЖРИБАСИ

12

ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ

ЖИНОЯТНИ ИСБОТЛАШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ:
МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

14

РАҚАМЛИ МАКОНДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

16

ЖИНОЯТНИ ФОШ ҚИЛИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ
ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ

ТАҲЛИЛ

17

БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ
БОСҚИЧЛАРИ

18

МУЛОҲАЗА

МАЪМУРИЙ ОРГАН СИФАТИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
ВИЛОЯТ, ТУМАН, ШАҲАР КЕНГАШЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

СУДЬЯ МИНБАРИ

20

ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШГА
ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТ

21

“SMART SUD” КОНЦЕПЦИЯСИ ЗАРУРАТИ

22

СУДЛАРДА КОНСТИТУЦИЯ НОРМАЛАРИ
ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ТАДБИҚ ҚИЛИНМОҚДА

23

НАМУНАВИЙ НИЗО: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА
МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ

24

БОЛАЛАР ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИНИ ТАКОМИЛ-
ЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

26

ТАДҚИҚОТ

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА
ПРОЦЕССУАЛ ХАТОЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТАВСИФИ

28

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА СУД НАЗОРАТИНИ
ЎРНАТИШ ОРҚАЛИ ТЕРГОВЧИНИНГ
МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

30

ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА
ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ
ТАРТИБГА СОЛИШ

32

ИҚТИСОДИЙ СУДДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ:
ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

35

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

ЖИНОЯТНИ ФОШ ҚИЛИШДА ДАЛИЛЛАРНИНГ ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДАГИ АҲАМИЯТИ

36

ЭЛЕКТРОН САВДОДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР
ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

37

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИ
БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ
СУДЛАРДА КЎРИЛИШИ

38

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА
ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

39

МАЪМУРИЙ АКТ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС БЕЛГИЛАРИ

40

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИНИ ҚАЙД ЭТИШ УСУЛЛАРИ

41

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ
МОҲИЯТИ

42

СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАФТИШ ТАРТИБИДА
ҚАЙТА КЎРИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

43

СУД ФАОЛИЯТИДА ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВНИНГ
ЎРНИ: РОССИЯ ҚОНУНЧИЛИГИ МИСОЛИДА

44

МАЪМУРИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН ҚАРОР
ҲАМДА ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ҚАБУЛ
ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

45

ТЕМА ДНЯ

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТАКТИЧЕСКИХ ПРИЁМОВ В
СЛЕДСТВЕННО-ПРОКУРОРСКОЙ ПРАКТИКЕ

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

48

ГЕНЕЗИС МЕЖДУНАРОДНЫХ ПРАВОВЫХ
ОТНОШЕНИЙ ПО ПРИЗНАНИЮ И
ИСПОЛНЕНИЮ СУДЕБНЫХ РЕШЕНИЙ

51

ПРОЦЕСС

О НЕОБХОДИМОСТИ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОГО
ОГРАНИЧЕНИЯ ДОСТУПА ФИЗИЧЕСКИХ
ЛИЦ К СЛОЖНЫМ ВЫСОКОРИСКОВАННЫМ
ФИНАНСОВЫМ ПРОДУКТАМ

ВАЖНАЯ ТЕМА

54

РАССЛЕДОВАНИЕ И ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ
ПРЕСТУПЛЕНИЙ В СФЕРЕ ЦИФРОВОЙ
ИНФОРМАЦИИ

56

НОВЫЙ ЭТАП

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ПОДХОДЫ К ОПРЕДЕ-
ЛЕНИЮ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В
КОНТЕКСТЕ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

МНЕНИЕ ЭКСПЕРТА

58

РИСК КАК ОСНОВНОЕ УСЛОВИЕ СТРАХОВАНИЯ
В ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

60

IMPORTANT TOPIC

THE CONCEPT AND GROUNDS FOR THE
EMERGENCE OF OBLIGATIONS

ANALYSIS

61

ENSURING THE RIGHTS OF PERSONS UNDER
CRIMINAL PROSECUTION AND PARTICIPANTS
IN CRIMINAL PROCEEDINGS

ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПГАН ИНСОН

Хар бир соҳада катта муваффақиятларга эришган ва ўз ортидан минглаб издошларни етаклаган дарғалар бўлади. Кимдир бу натижага донишмандлиги, кимдир илми ва яна кимдир ҳалоллигию адолатпарварлиги туфайли эришади. Бугун 90 йиллик довлони қаршилайётган табаррук инсон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, Олий малакали судья, минглаб ҳуқуқшуносларнинг устози Убайдулла Мингбоев мана шундай инсонлар жумласидандир. Ҳалоллик ва покликни ўзига шиор қилиб, бир умр ўзи ҳам шунга амал қилган, суд-ҳуқуқ соҳаси вакиллари орасида адолатли ва ҳалол қози сифатида тан олинган устознинг ҳаёт йўли кўпчилик учун катта бир ибрат мактабидир.



Сурхондарё вилояти Денов туманининг Отқамар ва Минора қишлоқлари тутшиб кетган маҳаллада дунёга келган Убайдулла Мингбоевнинг ёшлиги бошқа тенгдошларидан бироз фарқли кечди. Сабаби ўғай ота қўлида катта бўлди. Беш-олти ёшларида онасидан ҳам айрилди. Болалигининг оғир паллаларини Убайдулла Мингбоевнинг ўзи шундай хотирлайди: "...Ўзим ҳам она меҳрини тополмай, кўп азият чекканман. Яримта нон учун оёқ яланг ҳолда кишиларнинг эшигида ўтин ёки тезак ташиб кун кечирганман. Қўлимдаги нон дарёга тушиб кетганда уни ушлайман деб сувга оқиб кетиб, бир амаллаб қутилиб қолганим-у кечалари қўл тегирмони — ярғинчоқ тортишим, сув тегирмонда кечаси билан навбатда туриб, оловда кўмма пишириб овқатланганларимни асло ёдимдан чиқара олмайман".

Тарихда истеъдоди ва ақлу заковати билан ном қолдирган машҳур шахсларнинг ҳам болалик йилларига разм солсангиз аксариятида ана шундай ҳолатни кузатасиз. Эрнест Хемингуэй таъбири билан айтганда "Буюк инсон бўлиш учун нафақат истеъдод, балки бахтсиз болаликни ҳам бошдан кечирмоқ керак!" дир эҳтимол.

Ота-онасидан эрта етим қолгани етмаганидек болалиги Иккинчи жаҳон уруши йилларига ҳам тўғри келди. "Ўзинг учун ўл етим" деганларидек ёш бўлишига қарамай очарчилик ва қаҳатчиликни енгиш учун бировларнинг эшигида хизмат қилишдан тортиб халқнинг подасини боқиб кишилар берадиган бир бурда нон учун тинмай ҳаракат қилди.

Албатта, бу қийинчиликлар бежиз кетмади. Аксинча, у кишининг иродасини чархлади, сабр-тоқат ва шукроналик туйғуларини улғайтирди, раҳбарлик, етакчилик, оғир вазиятларда тўғри ва тезкор қарорлар қабул қилиш қобилиятини шакллантирди. Азму шижоат ва қатъият сабаб уч йиллик ҳарбий хизмат давомида Тошкент Давлат дорилфунунининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди.

Убайдулла Қурбанович ҳуқуқшунос сифатида дастлаб туман, сўнгра вилоят ва республика ички ишлар органларида терговчи лавозимларида ишлаб, ўз хизмат вазифасига холис, адолатли ёндашиб, ҳар бир ҳолатга асосли ҳуқуқий баҳо бериш лаёқатига эга эканлигини кўрсатди. Қон-қонига сингиб кетган бу инсоний фазилат ва касбий кўникмалар, ҳеч муболағасиз ярим асрдан ортиқ одил судлов соҳасида кечган фаолиятининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этди. Шу сабабли халқимизнинг назарига тушиб юксак ҳурмати, ишончи ва эътиборини қозонди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ўта масъулиятли, мураккаб ва шарафли лавозим — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг биринчи раиси бўлишдек юксак ишончга сазовор бўлди. Бу йиллар давомида суд тизимида туб ўзгаришларни амалга оширишда, айниқса, одил судловга тааллуқли сиёсий-ҳуқуқий чигалликларнинг оқилона ечимини топишда узоқ йиллик машаққатли ва ҳалол, ибрат олгулик фаолияти давомида орттирган бой назарий, амалий ва ҳаётий тажрибалари қўл келди.

Бунга қарангки, Бухоро вилояти судининг раиси лавозимида ишлаётган йилларида Марказдан келган "десантчи"ларнинг қаттиқ босимида биринчилардан бўлиб дуч келган, уларнинг зуғумларига таслим бўлмаган ҳуқуқшунос Мустақиллик даврларида собиқ СССР прокуратурасининг Гдлян ва Иванов бошчилигидаги тергов гуруҳи томонидан тухмат ва сохта айбловлар билан жиноий жавобгарликка тортилган "Ўзбеклар иши", "Пахта иши" деб номланган ишларни қайта кўриб чиқишда, минглаб юртдошларимизнинг ўз оилалари бағрига қайтишида, уларнинг қўплари оқланиб дўст-душман олдида юзлари ёруғ бўлишида катта ҳиссасини қўшди. 80-йилларда Москвада, собиқ СССР Олий судида бир қатор ҳамюртларимизнинг ишлари кўрилган ва улар турли бўҳтонлар билан

озодликдан маҳрум этилган эдилар. Истиқлолнинг илк кунларидаёқ Убайдулла Қурбонovich бу ишларни ҳам Ўзбекистонга қайтариш билан қаттиқ шуғулланади. Олий Мажлисга бир неча бор хат билан мурожаат қилиб, собиқ Марказда кўрилган ишларни Ўзбекистон Республикаси Олий судида қайта кўриш учун ваколат беришни сўрайди. Рухсат олингандан сўнг бу ишларнинг катта қийинчиликлар билан Олий судга олиб келинишига эришилди. Нормаҳанмади Худойбердиев, Раҳмонкул Қурбонov, Қаллибек Камолов, Эржеп Айтмуродов каби кўплаб ҳамюртларимиз иши Олий судда Убайдулла Мингбоев раҳбарлигида қайта кўрилди ва ҳаракатларида жиноят аломатлари йўқлиги боис улар оқландилар.

Шуни эътироф этиш керакки, Убайдулла Мингбоев камдан кам инсонларга насиб этадиган улуг бахт – ўз соҳасида мактаб яратиш саодатига мушарраф бўлган кишилардандир. У киши қаерда, қайси лавозимда ишласин адолатни қарор топтиришни бош мақсад қилиб қўйишдан ташқари, тизимга чуқур ҳуқуқий билимга эга, маънавиятли, маърифатли, ўз устида ишлайдиган, масъулият ва жавобгарликни виждонан англайдиган ходимларни танлаш, тарбиялашга алоҳида эътибор қаратди. Шу боис у кишининг назарига тушиб, тарбияси, дуосини олган ва ишонч билдирилган, қўллови натижасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда юксак мартабаларга эришган кўплаб шогирдлари бугун Убайдулла Қурбонovichни ҳақли равишда “Устоз” дея эътироф этади.

Баъзан узоқ йиллар суд тизимида у киши билан бирга ёки қўл остида ишлаган, бугунги кунда 70 ёшнинг нари-берисида бўлган собиқ ҳамкасбларнинг Убайдулла Қурбонovichга “устоз” дея мурожаат қилишларини кўриб бироз ажабланасан киши. Негаки, ўзи ўнлаб шогирдларга устозлик қилаётган, нуронийсифат одамнинг яна кимнидир устоз деб туриши бироз эришдек туюлади. Аммо, бу мурожаатлар замирида зарра сохталик ёки ҳўжакўрсин йўқ. Бари чинкўнгилдан, астойдил ва бор бўйича ҳурматга йўғрилган. Чунки, йиллар давомидаги елкадошлик, ҳаммаслаклик ва самимийлик шунга замин яратган.

Кекса, пиру бадавлат қарияларимизни оқсоқол дея эъзозлаймиз. Бордию у киши донишманд, закий бўлсаку қўяверинг. Қайси соҳа вакили бўлишидан қатъи назар ўз билганларини кейинги авлодларга эринмай етказадиган, бунинг учун китоб ёзиш машаққатидан чекинмайдиган инсон асл донишманддир.

Умрининг саалкам 60 йилини суд-ҳуқуқ тизимида бағишлаган Убайдулла Қурбонov ҳам ўз касбини улуғлаш, шогирду издошларига судьяликнинг инжа сирларини етказиш масаласига нафақат амалий, айни чоғда ижодий жиҳатдан ҳам муносиб улуш қўшиб келаётганини таъкидлаш мақсадга мувофиқ. У киши соҳанинг тарихи ва истиқболларига, бугунги

кунда суд тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига оид кўплаб рисоалар муаллифи ҳамдир. “Олий суд: кеча ва бугун”, “Суд шундай ҳокимиятки...”, “Суд – фуқаролар ҳимоячиси”, “Одил судлов маданияти ва одоби”, “Адолат инсонпарварликнинг олий нуқтаси”, “Судья ва суд ходимларига мурожаат” каби китобларида судьялик касби билан боғлиқ масалалар, унинг сир-асрорлари борасида мулоҳаза юритилса, “Етти пуштни билмоқ истаги”, “Касб-корим адолат бўлди”, “Адолат мезони”, “Судьялик – улкан масъулият”, “Шукрона”, “Истакларим” ва “Поклиниш палласи” каби китобларида катта ҳаёт мактабини кўрган устозаллома сифатида ўз фикрларини баён этади.

Бинобарин, Убайдулла Қурбонovichнинг бу каби маънавий-маърифий дурларга бой асарлари ёш авлодни, хусусан судьяликдек мураккаб ва шарафли касб этагини тутаётган ва бу йўлдаги машаққатлару қийинчиликларга кўрқмасдан юз бураётган суд-ҳуқуқ тизими ходимларини Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида, адолатпарвар, ҳақиқатсевар, бир сўз билан айтганда, баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Таниқли ҳуқуқшунос Убайдулла Мингбоевнинг қарийб олтмиш йиллик самарали хизматлари жамиятимиз ва давлатимиз томонидан эътироф этилиб, Убайдулла Мингбоев “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист” фахрий унвони, “Фидокорона хизматлари учун” ордени, “Жасорат” медали билан тақдирланган ва У кишига Олий малака тоифаси берилган. Мана шу қутлуг 90 йиллик сана муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Давлат органларидаги кўп йиллик самарали меҳнати, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятда қонунийликни таъминлаш, адолатни қарор топтириш орқали инсон қадр-қимматини улуғлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қўшган муносиб ҳиссаси, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги ибратли фаолияти, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки ҳамда таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Судьялари Ассоциацияси раиси Мингбоев Убайдулла Қурбонovichга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони бериш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.

Албатта булар бежизга эмас. Бу эътибору эҳтиромлар катта меҳнат ва фидоийликнинг эътирофидир. Убайдулла Қурбонovich учун янада юксак ва буюк бир мукофот унинг халқи ва юртдошлари қалбидан адолатпарвар ва одил қози сифатида ўрин олганлигидир.

Ҳамроқул Қаршиев,
журналист.

ОҚЛОВ ИНСТИТУТИГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АННОТАЦИЯ: мақола реабилитация бўйича илғор хорижий қонунчилик тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий ўрганишга бағишланган бўлиб, шу асосда миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: халқаро шартнома, ноқонуний ҳукм, ҳарбий хизматчи, етказилган зарарни қоплаш.

Реабилитация одил судловнинг муҳим шартларидан бири саналгани боис МДХ ва Евроиттифоқ таркибидаги давлатлар қонунчилигида жиноий таъқиб оқибатида етказилган зарарларни ундириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда турлича моделлар татбиқ этилган. Ноқонуний жиноий таъқиб натижасида етказилган зарарларни қоплашни ҳуқуқий тартибга солишда 4 хил ёндашув мавжуд.

Биринчи гуруҳга – етказилган зарар қопланишига бўлган ҳуқуқни ўз Конституцияларида мустаҳкамлаган давлатлар киради (Албания, Австрия, Болгария, Бразилия, Венгрия, Вьетнам, Жазоир, Германия, Греция, Италия, Испания, Хитой, Жанубий Корея, Португалия, Польша, Румыния, Швейцария, Япония). Албания, Вьетнам, Гватемала ва Гондурасда зарарнинг қопланишига бўлган ҳуқуқдан ташқари фуқаронинг реабилитацияга бўлган ҳуқуқи ҳам Конституцияда белгиланган.

Иккинчи гуруҳ – етказилган зарар қопланишига бўлган ҳуқуқ Конституцияда шунчаки эътироф этилган давлатлар: Россия, Арманистон, Озарбайжон, Беларусь Республикаси, Украина, Қозғистон, Грузия, Қирғизистон. Масалан, Грузия Конституциясининг 13-моддасида ноқонуний равишда озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг компенсация олишга бўлган ҳуқуқи эътироф этилган.

Учинчи гуруҳ – ноқонуний жиноий жавобгарликка тортиш, ҳукм қилиш ва процессуал мажбурлов чораларини қўллаш натижасида етказилган зарарни қоплаш Жиноят-процессуал қонунда тартибга солинган давлатлар.

Тўртинчи гуруҳ – жиноят ишлари юритувида шахсга етказилган мулкий зиённи қоплаш масаласи махсус қонунлар билан тартибга солинган давлатлар. Уларга АҚШ, Англия, Украина, Озарбайжон ва бошқалар киради.

Реабилитация бўйича МДХ давлатларида ҳам илғор қонунчилик мавжуд. Жумладан, Қозғистон Республикасида 1993 йилда “Оммавий сиёсий қатағон қурбонларини реабилитация қилиш тўғрисида”ги Қонун, 1994 йил Қирғизистонда “Ижтимоий, миллий ва бошқа белгиларига сиёсий ва диний эътиқоди учун репрессия натижасида реабилитация этилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида” қонун, 1994 йил Арманистон Республикасида “Репрессияланган шахслар тўғрисида”ги қонун, 1996 йилда Озарбайжонда “Сиёсий қатағон қурбонларини реабилитация қилиш тўғрисида” қонунлар аллақачон қабул қилинган.

Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон сингари давлатларда ҳам реабилитацияга оид ислохотлар амалга ошган. “Реабилитация этилган шахс”, “Реабилитация қилинган ҳарбий хизматчилар” иборалари ЖПКга киритилиб, тушунчалар ишлаб чиқилган.

МДХ давлатлари процессуал кодексларида реабилитация асослари ва тартибини белгилловчи алоҳида боблар очилиб, турлича номланган. Масалан, Россияда “18-боб – Реабилитация” (133-139-м.), Молдова Республикасида 7-боб (524-525-м.), Қирғизистонда 17-боб (132-136-м.) ва Тожикистонда 47-боблар (461-469-м.) “Жиноят иши бўйича судга қадар иш юритувчи орган ва суднинг ноқонуний ҳаракатлари туфайли етказилган зарарларни қоплаш тартиби” деб, Туркменистонда 4-боб

(35-41-м.), Беларусда “48-боб-Жиноят процессини амалга оширувчи органнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида етказилган зарарларни қоплаш” (460-467-м.), Озарбайжонда “5-боб-Оқлов (реабилитация). Етказилган зарарни қоплаш” деб номланган.

Ўзбекистон ЖПК 312-моддасида ҳам мулкий зиённи қоплаш ва бошқа ҳуқуқларни тиклашда “талаб қилиш муддати” ўрнатилган бўлиб, у қанақа шаклда (ёзма ёки оғзаки), қандай ҳужжат тариқасида (ариза, даъво аризаси, шикоят ва ҳ.к.) ифодаланиши қонунчилигимизда аниқ эмас. Озарбайжон тажрибаси эътиборга молик бўлиб, унга кўра ҳуқуқларни тушунтирганлик тўғрисида баённома тузилиши талаб этилади (ЖПК 62-моддаси).

Озарбайжон Парламенти 2000 йилдаги ЖПКда “агар қонунчиликда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, моддий ва маънавий зарар суд томонидан адолатли деб топиш микдорларда қопланилади” деб суд ихтиёрига топширган. Украина махсус қонунининг 3-моддасида эса ҳатто омонатлар индексация қилиниши, мусодара этилган мол-мулк баҳоси эса реабилитация ҳақида қарор чиқарилган вақтдаги мулкнинг амалдаги бозор баҳоси бўйича қайтарилиши қайд этилган.

Арманистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон жиноят процессуал қонунчилигида реабилитация этилган шахсларнинг олинмай қолган даромадлари индексация қилиниши ҳақида тўғридан-тўғри қоидалар мавжуд эмас.

Европа тажрибасини таҳлил қилган олимлардан профессор Ян Ли ва доктор Ханс Борнларнинг қайд этишича, илгари кўпгина дунё мамлакатлари суд тизимида ҳарбий хизматчиларнинг жиноятларига оид ишлари ҳарбий судлар ваколатига тегишли бўлса, эндиликда фуқаролик умумюрисдикция судлари томонидан ҳам кўрилмоқда. Муаллифлар фикрига кўра, инсон ҳуқуқи соҳасидаги халқаро шартномаларда ҳарбий юстиция қоидалари ҳам мавжуд.

Г.Панфиловнинг маълумотларига кўра, Европада, айниқса Буюк Британияда етказилган зарарлар даъво тартибида (trespass to the person) фуқаролик судлари орқали давлатнинг махсус фондидан 250 минг фунт-стерлинггача микдорда қоплаб берилиши мумкин. Германияда компенсация мулкий масала бўлгани ва уни ундириш бўйича жиноят судлари етарли тажрибага эга бўлмагани туфайли бу ишлар деликт мажбурият сифатида фуқаролик судлари томонидан ҳал этилаётганини кўриш мумкин.

Францияда аралаш услуб қўлланилиб, етказилган мулкий зиённи қоплаш масалаларини нафақат фуқаролик судлари, балки ҳукм чиқарган жиноят судлари ҳам бевосита кўриб ҳал қилади.

АҚШ тажрибаси ўзига хос бўлиб, етказилган зарарлар компенсация суммаси йилга энг ками - 15 минг АҚШ долларидан (Луизиана штатида) бошланиб, бошқа штатларда бир неча 100 миллион баробар микдорда қоплаб берилаётганлигини кўришимиз мумкин. Бироқ, ушбу демократик давлатнинг 21 та штатида компенсация механизми мавжуд эмас.

Ҳиндистон, Хитой ва Япония давлатларида ҳам инглиз ҳуқуқ тизими таъсири мавжуд бўлиб, шахсга етказилган зарар фуқаролик судларида деликт сифатида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 304-моддасига кўра, реабилитация этилган шахс вафот этган тақдирда зиёни ундириш учун унинг меросхўрлари, боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминланиши лозим бўлганлар жумласига кирувчи оила аъзолари мурожаат қилиши мумкин. Аксарият хорижий давлатларда ҳам шундай тартиб амал қилади.

Олимларнинг "мурожаат қилиш, зиён миқдорини аниқлаш, тўловларни амалга ошириш, ижрони таъминлаш муддат билан чегараланиши лозим" лиги ҳақидаги фикрларига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Масалан, Россияда (ЖПК 135-модда 2-қисми) зарарни аниқлаш ва тўловларни амалга ошириш муддати 1 ой (135-модда 4-қ.) белгиланган. Даъво муддати аксарият давлатлар (Россия, Беларуссия, Молдова, Тожикистон)да бир хил – 3 йил. Бунга ўхшаш қоидалар миллий қонунчилигимизда ҳам бор. Бироқ, суд процессида процессуал муддатлар ўрнатилиши лозим бўлган ноаниқ вазиятлар ҳамон сақланмоқда. Масалан, мулкӣ зиёни қоплаш тўғрисидаги суд ажримининг нухаси гербли муҳр билан тасдиқланиб, тўловни амалга ошириши лозим бўлган органларга тақдим этиш учун процессуал муддат белгиланмаган. Амалиётда ажрим нухасини топшириш асоссиз кечиктирилмоқда. Шу боис унга 3 кун муддат белгилашни таклиф этамиз.

Ҳуқуқшунос В.Соловьёв ҳарбий хизматчиларга етказилган зарарларни ундириш бўйича турли норматив ҳужжатларда акс этган қоидаларни унификациялаш аввало, "Ҳарбий хизматчиларнинг мақоми тўғрисида"ги қонунда ифодаланиши лозим, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси "Ҳарбий хизматчилар мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳасининг (дастлаб 30.10.2023 йил куни ID-87514 рақам билан муҳокамага чиқарилган) 2-боби ("Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари")да ҳарбий хизматчиларга ва уларнинг оила аъзоларига етказилган зиёнларни ундириш ҳуқуқлари умуман назарда тутилмаган эди. Мазкур лойиҳага тадқиқот асосида таклиф ишлаб чиқдик ва қонунда ҳарбий хизматчиларнинг реабилитация ҳуқуқини мустаҳкамлаш лозимлигини асосладик. Чунки, манфаати бузилган шахснинг реабилитация ҳуқуқи унинг узвий ҳуқуқи бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги хорижий тажрибалардан хулоса чиқарган ҳолда куйидагича таклиф ва тавсиялар берилади:

1. Судлар иш юқламасини ҳамда фуқароларнинг судма-суд юришини, оворасгарчилигини камайтириш, сарф-харажатларни тежаш мақсадида судгача бўладиган янги "ҳарбий медиация" институтини жорий қилиш;

2. Реабилитация этилган ҳарбий хизматчиларнинг ноқонуний таъқиб натижасида уй-жой ҳуқуқи бузилган бўлса, уй-жой билан биринчи навбатда таъминланадиган шахсий таркиб рўйхатида ёзиш, тикланиши керак бўлган бошқа ҳуқуқлари қаторига ҳарбий унвонидан ташқари "малака тоифаси"ни киритиш;

3. Реабилитация этилган шахсга етказилган маънавий зиён оқибатларини бартараф қилиш чоралари, яъни оммавий ахборот воситалари орқали хабар бериш шахс ҳуқуқини тўлақонли тиклаш имконини бермайд. Шунга кўра бу ҳақдаги ажрим нухасини 14 кунда ҳарбий хизматчининг хизмат, ўқш и ёки яшаш жойига юбориш тартибини жорий қилиш мақсадада мувофиқ, Шунингдек, етказилган маънавий зарарнинг пул шаклида қопланишини процессуал тартибда мустаҳкамлаш;

4. Амалиётда маънавий зарарни қоплаш муаммоси мавжуд. Яъни, меросхўрларнинг қариндошлик муносабати уларга маънавий зарарни пул шаклида ундириш ҳуқуқини бермайд. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июлдаги "Реабилитация этилган шахсга етказилган зиённи қоплаш ва унинг бошқа ҳуқуқларини

тиклаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида"ги 18-сонли қарори 6-банди 9-хатбошида: "Маънавий зиённи пул кўринишида ундириш ҳуқуқи реабилитация қилинган шахс билан боғлиқлиги сабабли реабилитация этилган шахс вафот этган ҳолларда унинг меросхўрлари пул кўринишида маънавий зиённи ундиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди" деб тушултириш берилган. Фуқаролик кодексининг 1113-моддасида эса бу ҳуқуқ кафолатланган. Шу боис Пленум қарорини ўзгартириш;

5. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида реабилитацияга оид асосий халқаро ҳужжатларга Ўзбекистон қўшилган. Шу билан бирга 1990 йил 14 декабрда 45/110-сон резолюция билан қабул қилинган БМТнинг "Қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган чоралар бўйича минимал стандарт қоидалар (Токио қоидалари)" бор. Ўзбекистоннинг ҳуқуқ индексидаги халқаро нуфузини ошириш мақсадида ушбу ҳужжатни ратификация қилиш мақсадада мувофиқ ҳисобланади.

Бекзод БАБАКУЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Вразовская Л. Субъекты права на реабилитацию // Журнал "Образование и право", №11. 2019. – С.243.
2. Гаврилюк Р.В. Реабилитация в Российском уголовном процессе (вопросы теории и практики): автореферат дисс. канд. юрид. наук. – Нижний Новгород, 2008 г. – 25 с.
3. Головка И.И. Объем возмещения вреда реабилитированным лицам: понятие и проблемы правового регулирования // Юридическая наука и правоохранительная практика 3(45) 2018. – С.26.
4. Закон Республики Казахстан "О реабилитации жертв массовых политических репрессий" - ИПС "Эдilet" (zan.kz).
5. Закон КР от 27 мая 1994 года №1538-XII "О правах и гарантиях реабилитированных граждан, пострадавших в результате репрессий за политические и религиозные убеждения, по социальным, национальным и другим признакам" (minjust.gov.kg).
6. Закон Республики Армения "О репрессированных лицах" // parliament.am.
7. Закон Азербайджанской Республики "О реабилитации жертв политических репрессий"// (spinform.ru): show_doc.
9. Кодекс КР от 28 октября 2021 года № 129 "Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики" (minjust.gov.kg) 112308ysclid.
8. Закон Украины "О порядке возмещения ущерба, нанесенного гражданину незаконными действиями органов, осуществляющих оперативно-розыскную деятельность, органов досудебного расследования, прокуратуры и суда" http: ligazakon.net.
10. Кирьянова О.В. Социальная защита военнослужащих: проблемы правового регулирования // Аграрное и земельное право. 2023 г. № 7(223). – С.57-59.
11. Матвеев А.Н. Правовой институт реабилитации в Российском уголовном процессе: автореф...дисс. канд. юрид. наук. - Москва, 2009 г. – С.5.
12. Панфилов Г.П. Механизмы имущественного возмещения вреда жертвам преступлений: опыт зарубежных стран // Право и политика. 2020 г. №6. № 6. https://nbpublish.com/library_article.
13. Резолюция №45/110 Генеральной Ассамблеи ООН от 14 декабря 1990 года: "Минимальные стандартные правила ООН в отношении мер, не связанных с тюремным заключением (Токийские правила)". https://www.un.org.
14. Сатторов А.Я. Жиноят процессида реабилитация институтини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш: юрид. фан. номз.дисс. – Тошкент, 2023. – 119 б.
15. Соловьёв В.В. Правовое положение семьи военнослужащего в Российской Федерации: автореф...дисс. канд. юрид. наук. – Москва, 2007 г. - С.19.
16. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации от 22 ноября 2001 года. www: http://pravo.gov.ru
17. Ян Ли, Ханс Борн. Руководство по правам человека и основным свободам военнослужащих. – Варшава. ОБСЕ. 2008 г. – С.266.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 мартдаги "Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-34-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 13.03.2023 й., 06/23/34/0139-сон.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА СИНГАПУР ТАЖРИБАСИ

Сингапурнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муваффақияти 1959-1990 йилларда мамлакатда коррупцияга қарши муросасиз кураш бошлаган собиқ Бош вазир Ли Куан Ю (Lee Kuan Yew) номи билан чамбарчас боғлиқ. Коррупцияга қарши муросасиз кураш – "Сингапур мўъжизаси"нинг яратилиши ва давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш учун асос бўлган энг муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Мамлакат кўп йиллар давомида Transparency International халқаро ноҳукумат ташкилотининг Коррупцияни қабул қилиш индексида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Хусусан, 2023 йил якунларига кўра, дунёда 5-ўрин ва Осиё мамлакатлари орасида 83 балл билан 1-ўринда.

Коррупцияга қарши кураш бўйича Сингапур тажрибаси муваффақиятининг бир қанча сабаблари бор:

биринчидан, мамлакат раҳбариятининг сиёсий иродаси ва коррупцияга нисбатан муросасизлик тамойилига содиқлиги. 1960 йилда партия етакчилари ташаббуси билан коррупцияга қарши кураш бўйича комплекс стратегия ишлаб чиқилди, унда қуйидаги тамойилларга қатъий риоя қилиш белгиланди:

- а) коррупциявий қилмишлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги;
- б) давлат хизматчилари томонидан содир этилган жиноятларни синчковлик билан тергов қилиш ва улар учун жиноий жавобгарликнинг янада қатъийроқ чоралари;
- в) фуқаролик ва жиноят қонунларининг сўзсиз устуворлиги;
- г) юқори мансабдор шахсларнинг порага учмаслиги (неподкупность);
- д) мансабдор шахсларнинг даромадлар тўғрисида декларацияларни мунтазам равишда тақдим этиши;
- э) давлат бюджети маблағларининг сарфла-ниши устидан назоратни амалга ошириш.

Натижада, Сингапурнинг давлат хизмати соҳасида коррупциявий жиноятлар сезиларли даражада камайди, кўплаб юқори мансабдор шахслар коррупциявий жиноятлар учун жавобгарликка тортилди, ҳаттоки Бош вазир Ли Куан Юга яқин давлат хизматчилари ҳам. Давлат хизматчиларининг ноқонуний бойлик орттириш васвасасини бартараф этиш мақсадида, уларнинг маошлари сезиларли даражада оширилди.

Бош вазир Ли Куан Ю ўз танлови ҳақида шундай дейди, "Менинг олдимда икки йўл бор эди: Биринчиси – ўғирлаш, дўстларим ва қариндошларимни "Форбс" рўйхатига киритиш, шу билан ўз халқимни қип-ялонғоч ерда қолдириш. Иккинчиси – ўз халқимга хизмат қилиб, давлатимни дунёнинг энг

зўр давлатлари рўйхатига киритиш. Мен иккинчисини танладим".

Иккинчидан, мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди. 1960 йилда қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунда қуйидаги ангилликлар назарда тутилди:

- 1) коррупция тушунчасига таъриф берилди, унга "мукофотлаш"нинг турли шакллари, шу жумладан моддий тусдагиси ҳам киритилди;
- 2) коррупцияга қарши курашиш бўйича ихтисослаштирилган орган раҳбарининг ҳуқуқий мақоми алоҳида белгилаб қўйилди, унинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмаслиги белгиланди;
- 3) айбдорлик презумпцияси жорий этилди - ҳар қандай давлат хизматчиси оладиган мукофот ёки совға хусусиятига кўра коррупциявий эмаслигини исботлаш кераклиги белгиланди;
- 4) коррупцион жиноят содир этилганлиги учун умумлаштирилган жазо қўллаш тизими жорий этилди. Қонунга ҳилоф тарзда мукофот олишда айбдор деб топилган шахс, суд томонидан тайинланган жазога қўшимча равишда, пора сифатида олган пул миқдорини тўлаши шарт бўлди;
- 5) коррупцияга оид жиноятлар ҳақида Коррупцияга қарши кураш бюросига ахборот берувчи ахборотчиларнинг ҳимояси таъминланди;
- 6) пора олиш ва беришдан ташқари, "откатлар" деб аталадиган жиноий ҳодисанинг ҳам олдини олиш тизими кучайтирилди.

Масалан, қонунда пора бериш ва олиш учун қаттиқ жазолар назарда тутилган. Айбдор деб топилган шахслар жиноятнинг оғирлигига қараб 5 йилгача қамоқ ва 100 минг Сингапур долларигача жаримага тортилиши мумкин.

Учинчидан, коррупцияга қарши қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қиладиган ва тўғридан-тўғри Бош вазирга бўйсунадиган мустақил ихтисослаштирилган Коррупцияга қарши кураш бюроси ташкил этилди. Бюронинг сиёсий таъсирдан мустақил фаолият юритиши кафолатланди.

Бюро бошқа давлат органларидан олдиндан руҳсат олмасдан коррупцияда гумон қилинаётган шахсларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш ва тергов ўтказиш ваколатига эга. Бу эса, бюронинг тез ва самарали

фаолият юритишига имкон беради, шунингдек, унинг ҳаракатларида мустақилликни янада кучайтиради.

Коррупцияга қарши кураш бюросига коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш учун кенг ваколатлар берилган. Шу жумладан, бюрода қуйидаги функцияларни амалга ошириш ваколати мавжуд:

- а) давлат ва хусусий сектордаги коррупция кўринишлари бўйича шикоятларни қабул қилиш ва уларни текшириш;
- б) давлат фуқаролик хизматчиларининг лавозимини суиистеъмол қилиши ва мансаб жиноятларини тергов қилиш;
- в) давлат фуқаролик хизматидаги амалиёт ва тартиб-қоидаларни ўз ташаббуси билан ўрганиш, уларда коррупциявий ҳолатларнинг мавжудлигини аниқлаш ва уларни минимал даражага тушириш мақсадида тахлилий ўрганишлар ўтказиш;
- г) гувоҳларни чақириш, коррупция билан боғлиқ ҳужжатларни мусодара қилиш ва активларни музлатиш;
- д) ўз фаолияти ҳақида ҳисоботлар эълон қилиш ҳамда бошқарувнинг барча босқичларида коррупциянинг олдини олиш бўйича стратегияларини самарали амалга ошириш.

Сингапурда Коррупцияга қарши кураш бюросининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши натижасида бирон марта юқори мансабдор шахслар жавобгарликка тортилмаган. Бу ҳолат бюронинг самарали фаолият кўрсатаётганидан далолат беради.

Тўртинчидан, давлат фуқаролик хизмати лавозимларига тайинлашнинг меритократик тизими жорий этилган бўлиб, унда номзоднинг касбий маҳорати ва ҳалоллиги асосий мезонлар сифатида белгиланган.

Давлат хизматининг юқори ва ўрта бошқарув лавозимларига кадрлар тайёрлаш тизимида меритократия тамойили қўлланилади:

- раҳбарлар ҳукумат томонидан давлат хизматчилари орасидан махсус имтиҳонлар орқали истеъдодлилари саралаб олинади ва тайинланади;
- келажакда раҳбарлик лавозимларига номзод бўлиши мумкин бўлган салоҳиятли давлат фуқаролик хизматчилари учун таълим олиш ва касбий малакасини ошириши учун махсус шароитлар яратилади. Шу билан бирга, Сингапурда олий давлат ҳокимиятининг барча саъй-ҳаракатлари амалдорлар сулоласини шакллантиришга қаратилган бўлиб, коррупцион ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этишда гумон қилинган ёки айбланган давлат хизматчиси ўз келажиги ва авлодларининг келажигини хавф остига қўяди.

Масалан, ҳар бир давлат хизматчиси ўз тайёргарлигини ва касбий малакасини доимий равишда ошириб бориш анъаналарига қатъий риоя қилади.

Хусусан, у йил давомида камида 100 соатлик таълим олиши шарт бўлиб, бу давлатнинг коррупцияга қарши сиёсати масалаларини ҳам ўз ичига олади.

Бешинчидан, фуқаролар орасида ахлоқий қадриятларни жорий этиш ва коррупцияга қарши онгни мустаҳкамлаш мақсадида Сингапур таълим муассасаларининг ўқув дастурларига ахлоқ, фуқаролик таълими ва коррупцияга қарши курашиш кўникмалари бўйича маърузалар киритилган. Талабаларни ҳалол ва ахлоқий хулқ-атвор қоидаларига ўргатишга қаратилган махсус курс ва дастурлар ташкил этилмоқда. Бу ёшларда ҳалол хулқ-атворнинг зарурлиги ва коррупцияга нисбатан мутлақо муросасизлик маданиятини шакллантиришга ёрдам беради.

Олтинчидан, давлат хизматчиларини моддий рағбатлантириш. 1972 йилда эришилган иқтисодий ўсиш давлат идораларида иш ҳақининг ошишига олиб келди. Иш ҳақидан ташқари, давлат хизматчилари 13 ойлик нафақасини мукофот сифатида олишни бошладилар. Бош вазир Ли Куан Ю иш ҳақининг оширилиши ва меҳнат шароитларининг яхшиланишини давлат органларида “шаффофлик”ни таъминлаш, шунингдек, “ақлнинг оқиши”га чек қўйиш ва салоҳиятли кадрларнинг хусусий секторга ўтишининг олдини олиш зарурлиги билан асослаган. Хусусий компаниялар ва давлат муассасалари ўртасидаги даромад даражасини тенглаштириш учун 1973 йилдан 1994 йилгача иш ҳақи 5 баробар оширилган.

Умуман олганда, Сингапурнинг коррупцияга қарши курашиш тажрибаси шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши комплекс, изчил ва қатъий амалга оширилаётган ёндашув коррупция даражасини сезиларли даражада камайитириши ва давлат институтларига бўлган ишончни мустаҳкамлаши мумкин. Сингапурнинг муваффақияти қатъий қонунчилик, коррупцияга қарши ихтисослаштирилган органнинг мустақил фаолияти, коррупцияга нисбатан ноль муросасизликни қўллаб-қувватлаш ва жамоатчиликни фаол жалб қилиш бўйича сиёсий йўлнинг уйғунлашуви билан боғлиқ.

Сингапур тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

1. Коррупцияга оид хавф-хатарларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга комплекс ёндашувни жорий этиш: қонунчилик чораларини кучайтириш, давлат органлари фаолиятининг шаффофлик даражасини ошириш, фуқаролик жамиятининг фаол иштироки учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида одоб-ахлоқ нормалари ва стандартларига риоя этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш, коррупцияга нисбатан мутлақо муросасизлик маданиятини шакллантириш;

2. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига бошқа органлар билан олдиндан келишмасдан тергов ўтказиш, шунингдек, коррупцияда гумон қилинаётган шахсларга нисбатан жиноят ишларини кўзғатиш ваколатини бериш имкониятини кўриб чиқиш.

Одилжон СУЛАЙМАНОВ,
юридик фанлар доктори, доцент.

ЖИНОЯТНИ ИСБОТЛАШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ: МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

АННОТАЦИЯ: мақола жиноят процессуал исботлашда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳуқуқий ва амалий муаммоларни таҳлил қилади. Тезкор-қидирув чоралари орқали олинган далиллар кўпинча жиноят исботлаш жараёнининг асоси бўлиб хизмат қилади. Бироқ, бу жараёнда қонунийлик, адолат ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Статистик маълумотларга кўра, Германияда жиноят ишлари бўйича исботлаш жараёнида тезкор-қидирув фаолиятдан олинган далиллар тахминан 30-40% ҳолларда қўлланилади. Бироқ, ушбу далилларни судда қонуний ва ҳаққоний усулда қўллашда қийинчиликлар мавжуд.

Калит сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, жиноят процессуал исботлаш, қонунийлик, адолат ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, далиллар.

Жиноятни фош қилишда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш борасида жиддий-ҳуқуқий ва амалий муаммоларга дуч келинмоқда. Хусусан, Германия Федерал Жиноят Полиция бошқармаси (БКА) томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, тезкор тергов давомида олинган далилларнинг тахминан 20 фоизи судлар томонидан инсон ҳуқуқлари ёки тегишли жараённинг бузилиши туфайли рад этилади. Франция ва Италия каби Европа Иттифоқи мамлакатларида тезкор-қидирув маълумотлари ҳам текширилади, айниқса далилларни олиш усуллари гумонланувчиларнинг шахсий дахлсизлигини ўз ичига олган бўлса, кўпинча бундай далилларни Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясига зид бўлганлиги сабабли чиқариб ташлашга тўғри келади. Қўшма Штатларда тезкор-қидирув хулосаларининг мақбуллиги ҳақидаги саволлар айниқса долзарб. Бу ерда тегишли суд қарорларисиз тўпланган маълумотлар суиистеъмолликнинг олдини олиш учун судлар томонидан мунтазам равишда рад этилади. Ушбу ҳалқаро мисоллар ва статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, қонунийлик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва

тезкор-қидирув маълумотларининг ишончилиги масалалари жиноят процессида адолатни таъминлашда бош мезондир.

Ҳозирда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уларга риоя этишда бир қатор камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Жумладан, гумонланувчини тезкор-қидирув тадбири вақтида ушлаш чоғида уни ҳақорат қилиш ва унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилмаслик ҳолатлари оммавий ахборот воситаларида кузатилиб турибди. Ушбу хатти-ҳаракатлар қуйидаги меъёрий ҳужжатларда тақиқланганлигини кўришимиз мумкин: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасига кўра, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз эканлиги, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги келтирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида ҳам ушбу ҳуқуқни таъминлаш уларнинг вазифаси қилиб белгиланган. Халқаро амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, Германия жиноят процессуал кодексининг 136-моддасида: “Германияда тезкор-қидирув жараёнида гумон қилинувчининг ҳуқуқлари бузилган ёки процессуал қоидаларга риоя қилинмаса, бундай далиллар судда номақбул деб топилиши мумкин”, деб белгиланган.

Юқоридаги каби тезкор-қидирув тадбирлари билан боғлиқ муаммоларга ечим сифатида ИИО ходимларининг ахлоқ кодексини ишлаб чиқиш, унинг ижро ва назоратини кучайтириш лозим. Унда Ички ишлар органлари ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажаришда инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳурмат қилишнинг муҳимлигини таъкидлаш ва ушбу нормаларни бузиш жиддий интизомий жазога, шу жумладан жиддий ҳолатлар учун ишдан бўшатишга олиб келишини белгилаш керак.

Кейинги учрайдиган муаммолардан яна бири бу— шахсий ҳаётга аралашидир. Ўзбекистон қонунчилигида шахсий ҳаётнинг ҳимояси ва уй-жой дахлсизлиги Конституция билан ҳимояланган ва жиноят процессида устувор аҳамиятга эга. Кузатув, тинглаш ва электрон кузатув каби ҳаракатлар кўпинча бу ҳуқуқларни бузади. Агар суд шахсий дахлсизликка аралашилган деб топса,

**Дўстлик
харсанг тош-
дир. Уни хиёнат
болгасигина парча-
лай олади.**

**“Ҳикматлар
саодатга етаклар”
китобидан**

мутаносиблик тамойилига асосланиб, бундай далилларни истисно қилиши мумкин. Шундай экан, далилларни тўплаш учун тезкор-қидирув фаолиятида мутаносиблик тамойилига риоя қилиш муҳим жиҳат ҳисобланади. Бу шуни англатадики, тезкор чоралар фақат асосли эҳтиёж ва етарли асослар мавжуд бўлганда жоиздир. Бунда ҳаракатлар қуйидаги ҳужжатларда тақиқланганлигини кўришимиз мумкин: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида: "Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга" эканлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги қонуни 7-моддасининг бешинчи қисмига кўра "Инсоннинг шахсий ҳаёти ҳолатларига оид маълумотларнинг ошкор этилишига олиб келадиган, унинг ҳаётини, соғлигини хавф остига қўядиган, шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади."

Бу масалада Германия қонунчилигига мурожаат қиладиган бўлсак унда инсон ҳуқуқларига оид талабларга қатъий эътибор қаратилганини кўришимиз мумкин.

Германия жиноят процессуал кодексида ноқонуний усуллар билан олинган далиллар одатда судда рад этилиши белгиланган. Бу уларда "Далиллардан фойдаланишнинг тақиқланиши" деб аталади. Германия жиноят процессуал кодекси 136-моддасида тергов жараёнида ножўя усуллар – босим ўтказиш, зўравонлик қилиш ёки алдов орқали олинган далиллардан фойдаланиш тақиқланади. Агар далил нотўғри усуллар билан олинган бўлса, судда бундай далиллар қабул қилинмаслиги белгиланган. Шунингдек, Германия жиноят процессуал кодексининг 100А ва 100Б моддаларида: Телефон сўзлашувларини тинглаш ва бошқа коммуникацион кузатувлар фақат суднинг рухсати билан амалга оширилиши кераклиги белгиланган. Агар бундай кузатув ёки тинглаш рухсатсиз амалга оширилган тақдирда, бу далиллар ноқонуний ҳисобланиши ва суд томонидан қабул қилинмаслиги белгиланган.

Бу меъёрлар асосида Германия судлари далилларнинг қонунийлигини қатъий назорат қилади ва прокурор ёки ички ишлар органлари тезкор-қидирув ходимлари ноқонуний усулларни қўллаган тақдирда, далиллар суд исбот тизимида қабул қилинмаслигига олиб келади. Ушбу ҳолатнинг олдини олиш учун тезкор-қидирув ходимлари пропорционаллик тамойилига риоя қилиши кераклиги талаб қилинади. Пропорционаллик тамойилида Германия Конституцияси ва Германия жиноят процессуал кодексига риоя қилиш талаби кўзда тутилган. Бу тамойил, тезкор-қидирув фаолияти чоғида қўлланиладиган усуллар жиноятнинг оғирлиги ва далилни тўплаш заруриятига мос келиши кераклигини таъкидлайди. Германия Конституциясининг 1 ва 2-моддаларида шахсий ҳаёт дахлсизлиги ва шахснинг қадр-қиммати Германия Конституциясида биринчи ўринда туриши, ҳар қандай тезкор-қидирув чоралари шахсий ҳаётга аралашмаслиги лозимлиги, чунки бу фуқароларнинг асосий ҳуқуқларини поймол қилишга олиб келиши ҳақида гап боради.

Жиноят процессуал исботлашда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш муаммоларини

ўрганишда немис олимлари турли фикрларни билдирадilar.

Профессор Клаус Волк (Мүнчен Университети) - Германия жиноят процессуал ҳуқуқ мутахассиси, далиллардан фойдаланиш тақиқланиши тизимини ҳимоя қилиб, бу тизимнинг адолат ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳимлигини таъкидлайди. Унга кўра, ноқонуний олинган далилларнинг суд жараёнида рад этилиши суд тизимида адолатни сақлашга ёрдам беради. Профессор Волкнинг фикрича, Германия суд тизими бу тамойил орқали адолатни кафолатлайди ва ноқонуний далиллар ишончсиз бўлиб, одил судловга зарар етказиши мумкинлигини айтади.

Профессор Ханс-Хейнрих Жесческ ҳам ушбу мавзуда катта тадқиқот олиб борган ва унинг фикрича, Германияда жиноятни исботлашда далилларнинг қонунийлиги ва ҳаққонийлиги муҳим аҳамиятга эга. У "шахсий ҳаётга аралашиб жуда чекланган бўлиши керак ва далилни қонунга хилоф усуллар билан олиш, демократик жамиятда ўз ўрнини топмайди," деб таъкидлайди. Жесческ инсон ҳуқуқлари ва адолат тамойилларига риоя қилишни барча тезкор-қидирув жараёнларида муҳим деб ҳисоблайди.

Профессор Тҳомас Фисчер, жиноят процессуал ҳуқуқи бўйича немис мутахассиси, жиноят процессида далилларнинг қонунийлигига катта эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, далилларни ноқонуний усуллар билан йиғиш жиноят процессуал тизимининг ўзига нисбатан ишончсизликни келтириб чиқаради. Фисчер суд тизимида қонунга риоя қилиш ва шаффофликни сақлаш муҳимлигини ва "Бешеисвершертунгсвербот" тамойилига амал қилиш адолатли судловни таъминлашда зарур эканини айтади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон ва Германия қонунчилигида жиноят процессуал исботлашда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишда жиноят процессида далилларнинг қонуний усулларда олинган бўлишига катта эътибор қаратилади. Шунингдек, "Бешеисвершертунгсвербот", яъни ноқонуний олинган далиллардан фойдаланишни тақиқлаш тамойили Германияда адолат ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим таркибий қисми эканлигини тасдиқлайди. Тезкор-қидирув фаолияти жараёнида қонунга риоя қилинмаган бўлса, суд бундай далилларни қабул қилмайди. Шунингдек, Германияда нуфузли профессор ва ҳуқуқшунослар ҳам бу тамойилларни қўллашни ҳимоя қилиб, демократик жамиятда адолатни сақлаш муҳимлигини таъкидлайдилар.

Шоҳзод САЛОМОВ,

ИИБ ТҚХ ТҚКГ тезкор вакили.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Германия Конституцияси - https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_gg/englisch_gg.html
2. Германия жиноят процессуал кодекси – German code of criminal procedure (Strafprozeßordnung).
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - 30.04.2023 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида" қонуни - 25.12.2012 йилдаги ЎРҚ-344-сон.
5. https://www.bka.de/EN/Home/home_node.html The development of the Bundeskriminalamt.

РАҚАМЛИ МАКОНДА БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада рақамли маконда бола ҳуқуқларининг ҳимояси миллий ва хорижий қонунчиликда қай даражада акс этганлиги чуқур ва атрофлича таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур соҳада амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг қай даражада самарадорлиги келтириб ўтилган. Бугунги глобаллашув жараёнида айнан интернет тизимида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишда учратишимиз мумкин бўлган кибер безорилик ва шунга ўхшаш бошқа таҳдидларнинг таҳлили келтириб ўтилган. Интернет тизимида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлатлар учраши мумкин бўлган асосий муаммолар таҳлил қилинган ҳамда ушбу муаммоларни ҳал қилиш юзасидан тегишли тақлифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: бола ҳуқуқлари, рақамли макон, кибербезорилик, замонавий хавф ва таҳдидлар.

Рақамли трансформация кучайган ҳозирги кунда интернет тизимида болаларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш долзарб аҳамиятга эга. БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитаси ўзининг 24-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазаларида (2019) “Болалар жисмоний ва психологик ривожланиши билан ёши катталардан фарқ қилади. Бундай фарқлар болалар учун мўлжалланган, индивидуаллаштирилган ёндашувга эга бўлган алоҳида тизимни яратишга асос бўлади” деб таъкидлайди. Шунингдек, рақамли макон болалар ҳаётининг аксарият қисмида, айниқса, COVID-19 пандемияси даврида тобора муҳим аҳамият касб этганлигини ҳисобга олганда, интернет тизими болалар ҳуқуқларини амалга ошириш учун янги имкониятлар яратмоқда, шу билан бирга улар ҳуқуқларининг бузилиш хавфини ҳам юзага келтирмоқда. БМТнинг Бола ҳуқуқлари қўмитаси ўзининг 25-сонли Умумий тартибдаги мулоҳазаларида (2021) барча иштирокчи давлатларни рақамли муҳитда бола ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ имкониятлар, хавф ва қийинчиликлар нуқтаи назаридан Конвенцияни амалга оширишга чақиради.

Россия Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти профессори Э.В.Талапинанинг фикрига кўра, интернетда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида давлатлар қуйидаги учта муаммони ҳал қилиши лозим:

1. Интернет орқали инсон ҳуқуқларидан фойдаланишга тўсқинлик қилмаслик ёки чекламаслик (масалан, цензура қилмаслик);

2. Ахборот ва алоқа воситаларидан қонуний фойдаланишни ҳимоя қилиш ва учинчи шахсларнинг киберҳужумларидан ҳимоялаш;

3. Ахборот-коммуникация технологияларидан қонуний фойдаланишни кафолатлаш ва қўмаклашиш (кам таъминланган шахсларнинг интернет тармоғига кириши).

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳозирги кундаги энг долзарб муаммоларидан бири болаларнинг рақамли маконда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Интернет моҳиятан ахборот муҳити бўлиб, унинг ҳар бир бола ҳаётига таъсири йилдан-йилга ошиб бормоқда. Тўғри, бугун интернет ва ундаги ижтимоий тармоқлар имкониятларидан самарали фойдаланиб, кўплаб муваффақиятларга эришаётган ёшларимиз сафи ҳам тобора ортиб бормоқда. Масалан, рақамли технологиялар ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш ва уларга касбга йўналтириш хизматларини кўрсатиш орқали иқтисодий истиқболларни яратмоқда. Аммо, интернетдаги маълумотлардан ўринли фойдалана олмаётган, интернет тармоғидаги ваҳшийлик, зўравонлик, порнография ва киши руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа иллатлар таъсирига тушиб қолаётган болалар сони ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ёшларнинг ижтимоийлашувининг муҳим воситаси сифатида ҳам айнан ижтимоий тар-

моқлардан кўп фойдаланилаётганлиги болаларнинг ахборот қабул қилиш ва тарқатишлари жараёнида улар ҳуқуқларининг бузилиши хавфи кун сайин ошаётганлигини кўрсатади.

Юридик фанлар доктори Стрелка Валериянинг таъкидлашича, интернетда вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун хавф ва таҳдидлар бугунги кунда глобал ва муҳокама қилинадиган муаммодир. Кўпгина давлатлар “цензура” сўзидан қочишади, шунинг учун уни “ахборот филтрлари” ибораси билан алмаштирадилар. Бундай маълумотларни филтрлаш АҚШ, Буюк Британия, Хитой, Сурия, Германия, Франция ва Куба каби мамлакатлар тажрибасида кенг учраб туради. Мисол учун, Буюк Британияда таъқиқланган контент сайтлар яратиш орқали блокланади, уларга ташриф буюргандан сўнг Британия полицияси калит сўзларни киритган фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларига кириш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари, Америка Қўшма Штатларида вояга етмаганларни интернетда ҳимоя қилишда 16 ёшгача бўлган вояга етмаганларга ота-оналари (васийлари) розилигисиз ўз интернет манзили ёки шахсий каналига эга бўлишини таъқиқлаш орқали амалга оширилади.

Рақамли маконда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ хавф ва таҳдидлар бир неча шаклларда рўй бериши мумкин. Масалан, онлайн безорилик ва айрим гуруҳлар ёки шахслар томонидан яратилган шахсий маълумотларнинг нусхалаш ва тарқатилишига оид хавф ва таҳдидлар мавжуд. Ушбу хавф ва таҳдидларни қуйидагилар орқали кенгайтириш мумкин:

1. Онлайн безорилик: бу, айрим гуруҳлар ёки шахслар томонидан бошқалар учун хавф туғдирувчи онлайн характердаги ҳаракатлар, хабарлар ёки медиа контентлар орқали юзага келиши мумкин. Онлайн безориликда Интернетда ёки телефонингиз орқали сизга зид бўлган хабарлар, ёзувлар, расмлар ва видеолар юборилиши мумкин.

2. Шахсий маълумотларни нусхалаш ва тарқатилиши: Интернет тизимида шахсий маълумотларни нусхалаш ва тарқатилиши кўплаб хавф ва таҳдидлар тўғрисидаги муаммоларга олиб келиши мумкин. Бу маълумотлар тугилган сана, тугилган жой, исм, оила аъзолари ҳақидаги маълумотлар, хусусий маълумотлар ва бошқа шахсий маълумотлар бўлиши мумкин.

3. Кибергриминг, яъни ёмон ниятда болалар билан дўстона муносабатларни ўрнатиш.

4. Веб-сайтларга ҳужум қилиш: Ҳаккерлар фойдаланувчининг шахсий маълумотларини олиш учун веб-сайтларга ҳужум қилишга уринишлари мумкин. Бу хавф ва таҳдид фойдаланувчиларнинг шахсий ёки молиявий маълумотларини йўқ қилишга қодир.

Рақамли маконда болалар учраши мумкин бўлган кибер безорилик, кибергриминг каби бир қатор замонавий хавф ва таҳдидларга боғлиқ бўлган статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак,

Қозоғистонда 13 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларнинг 13 %, Грузияда 16 %, Саудия Арабистонида 27 %, Австралияда 34 %, Жанубий Африкада 47 % кибер безориликка дучор бўлмоқда. Россияда ўртача ҳисобда интернетдан фойдаланадиган болаларнинг 23 фоизи сўнгги 12 ой ичида онлайн ёки офлайн режимда зўравонлик қурбони бўлган. Шунга ўхшаш маълумотлар ўртача 25 та Европа мамлакатларида (19%) ҳам қайд этилган.

Халқаро экспертлар дунё миқёсида 38 фоиз ёшлар зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26 фоизи миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб боришини аниқлаган.

Шунингдек, бугунги кунда интернетдаги замонавий хавф ва таҳдидларнинг олдини олишга қаратилган бир нечта халқаро лойиҳалар ҳам мавжуд. Масалан, Facebook рақамли платформаларда жинсий зўравонликка чек қўйиш мақсадида Европа Иттифоқидаги deSHAME лойиҳасини Childnet, Save the Children, Kek Vonal ва UCLan билан ҳамкорликда молиялаштирди. Ушбу лойиҳа вояга етмаганлар ўртасида онлайн жинсий зўравонлик ҳақидаги таҳдидлар борасида хабар беришни кўпайтириш ва бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларга жавоб бериш учун тармоқлараро ҳамкорликни оширишга қаратилган. Лойиҳанинг асосий мақсадларидан бири фойдаланувчиларни уларга номақбул контент ҳақида хабар беришга ундаш ва уларни рағбатлантириш бўлганлиги сабабли, Facebookда нима рухсат этилган ва нимага рухсат этилмаганлиги ҳақида хабар бериш Facebook ҳамжамиятининг кўрсатмалари асоси билан боғлиқ бўлиши мумкин. Шунингдек, улар пост жойлашга рухсат берилмаган фойдаланувчилар турларини ҳам белгилайди. Бундан ташқари, Facebook хавфсизлик тизимини ҳам ишлаб чиқди. Масалан "Сиз бу шахсни биласизми?", бегона шахслардан келиб тушган "бегона хабарлар" бўлими, нозмалум фойдаланувчилар, лентада пайдо бўлган янги хабарлар бўлими, вояга етмаган болаларга нотаниш бўлган катта ёшдаги одамлар томонидан келиб тушган хабарлар ҳамда гумон қилинганлар каби бир қатор бўлимларни ишлаб чиқди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 2021 йил 13 июлда қабул қилинган 47/23-сонли резолюцияси янги ва ривожланаётган рақамли технологиялар ва уларнинг инсон ҳуқуқларига таъсири масалаларига бағишланган. Мазкур технологиялар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун яратадиган таҳдидларга ва ушбу таҳдидларни халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш меъёрлари доирасида ҳисобга олиш зарурлигига эътибор қаратади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2023 йил 19 декабрда 78/213-сонли Резолюцияда рақамли технологиялар контекстида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид асосий нормалар белгилаб қўйилган. Мазкур резолюцияда янги технологияларни ривожлантириш, рақамли бўлиниш, сўз эркинлиги, интернетни ўчириш, шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи, бошқарув ва тинч йиғилишлар, ирқчилик, алгоритмлар, сунъий интеллект, кузатув тизимлари ва бошқалар каби мавзуларга эътибор қаратилган. Шунингдек, ушбу резолюция рақамли маконда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда хусусий секторнинг ҳисобдорлигини ҳам талаб қилади.

Бугунги кунда интернет тизимида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид БМТ доирасида бир нечта резолюциялар қабул қилинган. Аммо, мазкур резолюциялар тавсиявий характерга эга бўлганлиги сабабли давлатларга маълум бир мажбуриятларни юкламайди. Рақамли маконда бола ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлатлар ҳамкорлиги асосини белгилаб берувчи ягона универсал конвенциянинг мавжуд эмаслиги турли хил муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли ҳам ҳозирги вақтда интернет тизимида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир халқаро ҳуқуқий ҳуж-

жатга эҳтиёж сезилмоқда. Бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланган 1989 йилда қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда давлатлар томонидан болаларни турли хил таҳдидлардан ҳимоя қилиш зарурлиги бўйича чоралар кўрилиши белгиланган. Бироқ айнан виртуал ҳаёт орқали кириб келаётган таҳдидларнинг олдини олиш, болаларнинг рақамли маконда хавфсизлигини таъминлаш ва уларни информация хуружлардан ҳимоя қилишга оид давлатларнинг мажбуриятини белгилаб берувчи халқаро ҳуқуқий нормалар аслида йўқлигини кўришимиз мумкин. Бола ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлатлар ҳамкорлиги асосини белгилаб берувчи ягона, универсал конвенциянинг мавжуд эмаслиги турли хил муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли ҳозирги вақтда интернет тизимида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир халқаро ҳуқуқий ҳужжатга эҳтиёж сезилмоқда. Шулардан келиб чиқиб, Халқаро ҳуқуқда айнан рақамли маконда болаларнинг ҳуқуқларини бевосита ҳимоя қилишга қаратилган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир "Болаларни рақамли маконда ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қўшимча протокол ишлаб чиқишни ва айнан Ўзбекистоннинг мазкур ҳужжатни қабул қилишда ташаббускор бўлиши таклиф қилинади. Шунингдек, ушбу халқаро ҳужжатда аввало, болаларнинг ахборот саводхонлигини таъминлаш, янги технологиялар ва янги ахборот-коммуникация хизматларидан фойдаланилганда болаларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлигига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, болаларни интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя қилиш воситалари, миллий даражада рақамли хавфсизлик бўйича ахборот-таълим компанияларини амалга ошириш, интернетда болалар учун хавфсиз муҳит яратиш, интернетда болалар кадр-қимматини, хавфсизлигини ва махфийлигини ҳимоя қилиш каби масалаларнинг қамраб олиниши тавсия этилади.

Бугунги кунда рақамли маконда болаларнинг асосий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлат ва хусусий секторнинг биргаликдаги ҳамкорлиги ниҳоятда самарали ҳисобланади. Шу сабабли ҳам айнан Ўзбекистон Республикасида рақамли маконда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат ва хусусий секторнинг ҳамкорлигини жорий қилиш лозим. Ушбу хусусий секторлар билан биргаликда интернет тизимида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ягона платформа ишлаб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Асилбек МЎМИНОВ,

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бондаренко, О. А. Международные документы о правах ребенка: научно-практическое пособие / О. А. Бондаренко. – Волгоград: Изд-во Волгоградского института экономики, социологии и права, 2011.
2. М. С. Бурьянов. Глобальные цифровые права человека. *Век глобализации* 3/2020 54–70 DOI: 10.30884/vglob/2020.03.05
3. Martinson R. (1974). What works? Questions and answers about prison reform. *Te Public Interest* 35(Spring): 22–54.
4. Э.В.Талапина. Право и свободы человека Труды Института государства и права РАН. 2019. Том 14. № 3
5. Palfrey J., Boyd D., Sacco D. (2010) Enhancing child safety and online technologies. Final report of the Internet safety. Durham, North Carolina: Carolina Academic Press.
6. Стрелка Валерия Николаевна Права человека в Интернете: защита прав несовершеннолетних в сети Интернет // Вопросы российской юстиции. 2019. №3.
7. Trevor Buck. "International Child Law". Third edition. London, 2014 – p.21.
8. Hidden in plain sight: A statistical analysis of violence against children, UNICEF, 2014
9. Westra L. Child Law: Children's Rights and Collective Obligations. With Foreword by Roger Brownsword//Department of Law University of Windsor Springer International Publishing Switzerland. 2014-188p

ЖИНОЯТНИ ФОШ ҚИЛИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРНИ

АННОТАЦИЯ: мақолада исботлашда тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Энг муҳими, тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан далил сифатида фойдаланиш маълум шартларга риоя қилиш ва баҳолашни талаб қилиши асосланган.

Калит сўзлари: жиноят процесси, тезкор-қидирув фаолияти, исботлаш, далиллар, натижалар, тўплаш, текшириш ва баҳолаш, ўзаро боғлиқлиги, жиноят иши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари.

Тезкор-қидирув тадбири ўтказиш ва унинг натижаларидан фойдаланмасдан жиноят ишини далиллар ёрдамида ҳал қилиш учун муҳим бўлган фактлар ва ҳолатлар мажмуини аниқлаш аслида имконсиз.

Тезкор-қидирув фаолияти натижалари далилларнинг барча турларини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилиши, уларни аниқлаш учун шароит ва замин яратиши мумкин. Албатта, тезкор-қидирув фаолияти натижасида тўпланган маълумотлар исбот қилишда Жиноят-процессуал кодекси талабларига жавоб бериши лозим. Ўз-ўзидан тезкор-қидирув усули билан тўпланган фактик маълумотлар жиноят-процессуал тартибда тасдиқланмасдан далил бўлиб ҳисобланмайди. Шунинг учун, тезкор-қидирув фаолияти натижалари исботлаш талабларига жавоб бермаса, жиноят-процессуал қонунчилиги улардан фойдаланишни тақиқлайди.

Демак, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонун ҳам жиноят-процессуал кодекси ҳам бир томондан тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан исботлашда фойдаланишга йўл қўяди, иккинчи томондан улардан далил сифатида фойдаланишни чеклайди.

Далилларни тўплаш жараёни қидириш ва аниқлашдан бошланади, чунки унинг манбаларини аниқламасдан туриб, керакли маълумотларни олиш мумкин эмас. Бу ерда тезкор-қидирув фаолиятининг роли, ахборот манбаларини ва (ёки) ташувчиларни топишдан иборат: масалан, жиноят изларини сақлаб қолган нарса ёки иш учун муҳим бўлган ҳолатларга гувоҳ бўлган шахс ва бошқалар.

Жиноят воситаси ёки қуролини аниқламасдан туриб, айрим ҳолларда жиноят таркибининг ўзини ҳам шунингдек, шахснинг алоқдорлигини ҳам исботлаб бўлмайди. Бундан ташқари, қасд бўлган нарсаларни аниқлаш ашёвий далил сифатида тан олишда ҳам муҳимдир.

Ахборот манбаи ёки ташувчиси аниқлангандан кейингина далилларни йиғишнинг навбатдаги босқичи амалга оширилади. Хусусан, аниқланган ахборот ташувчиларидан қонунда назарда тутилган тергов ёки бошқа процессуал ҳаракатлар ёрдамида маълумот олиш бошланади. Шунингдек, қўздан кечириш, экспертиза, эксгумация, қидирув, олиб қўйиш, почта ва телеграф хабарларини хатлаб қўйиш, тинтув, кўрсатувларни текшириш, қиёсий текшириш учун намуналар олиш каби ҳаракатлар пайтида тўплаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-моддасига биноан далилларни тўплашни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд амалга оширади. Шу муносабат билан далилларни тўплашда суриштирув органлари кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни амалга оширадilar. Илк тергов ҳаракатлари ўтказилгандан сўнг, лекин жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб 10 суткадан кечиктирмай суриштирув органи жиноят ишини прокурорга юбориши шарт ва шундан сўнг у тергов ҳаракатлари ҳамда тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш мумкин.

Қонунчиликда далилларни мақбул эмас деб топиш тўғрисида ҳам аниқлик киритилган:

1) жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаган ҳолда;

2) уларни сохталаштириш (қалбақлаштириш) йўли билан;

3) гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари, шунингдек, таржимон хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқи бузилган ҳолда;

4) жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатнинг мазкур жиноят ишини юритишни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан бажарилиши натижасида;

5) номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан;

6) жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг суриштирувдаги, дастлабки терговдаги кўрсатмалари судда далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топмаган бўлса, улар далил сифатида мақбул эмас деб топилади.

Шунингдек, далиллар ЖПК талаблари бузилган тарзда олинган бўлса ҳам мақбул эмас деб топилади.

Фактлар ҳақидаги маълумотлар ёки қонун доирасида фактларни олиш тартибининг ўзи далилларнинг қабул қилинишига таъсир қилмайди, ушбу ёндашув тезкор-қидирув фаолияти натижаларига ҳам татбиқ этилиши керак.

Жиноят-процессуал нормаларига мувофиқ далил сифатида жиноят ишига тааллуқли бошқа нарса ва ҳужжатларга ҳам рухсат этади. Хусусан, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёки видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир.

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунда тезкор-қидирув тадбирларида аудио-видео ёзув, кино ва фотосуратга олиш, шунингдек, инсоннинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки, атроф-муҳит учун хавфсиз бошқа техника воситаларини қўллашга ҳам рухсат берилган. Шунингдек, ушбу турдаги бошқа техник воситалар билан бир қаторда ҳужжатли материаллар (тезкор маълумотлар, билдирги, маълумот, сўровлар)дан ҳам жиноятни фош қилиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тезкор-қидирув тадбирини ўтказишда фуқаролик муомаласидан олиб қўйилган нарсалар ёки моддалар топилса, улар олиб қўйилиши мумкин.

Шунингдек, шахсларнинг жиноий ҳаракатларини ҳужжатлаштириш учун ишлов берилган ёки белгилаб қўйилган банкноталар каби алоҳида нарсалар ишлатилиши мумкин.

Шундай қилиб, тезкор-қидирув фаолияти натижасида тўпланган маълумотлар фақат конституция, жиноят процессуал қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатларга мувофиқ тўпланган бўлсагина улардан далил сифатида фойдаланиш мумкин.

Азизхон ПЎЛАТОВ,

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 585-модда.

БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ МОҲИЯТИ ВА УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Бюджет жараёни юридик жараённинг барча белгиларини ўзида қамраб олади, лекин ўзига хос бўлган хусусиятлари ҳам мавжуд. Хусусан, жараён иштирокчиларининг махсус объекти ва субъектлари таркиби, бюджет ҳуқуқий муносабатларини вужудга келтирадиган махсус юридик фактлар, босқичларга бўлиниш ва ҳоказолар.

Бюджет жараёни, М.В.Карасеванинг фикрига кўра, бу ноёб ҳодиса, чунки у ягона қонун – келгуси молиявий йил учун бюджет қонунини шакллантириш ва ижро этишга хизмат қиладиган ягона юридик жараёндир. Бундан ташқари, бундай қонун барқарор эмас, чунки у ҳар сафар фақат битта календарь йил учун амал қилади. Бюджет жараёни, маълум бир қонунга хизмат қиладиган бошқа процессуал шакллардан фарқли ўлароқ, бир вақтнинг ўзида ҳар йили пайдо бўладиган бюджет қонунининг (қарорининг) шаклланиши ва бажарилишини таъминлайдиган ўзига хос процессуал шаклдир. Шу маънода бюджет жараёни бюджет тўғрисидаги қонуннинг (қарорнинг) ягона процессуал шакли, дейиш мумкин.

Ушбу муаллифнинг фикрлари ҳеч кимда шубҳа-ғумон уйғотмайди, дарҳақиқат, бюджет жараёни бошқа турдаги жараёнлардан фарқ қилади. На жиноят, на фуқаролик процесси бирон-бир норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва бажарилишини таъминламайди, фақат жиноят ишларини тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш, шунингдек суд қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва ижро этишга қаратилади. Маъмурий жараён жиноий ва фуқаролик жараёнларига нисбатан кам ривожланган ва унинг турли хил талқинлари мавжуд. Бироқ, маъмурий жараён ҳам, жиноий ва фуқаролик жараёнлари ҳам бюджет жараёнидан тубдан фарқ қилади, чунки уларнинг ҳеч бири ягона қонунни (қарорни) қабул қилиш ва ижро этишнинг процессуал шакли бўла олмайди.

Бюджет жараёни давлатнинг бюджет фаолияти асосини ташкил этади, бунда давлат, унинг органлари ва мансабдор шахсларининг бюджет даромадларини шакллантириш (бюджетни режалаштириш ва ҳисоблаш), харажатлар мажбуриятларини белгилаш, бюджет харажатларини режалаштириш ва амалга ошириш, бюджетни молиялаштириш манбаларидан даромадларни таъминлаш, камомадни, давлат ва муниципал қарзларни тўлаш, бюджет назоратини амалга ошириш ҳаракатларини амалга оширади.

“Бюджет фаолияти” тушунчасининг мазмуни субъект, объект, мақсадлар, усуллар, функциялар, шакллар, босқичлар каби элементлар давлат ва унинг маъмурий-ҳудудий бирликларининг бюджет жараёнида бюджет ҳуқуқ субъектчилигини амалга оширишнинг асосий муҳим жиҳатларини очиб беришга имкон беради. Шу билан бирга, “фаолият” тушунчасининг умумбашарий табиати фақат ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини белгилаш учун ишлатиладиган “менежмент” тушунчасидан фарқ қилади, бу давлат ҳокимияти аппаратларининг барча қисмларига, шу жумладан вакиллик органларига ҳам тегишлидир. Ва низоҳат, “фаолият” тушунчаси бюджет жараёни ва улар билан боғлиқ муносабатларни бюджет маблағларига давлат ва маҳаллий мулк ҳуқуқини амалга ошириш нуктаи назаридан кўриб чиқишга имкон беради.

Бюджет жараёнининг моҳияти катта назарий ва амалий аҳамиятга эга, шунинг учун доим турли илмий ҳамжамиятлар, биринчи навбатда, иқтисодий ва юридик фан вакилларининг диққат марказида туради.

Баъзи иқтисодий илмий адабиётларда бюджет жараёни шундай таърифланадики, у бюджетни шакллантириш ва ижро этишнинг кетма-кет босқичлари тўпламини, уни ишлаб чиқиш пайтидан бошлаб, ижро ҳисоботи тасдиқлангунга қадар, давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг функцияларини таъминлаш, ундан самарали фойдаланиш учун марказлаштирилган касса фонди (давлат ёки шаҳар бюджетини) яратиш мақсадига бўйсунди.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси бюджет жараёнидаги босқич – бу бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тайёрлаш, кўриб чиқиш, бюджет тўғрисидаги қонун (қарорлар) қабул қилиш, бюджет маблағларини олувчиларга бюджет лойиҳаларини етказиш, шунингдек унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари билан тартибга солинадиган вакиллик ва ижро этувчи органлар фаолиятининг мустақил ва тугалланган босқичидир.

Республикаимиз бюджет жараёни қуйидаги босқичларга ажратилади: 1) бюджетни тайёрлаш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш; 2) бюджетни бюджет маблағларини олувчиларга етказиш; 3) унинг ижросини назорат қилиш; 4) бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш. Аммо, бизнинг фикримизча, бюджетни бюджет маблағларини олувчиларга етказишнинг алоҳида босқичи сифатида ажратиш Бюджет кодексининг 16-боб нормаларига тўлиқ мос келмайди, бунда ушбу босқич бюджет жараёни мустақил босқичи сифатида белгиланмаган, балки бюджетни тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш босқичига киритилган. Бундан ташқари, алоҳида босқичларнинг мазмуни бироз тушунтиришни талаб қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси бюджет жараёнининг уч босқичи мавжуд:

- 1) бюджетни тайёрлаш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва тасдиқлаш;
- 2) бюджет ижроси;
- 3) бюджет ҳисоби ва ҳисоботини юритиш, ташқи аудит ва давлат бюджети ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни баҳолаш, бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

Бюджет жараёнининг ушбу босқичлари доимий, тарқорланадиган ва изчил бир-бирини алмаштиради. Бир босқични яқунлаш бюджет жараёни бошқа босқичининг шартини ва бошланишидир. Мамлакатимиз Бюджет кодексининг 2-боби Ўзбекистон Республикасида ушбу босқичларнинг ҳар бирини ўрганишга бағишланган.

Фазлиддин САМИҒЖАНОВ,

Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Карасева М.В. Бюджетное и налоговое право России. М., Юристь. 2003. С.58-60.
2. Ли А. Финансовое право Республики Узбекистан. С. 98-99.
3. Финансы: Учебник / Под ред. В.В. Ковалева. – М.: ТК Вел-би, 2007. С. 167.
4. Цветова, Г. В. Бюджетный процесс в Российской Федерации: методология, практика и перспективы развития: монография / Г. В. Цветова. – Хабаровск : ДВИУ – филиал РАНХиГС, 2015. С.25.

МАЪМУРИЙ ОРГАН СИФАТИДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН, ШАҲАР КЕНГАШЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Маъмурий ҳуқуқнинг марказий элементи маъмурий акт ҳисобланиб, маъмурий акт натижасида манфаатдор шахсларга – адресатларга таъсир қилишига қараб маълум бир ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтиради. Мана шу ҳуқуқий оқибат адресатга қулай, яъни фойдали характерга эга бўлиши ёки ноқулай, яъни адресатга нисбатан маълум бир чекловлар, тўсиқлар вужудга келтириши мумкин. Амалиётда айнан мана шу адресатга ноқулай бўлган маъмурий актларнинг қабул қилиниши натижасида кўплаб низолар вужудга келади. Ваколатли орган ҳамда суд томонидан мана шундай маъмурий актлар устидан низолашилганда маъмурий актни қабул қилиш тартиб-таомилларида риоя қилинганлиги, моддий ва процессуал қонунчилик талаблари асосида маъмурий актнинг қонунийлиги текширилади.

Қонунчиликда маъмурий актни қабул қилиш ваколати берилган махсус органлар келтирилган бўлиб булар маъмурий орган сифатида талқин қилинади. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги ЎРҚ-457-сонли қонунининг тўртинчи хатбошисига биноан маъмурий органлар — маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар ҳисобланади. Демак, маъмурий органлар қаторига маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, Президентимизнинг 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сонли фармонида биноан Республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар (кейинги ўринларда — вазирлик ва идоралар) ҳамда улар ҳудудий ва туман (шаҳар) бўлинмалари киради. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги 913-XII-сонли қонуни билан тартибга солинади.

Демак, юқоридаги ижро этувчи ҳокимият органлари маъмурий орган сифатида маъмурий акт қабул қилиши мумкин. Лекин, қонунчиликда айрим давлат органларига ҳам оммавий хизматларни кўрсатиш ваколати берилган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Расмий ҳужжатларга апостил қўйиш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти қабул қилинган бўлиб, судлардан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича — Олий суд, прокуратура, тергов, суриштирув ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлардан чиқадиган расмий ҳужжатлар бўйича — Бош прокуратура томонидан кўрсатилади. Бош прокуратура ҳамда Олий суд ижро этувчи ҳокимият органи ҳисоблансада юқоридаги ҳолатда маъмурий орган вазифасини бажаради.

Ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар сифатида нафақат давлат органи, балки хусусий шахслар ҳам маъмурий орган вазифасини бажариши мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги 125-сонли қарори билан тасдиқланган Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомига биноан транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналарининг мувофиқлигини баҳолаш учун ДИХХ органлари томонидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг техника базалари, шунингдек, хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари шартнома асосида жалб этилиши мумкин. Бу ҳолатда хусусий техник хизмат кўрсатиш станциялари ҳам маъмурий орган ҳисобланади.

Юқорида кўрдикки, маъмурий орган сифатида нафақат амалиётда халқ депутатлари туман Кенгашлари, вилоят кенгашлари ҳам индивидуал характерга эга бўлган қарорлар қабул қилишмоқда. 457-сонли қонунга биноан маъмурий орган сифатида Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари келтирилган. Ўзбекистон Республикасининг 913-XII-сонли қонунига асосан маҳаллий давлат ҳокимиятига маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти киритилади. Ушбу қонуннинг 6-моддасига кўра Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қиладиган ҳужжатлар ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг қарорлар қабул қилиш ваколати келтирилган. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари қонуннинг 6-24-моддасига асосан индивидуал характерга эга бўлган маъмурий актлар қабул қилмоқда. Мазкур қарор юзасидан эса суд тартибида низолашишга йўл қўйилмаётганлигини кўришимиз мумкин. Сабаби, Халқ

*Сукут қилиб
бирор марта
надомат қилма-
дим, лекин гапириб
қўйиб кўп марта
афсусланганман.*

**Умар ибн
ХАТТОБ**

депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари ижро органи эмас балки вакиллик органи эканлиги қайд этилмоқда. Бу борада амалий мисолга юзлансак.

Аризачи У.Г.нинг жавобгар Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашига нисбатан Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг 2021 йил 23 декабрдаги VI-29-31-1-0-К/21-сонли қарорининг 1-илова рўйхатидаги У.М.га эгалик ҳуқуқини тиклашга оид қисмини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Хўш, ушбу ҳолатда Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши маъмурий орган ҳисоблангани, Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг 2021 йил 23 декабрдаги VI-29-31-1-0-К/21-сонли қарори маъмурий акт сирасига кирадими?

Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг бино-иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқининг бузилишига, ер участкасига нисбатан ҳуқуқларнинг асоссиз равишда бекор қилинишига сабаб бўлган қарори Г.У.нинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига бевосита дахлдор бўлиб ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши маҳаллий ижро ҳокимияти ҳисобланмаса ҳам махсус ваколатли ташкилот сифатида маъмурий орган ҳисобланиши керак. Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, суд аризачининг низолашилаётган маъмурий ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талаблари ҳамда мазкур ҳужжатларнинг қонунга зид эканлиги, унинг ҳуқуқларини бузганлиги ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зиён етказиши ҳақидаги эътирозларини иш юритишга қабул қилиши шарт. Бунда суд қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиши лозим:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги қонуни 4-моддасининг 2-хатбошисида “манфаатдор шахс — қабул қилинаётган маъмурий ҳужжат ёки маъмурий ҳаракат қаратилган шахс, шунингдек ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари маъмурий ҳужжатга ёки маъмурий ҳаракатга дахлдор бўлган ёхуд дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахс” деб тушунтириш берилган. Қонуннинг 9-моддасига кўра, маъмурий орган манфаатдор шахсга маъмурий ҳужжатни қабул қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатлар юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятини бериши шарт.

Иккинчидан, қонуннинг 19-моддасига кўра, маъмурий ҳужжатлар ва маъмурий ҳаракатлар маъмурий тартиб-таомилларнинг тамойилларига мувофиқ бўлиши керак. Маъмурий тартиб-таомиллар тамойилларига номувофиқлик маъмурий ҳужжатларнинг ва маъмурий ҳаракатларнинг бекор қилинишига ёки қайта кўриб чиқилишига олиб келади. Қонуннинг 60-моддасида: “Маъмурий ҳужжатни манфаатдор шахс фойдасига бекор қилиш мажлис ўтказмасдан амалга оширилиши мумкин. Маъмурий ҳужжатни манфаатдор шахс манфаатларига зид равишда бекор қилиш, агар қонунда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, уни мажлисида қайта кўриб чиқиш орқали амалга оширилади. Агар маъмурий ҳужжатни бекор қилиш бир манфаатдор шахс фойдасига, аммо бошқа манфаатдор шахснинг манфаатларига зид равишда амалга оширилаётган бўлса, ушбу

модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади”, — деб белгилаб қўйилган.

Учинчидан, қонуннинг 24-моддасида: “маъмурий иш, шу жумладан маъмурий ҳужжат қабул қилиш билан боғлиқ масаланинг кўриб чиқилишида манфаатдор шахслар маъмурий иш материаллари билан танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, маъмурий иш юритишда иштирок этувчи бошқа шахсларга саволлар бериш, маъмурий иш юритиш бўйича арз қилиш, илтимосномалар бериш, маъмурий органга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, маъмурий иш юритиш давомида келиб чиқадиган барча масалалар бўйича ўз важларини баён этиш, бошқа манфаатдор шахсларнинг аризалари, илтимосномалари ва важларига қарши эътироз билдириш, маъмурий ва процессуал ҳужжатлар, шунингдек маъмурий ҳаракатлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга”, деб белгилаб қўйилган. Демак, Халқ депутатлари Андижон вилоят кенгаши томонидан юқоридаги қонун талаблари бажарилган ёки бажарилмаганлиги текширилиши лозим. Шунингдек Олий суд Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги қарорининг 19-бандида: “Аризанинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларни ўтказиб берилиши уни қайтариш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолларда ариза иш юритишга қабул қилиниб, мазмунан кўриб чиқилиши лозим”.

Демак, юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, маъмурий органни аниқлашда суд 457-сонли қонуннинг 4-моддаси тўртинчи хатбошисида келтирилган ваколатли органлар томонидан айнан маъмурий ҳуқуқий фаолиятни амалга ошириш ваколати бор йўқлигини текширилиши лозим. Шу сабабдан ҳам Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари алоҳида ҳолатда маъмурий орган ҳисобланмаслиги, балки маҳаллий давлат ҳокимияти органи тизимида вакиллик органи ҳисобланишини таъкидлаш керак. Шунингдек, Халқ депутатлари туман ва вилоят Кенгашлари маълум бир субъектларга ёки субъектлар жамосига нисбатан қабул қилинган оммавий-ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи қарорлар қабул қилганда маъмурий орган сифатида қаралиши лозим.

Юсуф САИДАЗИМОВ,

*Тошкент давлат юридик университети
катта ўқитувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Saidazimov Y.S. Ma'muriy hujjatning nazariy-huquqiy tahlili. – 2021. – 4-son. –19–24-b. (12.00.00). – URL: <https://review.tsul.uz/>.
2. Saidazimov Y.S. Ma'muriy akti o'zgartirish va bekor qilishning o'ziga xos xususiyatlari: taklif va muammolar // Yuridik fanlar axborotnomasi. – 2022. – 1-son. –5–12-b. (12.00.00). – URL: <https://review.tsul.uz/>.
3. Saidazimov Y.S. Ma'muriy akt tushunchasi, turlari va uning yuridik tabiati // Huquqiy tadqiqotlar jurnali – 2022. –7-jild – 8-son. –56–61-b. (12.00.00). – URL: www.tadqiqot.uz/.
4. Saidazimov Y.S. Ma'muriy akti haqiqiy emas deb topish: germaniya qonunchiligi misolida // Odillik mezon i ilmiy-amaliy, huquqiy jurnal – 2023. – 9-son. –57–60-b. (12.00.00).



ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТ

Шу кунларда “�збекистон – 2030” стратегиясининг “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга ошириш бўйича Давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент фармони лойиҳалари ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилинган.

2025 йилга оид Давлат дастури лойиҳаси аҳоли танишиб чиқиши учун қулай ва ихчам шаклда тайёрланган бўлиб, унда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 5 та устувор йўналишлари кесимида 2025 йил учун амалий чора-тадбирлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва ҳар бир йўналиш кесимидаги мақсадли кўрсаткичлар назарда тутилмоқда. Лойиҳада Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар фракцияларининг таклиф ва ташаббуслари инobatга олинган. Шунингдек, лойиҳада акс эттирилган асосий вазифа ва чораларда йил номидан келиб чиқиб атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” масалаларига асосий эътибор қаратилмоқда. Дастур ижросини сифатли ва ўз вақтида ташкил этиш мақсадида унинг ҳар бир банди бўйича чорақлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичлар ва уларга масъул ижрочилар белгиланмоқда.

Кенг жамоатчилик ва экспертлик муҳокамалари учун тақдим қилинган бу лойиҳага ўз муносабатимиз, таклифларимизни билдириш имконияти яратилгани ижтимоий-сиёсий жараёнларда фуқаролар иштирокини фаоллаштиришга қаратилаётган эътиборнинг яна бир исботи, десак ўринли бўларди.

Шу ўринда ушбу 5 та йўналишдан “Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш” номли тўртинчи йўналишга эътиборингизни қаратсак. Мазкур йўналишнинг 84-мақсадида Конституция ва қонунларнинг устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезонига айлантириш кўзланган.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Рақамли технологиялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги билан биргаликда судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, “SMART SUD” концепцияси асосида ишларни босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклда юритиш амалиётини жорий қилиш ҳамда Олий суд ҳузурида Ахборот технологиялари марказини ташкил этиш режа қилинган.

Тўртинчи йўналишнинг кейинги 85-мақсади “Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда маъмурий адлия тизимини янада ривожлантириш” деб номланган. Бунда судьялар ҳамжамияти органларининг фаолиятини такомиллаштириш, уларда шаффофлик ва очиқлик тамойилларини кенг жорий қилиш мақсад қилинган.

Унга кўра, Судьялар олий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти билан биргаликда судьялар ҳамжамияти органларининг қарорларини қабул қилиш ва уларни қайта кўриб чиқиш тартибини янада такомиллаштириш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда асослантирилган таклифларни киритиш белгиланган.

Кейинги 86-мақсад “Суд ҳокимиятининг мустақиллигини кучайтириш ва унинг фаолиятида очиқликни таъминлаш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш” деб номланган. Бу мақсад орқали судьялар фаолиятига ноқонуний аралашув ҳолатларининг олдини олиш бўйича механизмларини такомиллаштириш режалаштирилган.

Бунда Судьялар олий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда судьялар дахлсизлигини бузиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича чоралар юзасидан кенг тарғиботни олиб бориш ҳамда судьялар дахлсизлигини бузиш ҳолатлари ҳақида Судьялар олий кенгашини хабардор қилиш тартибини жорий қилиш назарда тутилган.

Ушбу йўналишнинг 87-мақсади “Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини инсон манфаатлари, кадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтириш” деб номланган. Жумладан бу мақсадда тергов фаолияти устидан назоратни электрон шаклда олиб бориш имконини берувчи рақамлаштирилган тизим яратиш белгиланган. Унга биноан, тергов фаолияти устидан назоратни тўлиқ электрон шаклда олиб бориш имконини берувчи “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимининг “Э-тергов” модулини ишлаб чиқиш ва ушбу тизимни ишга тушириш билан боғлиқ барча ташкилий-техник чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилган.

“Адвокатура институтининг салоҳиятини тубдан ошириш, шунингдек, малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш” номли 88-мақсадда Адвокатура тизимига ёш малакали кадрларни жалб этиш ва уларни адвокатлик фаолиятини амалга оширишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Хусусан, бунда Адвокатура тизимига ёш малакали кадрларни жалб этиш ва уларнинг адвокатлик фаолиятини амалга оширишда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузурида “Ёш адвокатлар” жамоатчилик кенгашини тузиш режалаштирилган.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, тараққиёт шу қадар мураккаб ва оғирки, инсонлар ҳам жамият ҳам ҳар қадар турли қийинчиликлар билан юзма-юз келади. Биз яшаб турган геополитик муҳитда ва ундан ҳам кенгроқ ҳудудларда юз бераётган сиёсий низолар кундан-кун авжланиб бораётган замонда эса тараққиёт сари интилиш ҳар бир фуқародан ватанпарварлик ва элпарварликни талаб қилади.

Қаҳрамон ИСАРОВ,

*жиноят ишлари бўйича
Янгийўл шаҳар судининг раиси.*

“SMART SUD” КОНЦЕПЦИЯСИ ЗАРУРАТИ

Маълумки, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да амалга ошириш бўйича давлат дастури ва уни тасдиқлаш тўғрисидаги Президентнинг тегишли фармони лойиҳаси кенг жамоатчилик ва экспертлик муҳокамаларидан ўтказилмоқда.

Давлат дастури лойиҳасининг 4-йўналиши ҳисобланган “Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш” йўналишида 34 та амалий тадбир режаси, 22 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва 40 та мақсадли кўрсаткич назарда тутилган.

Хусусан, лойиҳада судлар фаолиятини рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш кўзланган. Бунда судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, “SMART SUD” концепцияси асосида ишларни босқичма-босқич тўлиқ электрон шаклда юритиш амалиётини жорий қилиш ва Олий суд ҳузурида Ахборот технологиялари марказини ташкил этиш назарда тутилган. Агар судлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланилса у бир қатор қулайликларни вужудга келтиради. Хусусан, электрон ҳужжатлар айланишини тезлаштиради ҳамда тегишли ахборотларни тўплаш, ишлаш, тизимлаштириш ва сақлинишини таъминлайди. Шу билан бирга, суд муҳокамаси иштирокчиларини ахборот тизими орқали электрон шаклда хабардор қилиш каби қулайлик яратади. Бугунги кунга келиб судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг бир қатор дастурлари татбиқ этилди. Хусусан, судларга масофадан туриб муружаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизими орқали иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш белгиланди.

Шунингдек, суд қарорларини интернет тармоғида эълон қилиш ва уни фуқаролар осон олиши, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш, ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс даъво ариза ва шикоятларини exsud.sud.uz сайти орқали электрон кўринишда тақдим этиши мумкин.

Бундан ташқари, суд процессида сунъий интеллектдан фойдаланиш судьянинг таҳлилий ишини оптималлаштириш, процессуал тежамкорлик тамойилини амалга оширишни таъминлаши мумкин. Бу эса низоларни кўриб чиқиш вақтини қисқартиради. Шунингдек, сунъий интеллект суд қарорларини чиқаришда юзага келиши мумкин бўлган хатоларни камайтириш орқали қарорларнинг асослигини янги босқичга олиб чиқишга ва суд иш юқламасини енгиллаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, Фармон лойиҳасининг тўртинчи йўналиши бўйича яна бир қатор ишлар амалга оширилиши мақсад қилинган:

– Лойиҳада ўз аҳамиятини йўқотган ёки кам аҳамиятли 13 турдаги лицензия ва рухсатномаларни бекор қилиш, лицензия ва рухсатномаларни беришда талабгорнинг талаб ва шартларга мос келиш-келмаслигини аниқлашга қаратилган дастлабки баҳолаш хизматини йўлга қўйиш қайд этилган.

Жумладан, композит ва проактив шаклдаги давлат хизматларини кенгайтириш назарда тутилмоқда. 2025 йилда 6 турдаги давлат хизматларини композит шаклда кўрсатиш белгиланмоқда (мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш ва кадастр паспортини шакллантириш, ер участкалари аукцион орқали реализация қилинганда деҳқон хўжалиқларини рўйхатдан ўтказиш кабилар).

Ушбу тартиблар ёки таклифларнинг жорий этилиши билан бир йилда 500 мингдан ортиқ фуқаронинг давлат органларига ортиқча муружаат қилиш билан боғлиқ оворагарчилигига чек қўйилади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида Адлия вазирлиги 2025 йилда мазкур йўналишда ҳам ўз олдида бир қанча мақсадларни қўйган.

Хусусан, 2024 йил давомида қонунчиликни ЖСТ битимларига уйғунлаштириш доирасида 23 норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди ва 74 ҳужжатнинг ЖСТ битимларига мувофиқлаштирилиши таъминланди. Кейинги икки йилда 100 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ЖСТ битимларига уйғунлаштирилишига эришилди.

2025 йилда Қонунчилик ҳаракатлари режаси асосида энг муҳим қонунларни қабул қилишни жадаллаштириш, шу жумладан, “Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида”, “Техник тартибга солиш тўғрисидаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, “Махсулот хавфсизлиги тўғрисида”, “Ветеринария тўғрисида”ги қонунга ўзгартишлар киритиш тўғрисида”, “Антидемпинг чоралари тўғрисида”, “Муҳофаза чоралари тўғрисида” ва “Компенсация божлари тўғрисида” каби қонунларни ҳамда техник тартибга солиш соҳасини тубдан қайта кўриб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Давлат дастурига мувофиқ, суд экспертиза соҳасини янада такомиллаштириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан янги “Суд-экспертлик фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши соҳани янада ривожлантиришга, давлат суд-экспертиза муассасаларининг мавжуд иш юқламасини камайтиришга, хулосалар ишончилигини янада оширишга ҳамда одил судловни таъминлашга яқиндан ёрдам беради.

Мазкур дастурга асосан, 2025 йилда давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш мақсадида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари кесимида давлат вазибаларини хусусий секторга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури лойиҳаси ишлаб чиқилиши режалаштирилган. Дастурга хусусий сектор бозори бажариши учун 15 га яқин давлат функциялари киритилади.

Президентнинг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижросини самарали ташкил этиш бўйича соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилиши натижасида давлат идоралари раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги оширилади. Хусусан, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ягона ва узлуксиз “технологик занжир” ташкил қилинди, “lrg.gov.uz” тизимида топшириқларнинг ижроси назоратга олиниб, уларнинг кунлик мониторинги йўлга қўйилади.

Шунга қўра, ижро интизомини таъминлаш борасида ўзининг ижобий самарасини берган мазкур тизимни Ҳукумат топшириқлари ижросини назорат қилиш тартиб-таомилларига ҳам татбиқ этиш назарда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Давлат дастури қонунчиликни модернизация қилишга, тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишга ва барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шунингдек, фуқаролик суд ишларини юритишни рақамлаштириш, шубҳасиз, суд орқали ҳимояланиш учун қулайликлар яратади. Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, иш сифатини таъминлаб, муайян вазибаларни амалга оширишни соддалаштиради.

Ўткир САБИРОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси суди судьяси.



СУДЛАРДА КОНСТИТУЦИЯ НОРМАЛАРИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ТАДБИҚ ҚИЛИНМОҚДА

Барчамизга маълумки, 2023 йилнинг 30 апрель куни ўтказилган референдумда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинган эди.

Шунга мувофиқ суд амалиётида Конституция нормаларини тўғридан-тўғри қўллаш бўйича зарур асосларни яратиш мақсадида ягона суд амалиёти тўғрисидаги Олий суд Пленуми қарорини қабул қилиш режалаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2024 йил 23 июнь куни “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 16-сонли қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорда Конституциянинг олий юридик кучга эгалиги ҳақидаги қоида унинг нормалари барча қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан устун туриши, судлар кўриб чиқиладиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишчи қонун ва бошқа норматив ҳужжатнинг мазмунини баҳолаши, зарур ҳолларда Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий асос сифатида қўллаши лозимлиги юзасидан муҳим тушунтиришлар берилган.

Янгиланган Конституциянинг 20-моддасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилиши; инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини ташкил этиши лозимлиги белгиланган бўлиб, судлар давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари билан муносабатларда инсон ҳуқуқларининг самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида мазкур органлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан инсонга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда Конституцияда белгиланган мутаносиблик принципида риоя қилинганлигини текширишлари лозимлиги қайд этилди.

Бунда инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилишлиги белгилаб берилди.

Шунингдек, Конституциянинг 55-моддасида давлат органлари ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги оқибатида етказилган зарар ихтиёрий равишда қопланмаган тақдирда, унинг ўрни манфаатдор шахснинг аризасига асосан суд тартибида давлат томонидан қопланиши кафолатланганлиги инобатга олиниши лозимлиги белгилаб берилди.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлари

томонидан фуқаролик ишларини кўриб чиқишда Конституция нормалари тўғридан-тўғри қўлланилиб келинмоқда.

Жумладан биринчи инстанция судлари томонидан жами 1 181 та ҳолатда, апелляция инстанциясида 26 та ҳолатда, кассация ва тафтиш инстанцияларида 20 га яқин ҳолатда конституциянинг нормалари тўғридан-тўғри қўлланилиб келинмоқда.

Биринчи инстанция судлари томонидан қўлланилган нормаларни таҳлил қиладиган бўлсак Конституциянинг 76-моддаси, яъни “Оила жамиятининг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасида” эканлиги;

62-модда “фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур” эканлиги;

55-модда “ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли бўлиб, ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эга” эканлиги;

77-модда “ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбур” эканлиги;

20-модда “инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиб” юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонуний ҳимоя қилиб келинмоқда.

Юқорида таъкидланган Пленум қарорининг 15-бандида “судлар ишларни кўриш натижалари бўйича Конституция нормалари ҳамда шахсларнинг кафолатланган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлигини аниқлаган ҳар бир ҳолат бўйича қонун бузилишини келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларни пухта ўрганиб, тегишли мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)га хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдириши лозимлигидан келиб чиқиб, судьялар томонидан тегишли хусусий ажримлар чиқарилиб келинмоқда.

Камол НАМАЗОВ,

*Қашқадарё вилоят суди раис ўринбосари,
фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси.*

НАМУНАВИЙ НИЗО:

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ

Германия маъмурий ҳуқуқида намунавий низо шакли маъмурий органлар билан боғлиқ такрорланувчи ёки бир хил хусусиятга эга бўлган ишларда умумий қарор қабул қилиш учун ишлатилади. Бу жараён бир турдаги ишлар бўйича, масалан, солиқ ёки бошқа маъмурий мажбуриятлар бўйича кўп сонли фуқаролар ўртасидаги низоларни марказлашган ҳолда, ягона қарор асосида ҳал этишга ёрдам беради.

Мазкур усул бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга.

- Умумий хусусиятга эга низолар: агар бир турдаги низолар кўплаб фуқаролар ёки ташкилотлар ўртасида пайдо бўлса, суд уларни алоҳида-алоҳида эмас, бирлаштирилган ҳолда кўриб чиқади.

- Вақт ва ресурсларни тежаш: бу услуб қонун ҳимоясида бўлган барча тарафлар учун ишни тезроқ ва самарали кўриб чиқиш имконини беради.

- Адолатли қарор: низонинг асосий сабаблари бўйича тўлиқ таҳлил ва барча тарафлар учун бир хил қарор қабул қилинишини таъминлайди. Намунавий низо шаклида ишни кўриб чиқиш жараёни тўртта муҳим босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқич – такрорланувчи низоларни аниқлаш. Яъни, маъмурий судларга келиб тушаётган ишлар орасидан бир турдаги ёки бир-бирига ўхшаш низолар аниқланади. Масалан, солиқ ёки ижтимоий таъминот билан боғлиқ ишларда бир турдаги шикоятлар кўп учраса, улар умумлаштирилади.

Иккинчи босқич – намуна ишни танлаш ва намунавий низо кўриб чиқишдан иборат. Аниқланган умумий низолар ичидан намунавий иш танлаб олинади. Бу иш бошқа турдош низолар учун асосий ва намунавий қарор манбаси сифатида кўрилади. Иш юритилаётганда, ҳар бир даъвогарнинг шахсий манфаатлари инobatта олинади.

Учинчи босқич – суд муҳокамаси ва умумий қарорга дахлдор. Судлар мазкур намунавий иш бўйича қонунга мос ҳолда асосий қарор қабул қиладилар. Бу қарор кейинги такрорланувчи ёки ўхшаш ишларга қўлланилади, натижада барча тарафлар учун бир хил адолатли қарор қабул қилиниши таъминланади.

Тўртинчи жиҳат эса қабул қилинган қарорни амалиётга жорий этишдан иборат. Жумладан, суднинг умумий қарори бошқа ишларда қўлланилади, яъни бу қарор бошқа низоларни якунлашда автоматик равишда татбиқ қилинади, бу эса жуда катта вақт ва ресурс тежамкорлигини таъминлайди.

Эътиборли жиҳати, намунали ишни танлаш ташаббуси одатда суддан келади. Суд шунга ўхшаш даъволар кўплигини кўриб, бир ёки бир нечта ишни устувор вазифа сифатида кўриб чиқиш жараёни тезлаштириш ва юкни камайитиришга ёрдам беради деган қарорга келиши мумкин.

Бошқа барча ишларнинг тарафларига уларнинг ишлари танланган намунавий ишлар бўйича қарорлар асосида кўриб чиқиши тўғрисида хабар берилади. Агар уларнинг ҳолати намунавий ишда тасвирланган вазиятдан сезиларли даражада фарқ қилса, уларга ўз эътирозларини ёки қўшимчаларини билдириш имконияти берилади.

Намунавий иш тўғрисидаги қарор чиқарилгандан сўнг у тўғридан-тўғри бошқа ишларга нисбатан қўлланилиши ёки суддан ташқари ҳал қилиш учун асос сифатида ишлатилиши мумкин. Бу барча тегишли ҳолатларда қарор қабул қилиш жараёни сезиларли даражада тезлаштиришга имкон беради.

Гарчи намунали ҳолатлар намунавий ишлар ролини ўйнаса-да, улар бўйича қарорларга нисбатан оддий даъволарда бўлгани каби апелляция тартибида шикоят қилиниши мумкин. Аммо намунали иш юқори судда якуний қарорни қабул қилса, бу қарор қолган ишлар учун ҳам раҳбарлик қилади.

Германияда намунавий низо шакли асосан солиқ низолари, аҳолининг ижтимоий таъминотга оид низолари ва банк ёки сугурта соҳаларидаги низолар соҳасига нисбатан кўпроқ татбиқ қилинади.

Ушбу мамлакат маъмурий ҳуқуқ тизимида намунавий низо шакли муваффақиятли амалга оширилишининг бир қанча сабаблари бор. Хусусан:

- Таксимланган суд тизими: Германияда судлар тизими федерал даражада ташкил этилган бўлиб, тизимда турли судлар ўртасида низоларни таксимлаш ва уларни мувофиқлаштириш имконияти мавжуд. Бу турли судлар ўртасида намунавий низоларни таксимлаш ва самарали кўриб чиқиши таъминлайди.

- Ўрта ва юқори инстанция судларининг роли: Бу ерда ҳар бир суд қарорини юқори инстанцияда қайта кўриб чиқиш имконияти мавжуд. Мазкур омил намунавий низо шаклида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини янада кучайтиради.

- Суд амалиётининг шаффофлиги: Германия суд тизимида ҳар бир қарор бўйича юридик асослар, далиллар ва қарор қабул қилиш жараёни очик равишда тақдим этилади. Бу шаффофлик намунавий низо шаклида қабул қилинган қарорлар жамият учун ишончли бўлишини таъминлайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон маъмурий судларида маъмурий ишлар алоҳида кўриб чиқилади ва ҳар бир иш бўйича ўзига хос қарор қабул қилинади. Бироқ, жамиятда солиқ, ижтимоий таъминот ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ низолар кўпаймокда, бу эса судлар учун катта юк бўлиб, ишларни тез ва самарали кўриб чиқишга тўсик бўлмокда. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда маъмурий процессуал кодексни Германия тажрибасини инobatта олган ҳолда такомиллаштириш мумкин.

Германия намунавий низо шаклини Ўзбекистон маъмурий судларида жорий қилиш қуйидаги афзалликларни таъминлайди;

- низоларни тезкор кўриб чиқиш ва суд юкини камайитириш имконияти юзага келади;

- барча фуқаролар учун адолатли қарор қабул қилинишини таъминлаш орқали судларга бўлган ишонч мустаҳкамланади;

- бир турдаги низоларни ягона қарор асосида кўриб чиқиш судлар учун вақт ва ресурслар тежамкорлигини таъминлайди;

- суд жараёнлари қисқартирилиб, иқтисодий сарф-харажатлар камаяди, бу эса жамият ва давлат учун иқтисодий самарадорликка эришиш имконини яратади;

- суд тизимида бир турдаги низоларни бир хил қарор асосида ҳал қилиш орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинади.

Кун тартибидаги мавзу таҳлиладан мутасар хулоса шуки, Германиянинг намунавий низо шакли бўйича тўпланган тажрибаси Ўзбекистон маъмурий суд тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бундай ёндашувни Ўзбекистон қонунчилигига жорий қилиш низоларни тезкор ва адолатли ҳал этишда, шунингдек, суд тизимидаги юкни камайитиришда сезиларли самара бериши мумкин. Суд тизимини янада самарали, шаффоф ва халқ ишончини қозонадиган даражада ривожлантириш, ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлади.

Акмалжон Шерматов,

Тошкент туманлараро маъмурий суди раиси ўринбосари.

БОЛАЛАР ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган, шунингдек, зўравонликдан жабр кўрганлиги сабабли оиласидан олинган болаларни муқобил жойлаштириш шакллари тақомиллаштириш ҳамда етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган ёшларнинг жамиятга интеграциясини таъминлаш борасида олиб борилаётган янги ислохотлар ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: етим болалар, ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар, болаларни муқобил жойлаштириш шакллари, интеграциялаш, тутинган (фостер) оила, патронат.

Ёш авлоднинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, айниқса ота-она қарамогидан маҳрум бўлган ва етим болалар учун жамиятда тенг ҳуқуқли фуқаролар сифатида яшаш шароитларини яратиш ҳар бир давлатнинг муҳим ижтимоий вазифаларидан биридир. Ушбу болалар ҳаётда ўз ўрнини топиши, таълим олиши, соғлом ривожланиши ва фуқаролик жамиятига фаол қўшилиши имкониятларига эга бўлишлари лозим. Мамлакатимизда ҳам ушбу муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилиб, етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни жамиятга тўлиқ интеграция қилишни таъминлаш мақсадида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган, шунингдек, зўравонликдан жабр кўрганлиги сабабли оиласидан олинган болаларни муқобил жойлаштириш шакллари тақомиллаштириш ҳамда уларнинг жамиятга интеграциясини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 14-ноябрда “Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-185-сонли фармони қабул қилинди.

Мазкур фармон билан болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар уларни муқобил жойлаштиришнинг шакллари сифатида белгиланди:

- васийлик ва ҳомийликни белгилаш;
- болани фарзандликка олиш;
- тутинган (фостер) оилага тарбия (патронат)га олиш ҳамда оилавий болалар уйига (қисқа муддатли, узоқ муддатли ёки ихтисослашган жойлаштириш хизмати) бериш;
- ихтисослаштирилган тарбия, соғломлаштириш ва тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш.

Шунингдек, мазкур Фармоннинг қабул қилиниши билан бир қатор ижобий ўзгаришлар белгиланди. Уларни қуйида бирма-бир кўриб чиқамиз.

Биринчидан, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида ҳоким ёрдамчиси ва ижтимоий ходим томонидан оилани камбағалликдан чиқариш бўйича чоралар кўрилиши белгиланган ҳолда 2025 йил

1 январдан бошлаб меҳрибонлик ва болалар уйларига кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини вақтинчалик қабул қилиш тартиби бекор қилинди.

Иккинчидан, оғир ҳаётӣ вазиятда яқин қариндошлари кўмагисиз қолганлиги натижасида фарзандини тарбиялашдан воз кечмоқчи бўлган оналар, шу жумладан, ҳомиладор аёллар учун 2025 йил 1 февралдан бошлаб болалар уйларида “Оналар маскани” хизмати йўлга қўйилиши белгиланди. Бунда оғир ҳаётӣ вазиятга тушиб қолган оналар ва уларнинг 4 ёшга тўлмаган болалари 1 йилгача бўлган муддатга ижтимоий шартнома асосида вақтинча бошпана билан таъминланади.

Учинчидан, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар масалалари бўйича васийлик ва ҳомийлик комиссиялари фаолияти тугатилади ҳамда 2025 йил 1 февралдан бошлаб “Инсон” марказлари болани васийликка, ҳомийликка ва фарзандликка олишдан бошқа муқобил жойлаштириш шакллари бўйича жойлаштирилган етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг қонуний вакили ҳисобланади. Бунда “Инсон” марказлари томонидан:

- ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ижтимоий ҳолати ва турмуш шароитлари комплекс баҳоланади ҳамда баҳолаш натижалари асосида болаларнинг ижтимоий мақоми белгиланади;

- тутинган (фостер) оила ҳамда ихтисослаштирилган тарбия муассасалари томонидан болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, тарбиялаш ва қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатилишини назорат қилади;

- етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларнинг қонуний вакили сифатида ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан, судда муқобил жойлаштириш шакллари бўйича тарбияга олинган (бундан фарзандликка олинган болалар мустасно) болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб, улар номидан уларнинг энг устун манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади.

Тўртинчидан, болаларни муқобил жойлаштириш шакллари бўйича жойлаштириш (бундан фарзандликка ва тутинган (фостер) оилага олиш мустасно) “Инсон” марказларининг қарори асосида, оилавий болалар уйини ташкил этиш ва тугатиш эса Ижтимоий

ҳимоя миллий агентлигининг ҳудудий бошқармалари қарори асосида амалга оширилади. Шунингдек, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ту-тинган (фостер) оилага "Инсон" марказлари ва бо-лани тарбияга олган шахслар ўртасида тузиладиган шартнома асосида жойлаштирилади.

Эътиборли жиҳатлардан яна бири шундаки, "Ин-сон" марказлари боланинг соғлиғини тиклаш ва реабилитацияси учун қўшимча харажатларни ота-она ёки ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар-дан бола фойдасига ундириш бўйича судга мурожаат қилганда давлат божини тўлашдан озод этилади.

Шунингдек, жамиятдаги оғриқли масалалардан бири бўлган алимент тўлашда ота ёки онанинг мод-дий аҳволдан қатъи назар давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлган вояга етмаган болага тўланаётган алимент миқдорини суд томонидан камайтириш ёки уни алимент тўлашдан озод қилиш тартиби бекор қилинади ва болага тайин-ланган алимент миқдорини камайтириш тўғрисидаги ишларни судда кўриб чиқишда "Инсон" марказлари жалб этилади. Бунда боланинг ва алимент тўловчи-нинг яшаш шароитлари "Инсон" марказлари томони-дан комплекс баҳоланиши лозим.

Юқоридаги фармон ижросини таъминлаш ҳамда етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, уларга ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатилишини йўлга қўйиш чораларини кучайтириш мақсадида 2024 йил 27 декабрда Ўз-бекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 893-сонли "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари бўйича айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тас-диқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан юқоридагиларни амал-га ошириш тартибини назарда тутувчи бир қа-тор Низомлар тасдиқланди. Жумладан:

- *Ўзбекистон Республикасида вояга етмаган шахсларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик орга-ни тўғрисида;*
- *вояга етмаган шахсларга нисбатан васий-лик ва ҳомийлик белгилаш тартиби тўғрисида;*
- *етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олиш тартиби тўғрисида;*
- *болалар уйлари тўғрисида;*
- *меҳрибонлик уйлари тўғрисида;*
- *кичик ҳажмли болалар уйлари тўғрисида.*

Янги тартибга асосан етим болалар ва ота-она қа-рамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбия-га (патронат) олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик тўловлар ҳамда болаларни кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш харажатлари 2025 йилдан Ижтимо-ий Ҳимоя миллий агентлигига республика бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Шунингдек, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълу-мотлар

- *ижтимоий ходим, ҳоким ёрдамчиси, хо-тин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси;*
- *ички ишлар органлари;*
- *нотариуслар;*
- *соғлиқни сақлаш органлари;*
- *судлар;*
- *таълим муассасалари;*
- *фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан 24 соат ичида асослантирувчи ҳужжатлар билан бирга (шу жумладан, электрон шаклда) бола аниқланган ҳудуддаги Ижтимоий Ҳимоя миллий агентлиги-нинг туман (шаҳар)лардаги "Инсон" ижтимоий хизматлар марказига йўналтирилади.*

Бунда ваколатли органга тақдим этиладиган маълумотларнинг асосланганлиги, ишончилиги ва бел-гиланган муддатда тақдим этилиши учун маълумотни киритаётган идораларнинг раҳбарларига шахсий жа-вобгарлик юкланади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, ушбу ислохотлар болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучай-тириш, уларнинг таълим олиши, соғлиғини сақлаши, ривожланиши ва шахсий эркинликларини таъмин-лашга қаратилган. Шунингдек, етим болаларга ижти-моий хизматлар кўрсатиш, ҳуқуқий ёрдам ва яшаш шароитларини яхшилаш, уларнинг жамиятга мосла-шиши ва жамиятда ўз ўрнини топиши учун самарали тизимлар яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, ис-лохотлар болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим қадам бўлиб, жамиятнинг ижтимоий барқа-рорлигини таъминлашга, болаларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришига ва уларнинг жамиятда тенг ҳуқуқли фуқаролар сифатида ўсишига хизмат қилади. Ис-лохотлар янада самарали бўлиши учун барча ижти-моий қатламлар, давлат ва фуқаролик жамиятининг барча институтлари ҳамкорликда иш олиб боришля-ри зарур.

Шаҳноза ЗАЙНИЕВА,

*Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар
Учтепа туманлараро судининг судьяси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрда "Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-185-сон Фармони. [хтtps://lex.uz/doss/-7228799](https://lex.uz/doss/-7228799)
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 27 декабр-даги "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари бўйича айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" 893-сон қарори. [хтtps://lex.uz/pdf/7283077](https://lex.uz/pdf/7283077)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги "Қамбағалликдан фаровонлик сари" дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-330-сон қарори. [хтtps://lex.uz/doss/-7109778](https://lex.uz/doss/-7109778)
4. https://www.norma.uz/oz/qonunchilikda_yangi_vasiiylik_va_homiiylik_organlari_qanday_ishlaydi.

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА ПРОЦЕССУАЛ ХАТОЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТАВСИФИ

АННОТАЦИЯ: мақолада ишни судга қадар юритиш босқичида йўл қўйиладиган процессуал хато тушунчаси ва уларнинг оқибатлари билан боғлиқ муаммолар таҳлил этилган. Шунингдек, тергов хатоларини бартараф қилишнинг процессуал механизмлари зарурати ва суднинг ушбу йўналишдаги фаолияти муҳокама этилган.

Калит сўзлар: суд, суднинг фаолияти, хатоларни бартараф қилиш, процессуал ҳужжат, қонунийлик.

Албатта инсон фаолиятининг ҳар қандай соҳасида хатолар кузатилади. Мураккаб ва тинимсиз ривожланишда бўлган, ишни судга қадар юритиш учун масъул бўлган шахсларнинг процессуал фаолияти қонун билан қатъий тартибга солинган, жиноятларни фош қилиш ва тергов қилиш жараёни ҳам бундан истисно эмас.

Шу сабабли, ишнинг судга қадар босқичида қонунийликни таъминлаш мақсадида идоравий, процессуал ва суд назорати амал қилади.

Жиноят процессининг ҳар бир босқичида аввалги босқичида йўл қўйилган хатоларни бартараф қилиш механизмлари кўзда тутилган.

ЖПК айнан суддан мазкур хатоларни бартараф қилишни талаб қилар экан, бунинг учун тегишли процессуал механизмлар бўлиши керак.

Бироқ, суд-тергов амалиёти ва статистик маълумотлар айнан мазкур босқичида жиддий процессуал хатоларга йўл қўйилиши ва мазкур хатоларнинг суд хатоларига таъсири ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Жумладан республика судлари томонидан 2023 йил мобайнида 457 та жиноят ишлари бўйича 1 244 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган.

Статистик маълумотларга кўра, судлар томонидан 2023 йилда ЖПКнинг 416-417-моддалари тартибида чиқарилган ажримлар сони 2022 йилга нисбатан 95 та ёки 16 фоизга кўпайганлиги процессуал хатолар сони ортиб бораётганлигини кўрсатади.

2023 йил мобайнида ишни судга қадар юритиш босқичида йўл қўйилган хатолар юзасидан 2 655 та хусусий ажримлар чиқарилган.

Жиноят-процессуал хатолар жиноят ишлари юритуви мақсадларига эришишга тўсқинлик қилиши билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигига салбий таъсир ўтказиши. Аслида қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга ёрдам қилиши лозим бўлган жиноят ишларини юритишнинг жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартибининг бузилиши нафақат процессуал балки, ижтимоий-сиёсий оқибатлар келтириб чиқаради.

Жиноят-процессуал хатолар қуйидаги оқибатлар келтириб чиқариши мумкин:

- айбсиз шахснинг жиноий жавобгарликка тортилиши ёки аксинча жиноят содир этган шахснинг жавобгарликдан қутилиб қолиши;
- жиноят ишининг асоссиз тугатилиши ёки тўхтатилиши;
- оқлов ҳукми чиқарилиши;
- суд томонидан қўшимча процессуал ҳаракатлар ўтказиш ҳақида ажрим чиқарилиши;
- процесс иштирокчилари, шу жумладан айбланувчи ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари поймол бўлиши.

Жиноят-процессуал хатолар нафақат процессуал оқибатлар (оқлов ҳукми, прокурор томонидан ишларни суриштирув ва дастлабки тергов органларига қўшимча тергов ўтказиш учун қайтариш) келтириб чиқаради балки ижтимоий оқибатлар, шу жумладан жамоатчиликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жиноятчиликка қарши кураш ҳолати юзасидан салбий фикрлар шаклланишига сабаб бўлади.

Процессуал хатоларни бутунлай бартараф қилиш албатта имконсиз, бироқ қонун бузилиши мумкин бўлган босқичларни ва соҳаларни таҳлил қилиш, процессуал хатоларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш одил судлов тизимининг вазифаси ҳисобланади.

Суд томонидан процессуал хатони бартараф қилиш – суднинг ишни судга қадар юритиш босқичида йўл қўйилган процессуал хатоларини бартараф қилишга қаратилган процессуал фаолиятида ифодаланади.

Суднинг процессуал фаолияти процессуал хатоларга йўл қўйган шахслар ва унга олиб келган шарт-шароитлар юзасидан хусусий ажрим чиқарилишида ифодаланса, нопроцессуал (ташқилий) фаолияти суриштирув-тергов ходимлари иштирокида процессуал хатоларининг олдини олишга қаратилган турли семинар ва ўқув машғулоти ўтказиш орқали амалга оширилади.

Криминалистика фанида ишни судга қадар юритиш босқичида йўл қўйилган барча хатоларга нисбатан “тергов хатолари” атамаси қўлланилади. Албатта мазкур атама кўп жиҳатдан совет жиноят процесси мероси бўлиб, ишни судга қадар юритиш босқичида мазкур хатоларга нафақат терговчи томонидан балки терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, жиноят процессуал фаолиятнинг бошқа субъектлари, шу жумладан прокурор, тергов бўлини масъул раҳбари томонидан йўл қўйилган хатолар ҳам киради.

Илмий адабиётларда дастлабки тергов хатоларини таърифлашда турли атамалар қўлланилади: “одил судлов хатолари”, “суд хатолари”, “дастлабки терговнинг камчиликлари”, “дастлабки терговдаги бўшлиқлар”, “жиноий процессуал қоидабузарликлар”, “хатолар”, “тергов хатолари”, “қонун бузилиши”, “қонун нормалари бузилиши”, шу жумладан “жиддий қоидабузарликлар”, “қонун нормаларидан чекиниш”, “процессуал хатолар” ва бошқалар.

Бироқ “тергов хатолари” илмий адабиётларда барча хатоларни умумлаштирувчи атамага айланганлигидан келиб чиқиб, биз ушбу атамадан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ишни судга қадар юритиш босқичида йўл қўйилган хатолар – терговга қадар текширув ва жиноят ишини тергов қилиш давомида йўл қўйиладиган хатолардан иборат бўлиб, жиноят-процессуал ҳуқуқида айнан тергов хатолари чуқурроқ ўрганилган бўлишига қарамасдан, унинг тушунчаси, турлари масаласида яқдил фикр мавжуд эмас.

Бизнинг фикримизча мазкур ўринда “дастлабки терговдаги бўшлиқлар” атамасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас, сабаби ушбу атама иш ҳолатларини бир томонлама ёки чала аниқлаш маъносига қўлланилади ва дастлабки терговнинг тўлиқ эмаслиги атамасига кўпроқ мос келади.

Албатта иш учун муҳим бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаслиги тергов хатосининг бир кўриниши бўлишига қарамасдан, ишни судга қадар юритиш давомида йўл қўйилган барча процессуал хатоларни ўз ичига қамраб олмайди.

Ҳуқуқшунос А.Назаровнинг фикрига кўра, “тергов хатолари” – жиноят иши бўйича дастлабки терговни амалга ошираётган мансабдор шахс томонидан йўл қўйилган хатолардир.

Бироқ, А.Д. Бойков ва А.Б.Соловьев тергов хатосини терговчи томонидан нотўғри якуний қарор қабул қилинишига олиб келган, ноқонунийлиги ва асоссизлиги прокурор ёки суд томонидан тегишли процессуал ҳужжатда қайд қилинган, иш ҳолатини бир томонлама ва нотўлиқ текшириш, жиноят-процессуал қонунини жиддий бузиш, жиноят қонунини нотўғри қўллашда ифодаланган ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги сифатида баҳолаган.

В.Власовнинг фикрига кўра тергов хатолари жиноят ишини кўзга тушириш ва тергов қилишдаги қонуннинг қасддан бўлмаган ҳар қандай бузилиши, хато ва камчиликлар, процессуал фаолиятнинг ҳар қандай нотўғрилигини иборат.

Мазкур муаллифнинг тергов хатолари процессуал хатолардан кенгрок тушунча эканлиги ҳақидаги фикрига қўшилиш мумкин, бироқ бизнинг фикримизча “процессуал фаолиятнинг ҳар қандай нотўғрилиги” ҳақида тушунча ҳаддан ташқари кенг ва бундан ташқари ҳуқуқий тушунча эмас. Тергов хатоларини тадқиқ қилиш предметининг мавҳумлиги уни тўлақонли таҳлил қилишга тўсқинлик қилади.

Бироқ, хато ҳаракат ва қарорлар ҳар доим ҳам айбли бўлмайди, балки мақсадга эришиш воситаларини танлашда янглишиш, қонуний нотўғри талқин қилиш, вазиятни нотўғри баҳолаш билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Мисол учун тактик қарорлар билан боғлиқ тергов хатолари билиш қонуниятига оид ҳолатдир. Уларни бутунлай бартараф этиб бўлмайди, бироқ тўғри ташкил қилинса уларни сезиларли даражада қисқартириш мумкин.

А.Б.Соловьевнинг фикрига кўра, тергов хатосини бошқа ноқонуний ҳаракатлардан ажратишда икки жиҳатга эътибор қаратиш керак. Биринчидан терговчининг ҳаракатларида қасднинг мавжуд эмаслиги. Терговчи хатолик сабабли ўзининг ҳаракатларини қонуний ва жиноят ишлари юритуви мақсадларига қаратилган деб баҳолайди. Иккинчидан терговчининг хатоси натижасида етказилган зиённинг жиддийлигидан келиб чиқиш керак.

Ю.П.Боруленковнинг фикрича тергов хатосини қонунни бузишдан аниқ чегаралаш зарур. Унга кўра, мазкур муаммо ҳуқуқни қўлловчининг хато қилишга бўлган ҳуқуқи, у эса эҳтимолий жазо билан боғлиқ бўлиб, бу принципиал аҳамиятга эга. Айрим олимлар “ҳуқуқий хато” тушунчаси билан қонунни очикчасига бузиш, криминалистиканинг тавсияларини бажармаслик ва терговчининг билимсизлигини рўқач қилиб ишни ташкил қилишнинг оддий кўникмалари мавжуд эмаслигини яширишга ҳаракат қилади. Ҳуқуқий саводсизлик қонун бузилишини ҳуқуқий хато туркумига ўтказиши мумкин эмас.

Аслида ҳам тергов хатосини бошқа қонун бузилиши ҳолатлари, ҳатто жиноий қилмишлардан ажратувчи жиҳат унинг субъектив томони бўлиб, терговчи томонидан қонунни била туриб бузиш одил судловга қарши жиноят сифатида баҳолалиши ҳам мумкин.

Айнан шу сабабдан одил судловга қарши жиноятларнинг аксарияти диспозициясида жиноятнинг субъектив томони зарурий белгиси сифатида “била туриб” жумласи қўлланилган.

Мисол учун Жиноят кодексининг 230-моддасида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан айбсизлиги аён бўлган шахсни ижтимоий хавфли қилмишни содир этганликда айблаб жавобгарликка тортиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 230¹-моддасида далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), 230²-моддасида тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш) яъни тергов хатоларини қасддан содир этиш учун жавобгарлик белгиланган.

Қонун чиқарувчи томонидан “аён бўлган” жумласи ишлатилиши субъект ўзининг ҳулосалари ёлгонлиги ва ҳаракатларининг қонунга зидлигини англаганлигини таъкидлайди.

Жиноят-процессуал хатоларни қасддан содир қилинган қоидабузарликдан дифференциация қилишнинг аҳамиятини англаш учун қуйидаги вазиятни муҳокама қиламиз.

Терговчи шахсни айблаш учун етарли асослар мавжуд эмаслигини била туриб, фақатгина ўзининг ички ишончига асосланиб, унга айбланувчи тариқасида ишга жалб қилиб, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш ҳақида илтимоснома киритади. Натижада шахс ҳукмга қадар қамоқда сақланиб, кейин оқланди. Мазкур ҳолатда, терговчи ЖПКнинг 95-моддаси, яъни исботланиши керак бўлган барча ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланиши ҳақида нормани бузган яъни жиноят-процессуал хато содир этган ҳисобланади.

Шуни эътироф этиш керакки, бугунги кунда оқлов ҳукми шахснинг ноҳақ жиноий жавобгарликка тортилишига дахлдор мансабдорларга нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармапти. Ҳолбуки, ҳар бир оқловдан сўнг камида тўрт нафар (жиноят ишини кўзга туширган, тергов олиб борган, айблов ҳулосасини тузган ва уни тасдиқлаган) мансабдор жавобгар бўлиши керак.

Оқлов ҳукмларининг сони тергов хатоларини дифференциация қилиш заруратини кўрсатади.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқиб, тергов хатосининг қуйидаги хусусиятлари мавжудлигини алоҳида таъкидлаш зарур:

1. қасддан содир этилмаганлиги;
2. жиноят-процессуал ёки жиноят ҳуқуқи нормаларига зидлиги;
3. тергов хатоси фақатгина ваколатли мансабдор шахс (прокурор ёки суд) томонидан процессуал ҳужжатда қайд қилингандан сўнггина ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради. Яъни, процес иштирокчиси суриштирувчи ёки терговчи қонунни бузганлиги ва хатоликка йўл қўйганлиги ҳақида ваколатли идораларга мурожаат қилишлари мумкин, бироқ мазкур хато фақатгина процессуал ҳужжатда қайд қилингандан сўнггина расман тан олинган ҳисобланади. Ҳатто ички идоравий ҳужжат (хизмат текшируви) ҳулосасида суриштирувчи ёки терговчи томонидан қонун бузилганлиги қайд қилиниши ҳам уни тергов хатосига айлантирмайди;

4. Оқибатларнинг жиддийлиги. Бинобарин, тергов хатолари тушунчасининг моҳияти жиноят-процессуал, жиноят-ҳуқуқий ва криминалистик жиҳатлар билан белгиланади, умумий тушунчани шакллантириш ҳар учала соҳанинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришдаги муаммолар билан боғлиқ.

Ўткир МАМАДАЛИЕВ,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бойков А.Д., Михайлова Т.А., Нажимов В.П. Выявление и устранение следственных ошибок при судебном рассмотрении уголовных дел // Методология и методика изучения следственных ошибок. М., 1986.
2. Власов В.И. 1988. Расследование преступлений. Проблемы качества. Саратов.
3. Ведищев Н.П. Ошибки правосудия и их устранение (из досье адвоката). М., 2006.
4. Веретехин Е.Г. Проблемы предварительного расследования и их восполнение в суде первой инстанции // Издательство Казанского университета 1988.
5. Лопь С.Л. Ошибка судьи (проблема, понятие, регулирование) // Состояние и проблемы развития российского законодательства: Сб. статей / Под ред. В.Ф. Воловича. Томск, 1998.
6. Морозова Е.В. Криминалистические проблемы следственных ошибок: дис. ... канд. юрид. наук. Екатеринбург, 2004; Аубакирова А.А. Следственные и экспертные ошибки при формировании внутреннего убеждения: дис. ... докт. юрид. наук. Челябинск, 2010.
7. Назаров А.Д. 2003. Влияние следственных ошибок на ошибки суда. Санкт-Петербург.
8. Пикельный Д.С. Уголовно-процессуальные правонарушения, связанные с применением мер процессуального принуждения в российском уголовном процессе: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Тюмень, 2006; Якушков М.А. Уголовно-процессуальные правонарушения, связанные с производством следственных действий в российском уголовном процессе: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Тюмень, 2007. Ольков С.Г. Уголовно-процессуальное правонарушение в российском судопроизводстве и общая теория социального поведения. Тюмень, 1993. С. 45-46.
9. Ширванов А.А. Нарушения закона в уголовном процессе Российской Федерации и их правовые последствия: дис. ... докт. юрид. наук. М., 2005.
10. Якушин В.А. Ошибка и ее влияние на вину и ответственность по советскому уголовному праву. дис. ... канд. юрид. наук. Казань, 1985.

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА СУД НАЗОРАТИНИ ЎРНАТИШ ОРҚАЛИ ТЕРГОВЧИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

АННОТАЦИЯ: мақолада жиноят иши бўйича дастлабки терговда суд назоратини таъминлаш орқали терговчининг процессуал мустақиллиги доирасини белгилаш, исботлаш мажбурияти юклатилган мансабдор шахс сифатида терговчининг ваколатлари ва уни амалга оширишда идоравий, прокурор ва суд назоратининг таъсири доираси ўрганилган.

Калит сўзлар: терговчи, дастлабки тергов, прокурор назорати, суд назорати, терговчи мустақиллиги, тергов ҳаракати.

Ишни судга қадар юритиш босқичида суд назорати куйидаги шаклларда олиб борилади:

1) шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов чоралари устидан суд назорати.

2) шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирлари устидан суд назорати.

3) ишни судга қадар юритишга масъул мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракат (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни кўриб чиқиш.

Процессуалист олим Ғ.М. Шодиевнинг фикрига кўра, суд назорати – жиноят процессида шахснинг суд ҳимоясида бўлиш конституциявий ҳуқуқини таъминлаш ҳамда процесс иштирокчилари ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган, ишни судга қадар юритиш учун ваколатли мансабдор шахсларнинг илтимосномалари ва шикоятларининг суд томонидан ишни судга қадар юритиш жараёнида кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши орқали қонунан белгиланган процессуал шаклда амалга ошириладиган фаолиятдир.

Б.Мўминовга кўра, дастлабки терговда суд назорати билан боғлиқ паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ёки айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш, мурдани эксгумация қилиш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш, прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги, жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш, дастлабки эшитув ўтказиш, ишни муҳокама қилиш ва ҳукм чиқариш ёки бошқа қарор қабул қилиш, ишни апелляция, кассация ва тафтиш тартибиде кўриб чиқиш билан боғлиқ бир қанча ҳаракатлар амалга оширилади.

Дастлабки терговдаги суд назорати нафақат жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланишини назорат қилади, балки исботлаш жараёнининг қонуний ва асосли бўлишини кафолатлайди. Дастлабки терговда суд назорати одил судловга хизмат қилади, суд ҳокимияти қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига замин яратади.

Суд назоратини тамойил даражасига кўтаришдан асосий мақсад: биринчидан, суд назорати жиноят процессида бутун бир тизим сифатида мавжудлигини эътироф этиш; иккинчидан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш суд томонидан кафолатланганлигини қайд қилиш; учинчидан, фақат қонуний, асослантирилган ва адолатли ҳукмларнинг ижросини таъминлашдир.

Олимлар суд назорати дастлабки терговда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларда (масалан, жиноят ишини қўзғатиш) ёки жиноят ишларини юритишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларда (жиноят ишини қўзғатишни рад этиш, жиноят ишини тугатиш, жиноят ишини тўхтатиш ҳолларида) аралашиши керак, деб ҳисоблайдилар. Баъзи бир олимлар эса дастлабки терговда суд назорати татбиқ қилинмасдан олдин ҳам жиноят иши юзасидан ҳақиқат очилиб, айбдорлар фош этилиб, жиноятга қарши кураш ва унинг олдини олиш сиёсати яхши олиб борилган деган фикрни билдирадилар. Айримлари эса у тергов сирига ҳам салбий таъсир кўрсатади, суд назорати доимий ва тезкорлик хусусиятига эга эмаслиги ҳам керакли натижани бермайди. Суднинг дастлабки терговга аралашуви унинг мустақиллигига таъсир этиши билан бир қаторда дастлабки терговга жуда катта салбий таъсир кўрсата-

*Ҳамёни бой, аммо
руҳи фақир бўлган
инсонни ҳоли кўп
шармандали.*

*Чунки, у ҳар нарсанинг
баҳосини биллади,
қадрини эмас!*

**Жалолиддин
РУМИЙ**

ди, чунки унинг фаолиятида муҳим бўлган сир сақлаш талаби бузилади, деган фикрдалар.

Дастлабки тергов устидан суд назоратининг кенгайиши одил судловнинг амалга оширилишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда судьянинг кенг ваколатларга эга бўлиши суднинг нафақат дастлабки терговнинг қонунийлиги, балки доимий назоратни амалга оширилишига ва амалда терговни бошқаришига олиб келиши мумкин. Ушбу қоида терговчининг процессуал мустақиллигига ҳам салбий таъсир кўрсатади, чунки у жиноят ишлари бўйича ўз қарорлари ва ҳаракатларини амалга оширишда суднинг қарорига боғланиб қолади. Қизиқ жиҳати, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигимиз бўйича дастлабки тергов органи, терговчиларнинг бир қатор процессуал ҳаракатларини назорат қилувчи судьянинг ўзи кейинчалик суд муҳокамасида ўша жиноят ишини мазмунан кўриб чиқиб, ҳал этади. Бу эса судда қатнашаётган жиноят иши юритуви иштирокчилари ўртасида судьянинг ҳолислиги борасида саволлар пайдо қилиши мумкин.

Жиноят процессуал қонунчилигидаги терговчининг фаолияти устидан суд назорати амалда иш юритиш жараёнини маълум даражада мураккаблаштиради, терговчининг мустақиллигини чекловчи яна бир тартиб пайдо қилди. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, судларда дастлабки тергов жараёнини назорат қилиш бўйича прокурордаги каби ваколатлар етарли эмас, уларни бу борада солиштириб бўлмайди. Масалан, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашнинг судлар ихтиёрига ўтказилиши судларни шахсни ҳибсга олиб, унга жазони ҳам тайинловчи марказлашган органга айлантириб қўяди. Суд гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантирадиган бўлса, кейинчалик мазкур иш судга оширилгач, уни айбсиз деб топиб, оқлов ҳукми чиқариши ўзининг олдинги хатти-ҳаракати-га зид бўлади. Бу эса суднинг ўзи қўллаган эҳтиёт чораси юридик жиҳатдан хато бўлганини англатади.

Тергов амалиётида мурдани эксгумация қилиш ёки почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш бўйича судга юбориладиган илтимосномаларнинг ҳам деярли барчаси судлар томонидан қаноатлантирилмоқда, рад этиш ҳолатлари жуда кам. Терговчилар ҳам ушбу тергов ҳаракатларини ўтказишга зарурат бўлгандагина илтимосномаларни кўзғатмоқдалар ва табиийки, судлар уларни ўтказишга рухсат беришмоқда. Бошқача айтганда, тергов ҳаракатларини ўтказиш учун суддан рухсат олиш тартиби шунчаки расмийлаштирилган, формал характерга эга. Бундан келиб чиқадики, бу масалада суд назорати самара беряпти, деб айтиб бўлмайди. Терговчининг ортиқча вақт, куч ва ресурс сарфлашига олиб келмоқда. Қизиқ жиҳати, мазкур ҳаракатлар прокурор назоратидан олиниб суд назоратига ўтказилгани билан барибир прокурорнинг кучли таъсири сақланиб қолмоқда. Чунки мазкур тергов ҳаракатларини ўтказиш учун судга юбориладиган илтимосномаларни олдин прокурор тасдиқлаб бериши керак. Агарда прокурор илтимономага қўшилмаса, иш материаллари судга етиб бормади.

Тергов судьясининг иш юзасидан ҳолисликни ва тарафлар тенглигини таъминлаши нуқтаи назаридан келиб чиқиб, унга айблов тарафининг бир қатор ваколатлари, жумладан, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш, тинтув ўтказиш тўғрисида, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш ҳақида, мол-мулкни хатлаш ва уни тақиқдан ечиш, экспертиза ва тафтиш тайинлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчи ва терговчининг қонунга ҳилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилиш каби ваколатларнинг ҳам ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, ЖПК 36-модданинг биринчи қисмини "мурдани эксгумация қилиш тўғрисида, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ҳақида илтимосномалар беришга, шунингдек мазкур чораларни ушбу Кодексда белгиланган тартибда бекор қилишга" деган сўзлардан кейин "тинтув ўтказиш тўғрисида, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш ҳақида, мол-мулкни хатлаш тўғрисида илтимосномалар беришга" деган сўзлар билан тўлдириш лозим.

Билолиддин ЭЛМУРЗАЕВ,

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Адигамова Г.З. Следственные действия, производимые по судебному решению и с санкции прокурора: автореф. дисс....канд. юрид. наук / Г.З. Адигамова. - Челябинск, 2004.
2. Бешуков А.З. Процессуальная самостоятельность следователя и судебный контроль за предварительным расследованием // Научный журнал КубГАУ. 2014. №103. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/protsessualnaya-samostoyatelnost-sledovatelya-i-sudebnyy-kontrol-za-predvaritelnyim-rassledovaniem>
3. Быков В. М. Актуальные проблемы уголовного судопроизводства. С. 208. <http://cj.bgu.ru/reader/article.aspx?id=20344>
4. Ефимичев С.П. Разделение властей и проблемы борьбы с преступностью // Проблемы совершенствования прокурорского надзора. -М.: 1997.
5. Ковтун Н.Н. Судебный контроль в системе уголовного судопроизводства России. Монография. -Н.: Новгород. 2002.
6. Муминов Б.А "Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати" Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати.
7. Рябинина Т.К. Стадия назначения судебного заседания в свете уголовно-процессуального закона: проблемы теории и практики, пути их решения. // Российский судья -№ 7. 2004. -Б. 6.; Рябинина Т.К. Производства по уголовному делу в суде до судебного разбирательства. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. -Воронеж.: 2005.
8. Семенов В.А. Процессуальная самостоятельность следователя и процессуальное руководство // Актуальные проблемы применения норм уголовно-процессуального права при расследовании преступлений: сб. науч. ст. междунар. науч.-практ. конф. Института повышения квалификации Следственного комитета России. М.: Буки-Веди, 2012.
9. Худайбергенов Б. Жиноят ишлари кўзғатиш жиноят-процессуал институт сифатида. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. - Т.: - 2022.
10. Шодиев Ф. Жиноят ишларини судга қадар юритиш босқичида суд назоратининг объекти сифатида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари // Суд-ҳуқуқ ислохотлари: ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари. Илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент: ТДЮИ, 2007.
11. <https://lex.uz/uz/docs/-111460>

ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ

Тиббий хизмат кўрсатишда шартномавий муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқий нормалар ахлоқий меъёрлар билан бирлашган ҳолда амалга оширилади. Бундай муносабатларни тартибга солиш тиббий хизмат кўрсатувчи тиббий ташкилотлар ҳамда мазкур тиббий хизматга мурожаат қилувчи мижоз (буюртмачи-бемор)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш учун мамлакат қонунчилиги меъёрларида аниқ белгиланган бўлиши керак. Шунингдек, тиббий хизмат кўрсатишда натижа(лар) тиббий ташкилот ва мижоз (буюртмачи-бемор)нинг амал қилиши лозим кўрсатмалари қамрови доирасида таъминланиши лозим.

Тиббий хизмат кўрсатиш шартномалари воситасида аҳолига одатда кўрсатиладиган тиббий хизматнинг кўлами ва алоҳида хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни шартли равишда куйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

а) тиббий хизмат кўрсатиш шартномалари: кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг кўлами ва хусусият(лар)ини ўзида тўлиқ мужассам этган шартномалар;

б) маълумотли розилик: буюртмачи (бемор)ларга тиббий муолажаларининг хатарлари ва фойдали томонлари тўғрисида маълумот берадиган, ихтиёрий келишувни таъминлайдиган ҳал қилувчи жараёни акс эттирувчи шартномалар.

Бундан ташқари тиббий хизмат кўрсатиш шартномаларини тузишгача бўлган тарафларнинг бир-бирлари ҳақида маълумотлар алмашинуви жараёни ҳам мавжуд. Мазкур жараён ҳам бир неча турдан иборат:

а) тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси тузилишидан аввалги босқич: тиббий ташкилот ва беморлар ўртасида таклиф қилинадиган тахминлар, харажатлар ва хизматлар тўғрисида мунозара ва якуний тўхтам билан бовлиқ жараёнлар;

б) тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси қоидаларини тарафларнинг кўриб чиқиши: унинг соғлиқни сақлаш қоидалари ва ҳуқуқий стандартларга мувофиқлигини таъминлаш;

с) тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси шартларни ўзгартириш ёки бекор қилиш: шартномаларни муайян эҳтиёжлар ёки шароитларга қараб мослаштириш, тамомила бекор қилишни назарда тутати;

д) тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси билан бовлиқ можароларни ҳал қилиш: кўпинча воситачилик ёки ҳакамлик билан бовлиқ низоларни ҳал қилиш механизмлари назарда тутати.

Бундан ташқари мамлакатимизда фуқароларни ўз-ўзига хизмат кўрсатиши учун yurxizmat.uz сайтида “Пуллик тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома” намунаси берилган. Фикримизча, мазкур намунавий шартнома умумий хусусиятларга эгаллиги билан кўпроқ декларатив аҳамият касб этгандек кўринади. Демак, умумийликдан хусусийлик касб этувчи фуқаролик шартномалар тизимида тиббий шартномаларнинг аниқ тизимлаштирилган, шартнома предмети ва низоларни ҳал қилиш ва бошқа масалаларни ўз ичига қамраб олган ҳамда тиббий хизматнинг тўлиқ турлари (жигар трансплантацияси, замонавий тиббиёт техноло-

гиялари, юрак ва ўпка трансплантацияси, буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти, юракни стентлаш амалиёти ва бошқалар)га қараб, ҳақ эвазига тиббий хизмат кўрсатиш тўғрисида шартномаларни ишлаб чиқиш керак.

Тиббий хизмат кўрсатиш шартномавий муносабатларида ҳужжатлар ва иш юритиш масалалари ҳам муҳим ҳисобланади. Бунда буюртмачи (беморлар) га тегишли бўлган шахсий биологик маълумотлар масаласида низолар юзага келганда ҳуқуқий далил бўлиб хизмат қиладиган тиббий хизматларнинг батафсил ҳужжатларини юритишни тартибга солиш зарурияти вужудга келади. Шу сабаб мазкур шартнома ҳужжат сифатида ноаниқликларнинг олдини олиш учун иккала томон ҳам келишилган асосий ва қўшимча шартларни ўзида аниқ қайд этган бўлиши лозим.

Тадқиқотчи О.В.Горбунованинг фикрича тиббий хизмат кўрсатиш шартномасининг шартлари куйидагилар бўлиши мумкин: “Тиббий хизматлар сифатини ҳисобга олган ҳолда тиббий ёрдам сифатини баҳолаш мезонлари қонуности даражасида тасдиқланиши керак. Тиббий ёрдам стандартини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш зарур кўринади. Инсон жинсий аъзоларининг эмбрионлари, гамет ёки тўқималарини криоконсервация, сақлаш шаклида тақдим этилади. Кўрсатилаётган хизматларнинг белгиланган стандартларга мувофиқлиги орқали эмбрионни сақлаш сифатини аниқлаш бугунги кунда тегишли тиббий ёрдам кўрсатишнинг меъёрий қоидаларининг йўқлиги сабабли мумкин эмас”.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб шундай хулоса қилишимиз мумкинки, тиббий хизмат кўрсатиш шартномалари ёзма шаклда аниқлик ва нормларда берилган қонуний мажбурийликни таъминлаши шарт. Бироқ, мамлакатимизда мавжуд нормаларда бу муносабатлар асосан умумий тартибда ҳуқуқий тартибга солинган.

Тиббий хизмат кўрсатишнинг сифати, тиббий хизматдан фойдаланиш масалалари аслида кўп давлатларнинг конституция ва асосий қонунларида қайд этилган. Масалан, А.В.Косолапов давлат тиббиёт ташкилотлари томонидан фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизмат кўрсатиш билан бирга хусусий тиббий ташкилотларни кундалик ҳаётда мураккаб тиббий амалиётларни фуқаролик тартибда ўзаро келишув йўли билан бажараётганлигини қайд қилиб, тиббий хизмат кўрсатиш шартномасининг ҳуқуқий

асосларига тўхталиб ўтади: “Амалда, давлат кафолати дастури доирасида давлат ва шаҳар тиббиёт муассасаларида қопланадиган тиббий хизматлар фаолият юритадиган бепул тиббий ёрдам аллақачон тақдим этилган. Шу билан бирга ҳақ эвазига тиббий хизмат бепул тиббий ёрдам ўрнини босувчи восита сифатида эмас, балки соғлиқни сақлашга бўлган конституциявий ҳуқуқнинг энг муҳим кафолатларидан бири сифатида қаралиши лозим. Ҳақ эвазига тиббий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ масалалар, албатта, конституциявий-ҳуқуқий жиҳатга эга”.

Кундалик ҳаётда хусусий тиббий хизматнинг барча шакллари аҳоли ва тиббий ташкилот томонидан ўзаро келишувлар асосида кўрсатилаётганлиги омилини инобатга олиб мазкур шартномавий муносабатларни легаллаштириш лозим. Чунки, мазкур муносабатларнинг шартнома асосида расмийлаштирилиши тарафларнинг масъуллигини ошириш баробарида мазкур муносабатларда буюртмачи ҳисобланган бемор томонидан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун восита вазифасини бажариши мумкин.

Тадқиқотчи А.Р.Шаяхметова тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси ва унинг иловалари қуйидагилар бўлишини қайд этади: “Тиббий хизмат кўрсатиш ҳолатларида шартнома ёзма шаклда тузилганлигининг бевосита далили сифатида кўрсатилган тиббий хизматлар рўйхати билан беморнинг тиббий картаси, нақд пул чеки ёки хизматларнинг тўловлари тўғрисида қатъий ҳисобот бериш бланкаси бўлиши мумкин. Уларнинг миқдори хизматларнинг нархлари рўйхатига мос келиши ва тиббиёт муассасаси раҳбари томонидан тасдиқланиши керак. Пуллик тиббий хизматлар кўрсатиш шартномасининг ягона муҳим шарт субъект бўйича шарт - тиббий хизмат кўрсатиш эканлиги исботланган”. Фикримизча, тиббий хизмат кўрсатиш шартномаси тузиш жараёнида тадқиқотчининг берган таклифларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки, тиббий хизмат кўрсатиш шартномасининг ёзма шаклда тузилиши ҳамда унда кўрсатилган тиббий хизматларнинг рўйхати, бемор (мижоз)нинг тиббий картаси, ҳақ тўланганлик чеки ёки хизматларнинг тўловлари тўғрисида қатъий ҳисобот ва бошқа ҳужжатларнинг бўлиши тиббий хизмат кўрсатишнинг тиббий шартнома тузиш аввалида кўзланган мақсад, яъни шартномада мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилмаганлиги муносабати билан ўзининг қонуний ҳуқуқларини талаб қилиш учун суд ва бошқа идораларга мурожаат қилишида илова ёки далил вазифасини бажариши ҳам мумкин. Аксарият ҳолатда бемор (мижоз) ўзига нисбатан тиббий хизмат кўрсатилиши арафасида шартнома тузиш ҳуқуқи шунингдек, тиббий хизмат кўрсатиш шартномасида тиббий хизмат кўрсатиш ташкилоти томонидан шартномада берилган мажбуриятларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаганлиги масаласи бундан ташқари тиббий хизмат кўрсатувчи шифокорнинг айби ёки ўқувсизлиги сабабли мижоз (бемор)га етказилган моддий ва маънавий зарарнинг

ўрнини қоплаши мумкинлиги хусусида маълумотларга эга бўлмайди.

Бугун мамлакатимизда халқ табобатини ҳам ҳуқуқий тартибга солиш учун салмоқли ишлар қилинган бўлса-да, мазкур тиббий хизматларга оид низоли масалалар жуда кўпчиликни ташкил этади. Хусусан, очиқ интернет манбаларида мавжуд бир қанча ҳижамма ҳамда зулук қўйиш каби аҳолига тиббий хизмат таклиф қилувчи шахслар билан телефон орқали боғланганимизда ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш учун жисмоний шахслар томонидан ташкил этилган уй-касалхоналарига ташриф буюрганимизда аксарият ҳолатларда мазкур тиббий хизматларни амалга оширувчи шахсларда ҳатто бошланғич тиббий билимларни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам мавжуд эмаслигига гувоҳ бўлдик. Масаланинг энг низоли томони юқорида қайд қилинган ҳар иккала тиббий хизмат ҳам мураккаб ҳисобланадиган қонни табиий ва сунъий равишда танадан чиқаришга оид тиббий амалиётга доир эканлигидадир.

Аслида тиббиёт олийгоҳларининг талабалари 6-йиллик олий тиббий маълумотга эга бўлганларидан кейин ҳам мазкур тиббий амалиётни амалга ошириш билим ва кўникмасига эга бўлишмайди.

Тиббий хизмат кўрсатиш бўйича шартномавий муносабатларни тартибга солиш масалалари доирасида қуйидаги ҳулосаларга келдик:

биринчидан, тиббий хизмат кўрсатиш шартномавий муносабатларидан келиб чиқиб, айрим турдаги тиббий хизматларни амалга ошириш учун тиббий шартнома тузишни “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги қонуни, “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа нормалар асосида мажбурий тузилишини белгилаш лозим.

иккинчидан, тиббий хизмат кўрсатиш шартномаларида шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартноманинг амал қилиш муддати, шартномада кўзда тутилган тиббий хизматнинг амалга оширилаётган жойи, тиббий хизмат учун ҳақ тўлаш масаласи каби хусусиятлар назарда тутилиши керак.

Жамшид АБДУЛЛАЕВ,

Жамоат ҳавфсизлиги университети мустақил тадқиқотчиси,
юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. О.В.Горбунова. Договор хранения эмбрионов человека при применении вспомогательных репродуктивных технологий. Специальность 12.00.03 – Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; междоународное частное право. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Ульяновск 2020. С 17.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Birlamchi tibbiy-sanitariya yordamini aholiga yaqinlashtirish va tibbiy xizmatlar samaradorligini oshirish bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida” Qarori. 25.04.2022 yildagi PQ 215-son. Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 25.04.2022-y., 07/22/215/0339-son; 21.01.2023-y., 07/23/12/0041. URL: <https://lex.uz/ru/docs/-5979130>
3. <https://yurizmat.uz/oz/document/1170>
4. URL: <https://www.dissercat.com/content/dogovor-khraneniya-embriionov-cheloveka-pri-primenenii-vspomogatelnykh-reproduktivnykh-tekhno>

ИҚТИСОДИЙ СУДДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ: ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

АННОТАЦИЯ: мақолада иқтисодий суд ишлари юритувида ахборот-технологиялари имкониятлари ва сунъий интеллект элементларидан фойдаланишнинг процессуал шакллари таҳлил этилган. Унда сунъий интеллект (СИ)нинг суд тизимидаги роли, шунингдек, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари юзасидан ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари таҳлил этилган. Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимларида сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича Европа ахлоқий Хартияси талаблари ва суд тизимида сунъий интеллектни жорий этиш бўйича ижобий тажрибага эга бўлган Эстония тажрибасига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: суд ҳокимияти, одил судлов, иқтисодий процесс, ахборот технология, сунъий интеллект, ахборот хавфсизлиги, шаффофлик, суднинг мустақиллиги, такомиллаштириш.

Ҳозирги кунда сунъий интеллект давлат органлари, шу жумладан, суд тизими фаолиятининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Айниқса, иқтисодий суд ишларини юритишда сунъий интеллект элементларидан фойдаланиш суд жараёнининг самарадорлиги, аниқлиги ва шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Одил судлов самарадорлиги бўйича Европа комиссиясининг 2018 йил 3-4 декабрь кунлари Страсбург шаҳрида бўлиб ўтган 31-ялпи мажлисида “Суд-ҳуқуқ тизимларида сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича Европа ахлоқий Хартияси ва улар атрофидаги воқелиklar” номли ҳужжат қабул қилинган эди. Ушбу Хартияда суд тизимларида сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишнинг қуйидаги бешта асосий тамойили кўрсатилган:

- асосий ҳуқуқларга риоя қилиш тамойили: сунъий интеллектга асосланган воситалар ва хизматларни ишлаб чиқиш ва қўллашда асосий ҳуқуқларга мувофиқлики таъминлаш;
- нодискриминация тамойили: шахслар ёки гуруҳлар ўртасида камситишларнинг ривожланиши ёки кучайишига йўл қўймаслик;
- сифат ва хавфсизлик тамойили: суд қарорлари ва маълумотларини қайта ишлашда сертификатланган манбалар ва кўп фанли асосда ишлаб чиқилган моделлардан хавфсиз технологик муҳитда фойдаланиш;
- очиқлик, ҳолислик ва ишончлилик тамойили: маълумотларни қайта ишлаш усулларини очиқ ва тушунарли қилиш, ташқи аудит ўтказиш имкониятини таъминлаш;
- фойдаланувчи томонидан назорат қилиш тамойили: буйруқ бериш усулидан воз кечиш ва фойдаланувчига билимли иштирокчи сифатида ўз танловини назорат қилиш имкониятини бериш.

Шу асосда дунёда биринчи бўлиб “Сунъий интеллект тўғрисида”ги қонун қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади.

2024 йилнинг 2 февраль куни Европа Иттифоқининг Кенгаши ва Парламенти 36 соат давом этган музокара-лардан сўнг “Сунъий интеллект тўғрисида”ги қонунни қўллаш юзасидан илк қоидалар бўйича, яъни юзни таниб олиш ва суд тизими томонидан ушбу технологиядан фойдаланиш бўйича келишувга эришди.

Сунъий интеллект элементларидан фойдаланишнинг асосий тенденцияларига қуйидагилар қиради:

- рутин жараёнларни автоматлаштириш;
- катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш;
- натижаларни прогноз (бажорат) қилиш.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, бугунги кунда Эстония суд тизими Европадаги энг самарали тизимлардан бири сифатида тан олинган бўлиб, автоматлаштирилган суд жараёнлари ва электрон алоқа воситалари билан ажралиб туради.

Эстонияда суд муҳокамасини бошлаш, ҳужжатларни тақдим этиш, фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича шикоят қилиш мумкин бўлган электрон суд ишларини юритиш ахборот тизими мавжуд. Процессуал ҳужжатлар электрон имзо ёрдамида тақдим этилади. Жиноят процессида эса, суд муҳокамаси бўйича ҳужжатларни топшириш мумкин. Тўлов топшириқномалари ва техник хизмат кўрсатиш бўйича даъволар фақат интернет тармоғи орқали тақдим этилади. Бу эса, ахборот технологиялари ривожланишининг етарли даражада юқори эканини, энг муҳими, аҳолининг ушбу технологиялардан фойдаланишга тайёрлигини кўрсатади.

Эстонияда судларни рақамлаштириш жараёни учинчи саноат инқилоби охиридаёқ бошланган эди. Ахборот технологиялари инқилоби суд тизимини тезкор, самарали ва барча фуқароларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш тизимига айлантириш учун ажойиб имконият яратмоқда.

Эстония ҳукумати 2005 йилда e-File тизимини ишлаб чиқишни бошлаган бўлиб, шундан буён электрон одил судлов (e-justice) тизими сезиларли даражада ривожланди. Фуқаро хавфсиз тасдиқлаш жараёнидан ўтиб, e-justice платформасига кириши билан ҳар қандай ишни онлайн равишда тақдим қилиши мумкин бўлди. Маълумотлар судда кўриб чиқиладиган иш билан боғлиқ муас-сасалар ўртасида бўлишилади ва судлар тегишли ҳужжатларни кўриб чиқишни бошлайди.

Мазкур платформа орқали судлар фуқароларга турли ҳужжатларни юбориши мумкин, хабарномалар орқали судьялар барча файлларнинг муваффақиятли етказилганлигига ишонч ҳосил қиладилар. Ҳар бир ҳужжатга вақт белгиси қўйилиб, хавфсиз электрон имзо билан таъминланади.

Бугунги кунда Эстонияда судьялар сони сўнгги 20 йил давомида ўзгармаган, бироқ суд ишларининг сони икки баробар ошган. Бунинг асосий сабабларидан бири

суд тизими самарадорлигига низоларни автоматлаштирилган тарзда қайта ишлаш имконини берувчи технологиялар тадбиқ этилганлигидир.

Ҳозирги кунда, Эстония IT компаниялари судьялар ва адвокатларнинг кўп вақт талаб қилувчи вазифаларини автоматлаштириш бўйича иш олиб бормоқда.

Эстония электрон ҳукуматни ривожлантираётган мамлакатлар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Умумий аҳолиси сони 1 миллион 300 мингдан ортиқ кишини ташкил этувчи Эстония давлат хизматларининг 99 фоизини онлайн режимга муваффақиятли ўтказди. Бундан ташқари, аҳолининг қарийб 92 фоизи интернетдан мунтазам фойдаланади. Суд-ҳуқуқ тизимида эса, Эстония даъвогарлар ҳамда уларнинг вакиллари суд даъволарини электрон тарзда тақдим этиши ва судга келиб тушган даъвонинг ҳолатини кузатиб туриш имкониятини берувчи "E-Toimik" онлайн маълумот тизимини жорий этган. Мазкур тизим барча инстанциядаги судлар, полиция маҳкамаси, суд ижрочилари ва адвокатлар каби бошқа манфаатдор томонлар орасида ўзаро маълумот алмашувини таъминлайди. Мисол учун, ёлғиз она алимент ундириш юзасидан суд биносига ташриф буюрмасдан уйдан туриб мурожаат қилиш имкониятига эга.

Ўзбекистон суд тизими ходимларининг суд тизимида информацион технологияларни жорий этишдаги ўзига хос тажрибани ўрганиш мақсадида Эстонияга ташриф натижасида қуйидаги икки асосий сабоқ ўрганилди:

а) электрон суд тизимини яратиш узоқ муддатли ва узлуксиз жараён бўлиб, суд бошқаруви электрон тизимларини судьялар, суд ходимлари ва суд фойдаланувчиларининг талаблари асосида доимий такомиллаштириш талаб этилади;

б) судларнинг турли инстанциялари ва бошқа ҳукумат идораларининг электрон тизимлари билан ўзаро боғлиқлигини доимий кенгайтириб туриш муҳим аҳамият касб этади.

Эстонияга ташрифдан орттирилган билим ва кўникмалар асосида E-SUD тизимини модернизациялаш ва суд бошқаруви механизмларини янгилашга қаратилган қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилган эди:

маълумотлар алмашинуви баённомаларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш, судларнинг турли инстанциялари ва бошқа ҳукумат идоралари ўртасида маълумотлар алмашувини самарали ва ўз вақтида таъминлаш мақсадида E-SUD тизимига қўшимча модулар ишлаб чиқиш орқали судларнинг турли инстанциялари ва ҳукумат идораларининг маълумот тизимларининг ўзаро мутаносиблигини таъминлашга оид мавжуд ўзаро маълумот алмашуви механизмларини мукаммаллаштириш;

соддалаштирилган судлов тартибини жорий этиш, жумладан судга келиб тушган даъволарни расмий суд тингловисиз кўриб чиқишга қаратилган Фуқаролик-процессуал кодексига ўзгартиришлар киритиш;

суднинг функционал таҳлилини ўтказиш ҳамда мазкур таҳлил натижаларига асосланган ҳолда судьянинг асосий ишига қўшимча юклатилган фаолиятидан озод этиш мақсадида фуқаролик ишлар бўйича судда экс-

перимент тариқасида судья ёрдамчиси ва суд бошқарувчиси каби икки қўшимча лавозимни жорий этишни синаб кўриш;

судьялар мустақиллигини ва ҳолислигини таъминлаш мақсадида E-SUD тизимида фуқаролик ишлари бўйича судьяларга судлов ишларни тасодифий равишда тақсимлаш функциясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Юридик адабиётларда суд фаолиятида замонавий ахборот-технологияларидан, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш ва унинг ижобий-салбий жиҳатлари борасида турли баҳс-мунозаралар илгари суриб келинади. Хусусан, М.М.Мамасиддиқовнинг фикрича, "...судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш судларда электрон ҳужжатлар айланишини тезлаштиради, судлар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тўплаш, қайта ишлаш, тизимлаштириш ва сақланишини таъминлайди, ахборот тизими ёрдамида электрон воситалар орқали судга мурожаат қилиш имкониятининг берилиши эса суд орқали ҳимоя қилиш учун қулайликлар яратади, ахборот тизими орқали электрон шаклда суд муҳокамаси иштирокчиларини хабардор қилиш ва уларга суд ҳужжатларини ҳамда бошқа хат-хабарларни юбориш имкониятини беради, булар охир-оқибат одил судловнинг самарасини оширишга, унинг тезкорлиги ва қулайлигини таъминлашга хизмат қилади".

С.С.Фулямов ва А.С.Сидиқовнинг фикрича, замонавий ахборот технологияларини суд тизимига фаол ва тезкор жорий этиш қуйидагиларга эришиш имконини беради:

**Яхшилик ҳақида
фикр қилинглар,
чунки яхшилик
ҳақида ўйлаш киши-
ни ўша яхшиликни
қилишга ундайди.
Ёмонликка на-
домат қилинглар, чун-
ки надомат ўша
ёмонликни тарк
этишга бошлайди.**

**Абдуллоҳ ибн
АББОС**

адолат тизимининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, қонуний ҳимоя ҳуқуқини амалга ошириш, ишлар ва низоларни кўриб чиқиш муддатларини оптималлаштириш, тугалланмаган ишлар сонини қисқартириш ва ҳужжатларни йўқотиш ҳолатларини бартараф этиш. Бундан ташқари, суд фаолиятига рақамли технологияларни жорий этиш суд ҳокимиятининг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган асосий чора-тадбирлардан бири бўлиб, маълумотларга қулай ва тезкор кириш имкониятини яратиш учун шарт-шароитларни таъминлайди.

Э.К.Сабилов эса ўзининг диссертация ишида суд ҳуқуқ ислохотларини ахборот билан таъминлашнинг узок муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифни илгари сурган.

О.А.Степанов ва Д.А.Басанговларга кўра, сунъий интеллект платформалари суд прецедентларини таҳлил қилиш ва энг оптимал ечимларни таклиф этишга ёрдам беради. А.С.Соколкинага кўра иқтисодий процессда сунъий интеллект ишдаги мавжуд далилларни баҳолаш ва қарорлар чиқаришда инсон ҳиссиётлари ва бирёқлама қарашларни истисно қилиб, объектив ёндашувни таъминлайди. Яна бир ҳуқуқшунос олим С.А.Курочкиннинг фикрича, сунъий интеллектдан фойдаланиш иқтисодий ишларнинг кўриб чиқиши вақтини қисқартириб, судьяларга мураккаб масалаларга диққат қаратиш имконини беради ва уларнинг юқламасини камайтиради.

Дарҳақиқат, бизнинг фикримизча ҳам иқтисодий суд ишларини юритишда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланишнинг асосий мақсадлари ва вазифалари, энг аввало одил судловнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш ҳисобланади. Судда иш кўришнинг шаффофлиги ва низолашаётган тарафларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш орқали судлар йўл қўйиши мумкин бўлган хатоларнинг хавфини камайтириш имкони яратилади.

Юридик адабиётларда олимлар иқтисодий суд ишларини юритишда сунъий интеллектни қўллаш билан боғлиқ айрим муаммолар ва хавф-хатарлар ҳақида ҳам огоҳлантирмоқда. Масалан, сунъий интеллект алгоритмларининг шаффоф эмаслиги билан боғлиқ масала шулар жумласидандир. И.Л.Бедняков ва Н.А.Развейкинанинг фикрича, кўплаб сунъий интеллект алгоритмлари “қора кути” ҳисобланади, бу уларнинг қарор қабул қилиш логикасини тушунишни қийинлаштиради ва жараён иштирокчиларида ишончсизлик келтириб чиқаради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай ҳулосага келиш мумкинки, иқтисодий суд ишларини юритишда сунъий интеллект элементларидан фойдаланиш одил судловнинг самарадорлиги ва очиклигини таъминлаш имкониятини беради. Бироқ, унинг муваффақиятли жорий этилиши учун ҳуқуқий стандартларни ишлаб чиқиш, алгоритмларнинг шаффофлигини таъминлаш ва албатта, судьянинг мустақиллигини сақлаб қолиш муҳимдир. Шундагина сунъий интеллект одил судловнинг мақсадларига эришишда самарали воситага айланиши мумкин.

Ундан ташқари, иқтисодий суд ишларида сунъий интеллектдан фойдаланиш судда иш кўришнинг асосий тамойилларини бузмаслиги ва шу мақсадда қатъий процессуал тартибга солиниши керак. Бинобарин, сунъий

интеллект ишни мазмунан ҳал қилувчи судьянинг ички ишончини мустаҳкамлаши ва тўлдириши мумкин, лекин уларни алмаштирмаслиги керак. Сунъий интеллект томонидан тақдим этилган тавсиялар фақат ёрдамчи восита бўлиб қолиши, яқиний қарор эса судья томонидан қабул қилиниши зарур.

Кароматжон ДАВЛЕТОВА,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни

муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Artificial intelligence as the new reality of e-justice // <https://e-estonia.com/artificial-intelligence-as-the-new-reality-of-e-justice/>
2. Artificial intelligence act: Council and Parliament strike a deal on the first rules for AI in the world // <https://www.consilium.europa.eu/en/press/press-releases/2023/12/09/artificial-intelligence-act-council-and-parliament-strike-a-deal-on-the-first-worldwide-rules-for-ai/>; ЕИ сунъий интеллект бўйича тарихий келишувга рози // https://uza.uz/uz/posts/ei-suniy-intellekt-boycha-tarixiy-kelishuvga-rozi_546850
3. Бедняков И.Л., Развейкина Н.А. Возможности применения искусственного интеллекта в судопроизводстве. Вестник СЮИ// https://cyberleninka.ru/article/n/vozmozhnosti-primeneniya-iskusstvennogo-intellekta-v-sudoproizvodstve?utm_source=chatgpt.com
4. Гулямов С.С., Сидиков А.С. Ўзбекистоннинг рақамли иқтисодиёти ривожланиши шароитида иқтисодий суд ишларини юритишни рақамлаштириш ва виртуаллаштириш // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили № 1. 2020 й. 39 б.
5. Discovering the most widely used e-services. Post date: January 8, 2020 // <https://e-estonia.com/speakers-corner-most-widely-used-e-services/>
6. European Commission for the Efficiency of Justice (CEPEJ). European ethical Charter on the use of Artificial Intelligence in judicial systems and their environment Adopted at the 31st plenary meeting of the CEPEJ (Strasbourg, 3-4 December 2018) // <https://www.europarl.europa.eu/cmsdata/196205/COUNCIL%20OF%20EUROPE%20-%20European%20Ethical%20Charter%20on%20the%20use%20of%20AI%20in%20judicial%20systems.pdf>
7. EU AI Act: first regulation on artificial intelligence. The use of artificial intelligence in the EU will be regulated by the AI Act, the world's first comprehensive AI law. Find out how it will protect you. Published: 08-06-2023. Last updated: 18-06-2024 - 16:29. 6 min read // <https://www.europarl.europa.eu/topics/en/article/20230601ST093804/eu-ai-act-first-regulation-on-artificial-intelligence>
8. Курочкин С.А. О перспективах применения искусственного интеллекта в гражданском и арбитражном судопроизводстве. Арбитражный и гражданский процесс № 02/2023.
9. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик суд ишларини юритишда ошкоралик тамойили ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг долзарб масалалари / Монография. – Тошкент, “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”. 2019. – 61 б.
10. Net Group. Artificial Intelligence: A Substitute or Supporter of Judges? // <https://aastaraamat.riigikohus.ee/en/artificial-intelligence-a-substitute-or-supporter-of-judges/>
11. Степанов О.А., Басангов Д.А. О перспективах влияния искусственного интеллекта на судопроизводство // Вестник Томского государственного университета. 2022. № 475. С. 229–237.
12. Соколкина А.С. Искусственный интеллект в арбитражном процессе / Молодой ученый. 2022. № 48 (443). – С. 334–336.
13. USAID Ўзбекистон суд тизимида фуқаролик суд тизимида электрон ҳуқуматни жорий этишга оид илғор тажрибани ўрганишда кўмак кўрсатмоқда // <https://uz.usembassy.gov/uz/usaidsupports-uzbek-judiciary-in-learning-e-governance-best-practices-in-civil-justice-sector-uz/>
14. Хабибуллаев Д.Ю. Фуқаролик суд ишларини юритишни рақамлаштириш ис тикболлари: миллий амалиёт ва хорижий тажриба таҳлили // Ўзбекистон Республикаси Олий суди расмий сайти. <https://old.sud.uz/0811-3/>
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрда “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-358-сон қарори // <https://www.lex.uz/docs/7158604>
16. Қаранг: Сабилов Э.К. Судлар фаолияти очиклигини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси. Илмий раҳбар юридик фанлари доктори, профессор М.М.Мамасиддиқов. – Тошкент, 2021. – 10 б.

ЖИНОЯТНИ ФОШ ҚИЛИШДА ДАЛИЛЛАРНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Жиноятни очишда жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги, айбдорларни фош этишга эришиш учун зарурий бир шартга амал қилиниши лозим. Бу — қандай ҳодиса юз берганлиги, жиноятнинг ким ва қандай ҳолатларда содир этганлигини аниқлаш орқали амалга оширилади. Жиноий ҳодиса суд учун ўтмиш ҳодисаси бўлганлиги сабабли, исбот қилиш мажбурияти юклатилган суриштирувчи, терговчи, прокурор унинг барча ҳолатларини фақат исбот қилиш воситаси бўлмиш далиллар ёрдамида аниқлашлари ва тегишли ҳулосага келишлари мумкин.

Ашёвий далилнинг мавжудлиги – бу ҳақиқатдан реал фактдир. Бироқ бу фактнинг ўзи далилий аҳамиятга эга бўлмай, балки шу нарсда мавжуд бўлган ахборот ҳамда нарс турсан шариоит далилий аҳамиятга эгадир. Нарса ўзи топилган жой ва шарт-шариоитларни акс эттирмаса, алоҳида белгиларга эга бўлмаса, ҳеч қандай далилий аҳамиятга эга бўлмайди. Бу ҳолда ҳам воқеаликнинг реал факти эмас, балки бу фактнинг иш материалларида акс этирилиши далил ҳисобланади.

Далилларни тўплаш жуда мураккаб жараён бўлиб, у қуйидаги элементлардан ташкил топади:

Далилларни қидириш (тинтув, кўздан кечириш вақтида). Далилларни тўплашнинг бу элементи мажбурий ҳисобланмайди. Бу элемент умуман бўлмаслиги (далилларни тақдим этишда) ёки нопроцессуал воситалар билан амалга оширилиши мумкин (масалан, ҳодиса шохидларини тезкор-қидирув йўли билан ёки оммавий ахборот воситалари ёрдамида аҳолига мурожаат қилиш йўли билан қидиришда).

Нарса ва ҳужжатларни, тақдим этилган далилларни олиш кўрсатув олиш ва шу каби ҳаракатлар воситасида амалга оширилади. Далилларни қидиришдан фарқли ўлароқ уларни олиш фақат процессуал йўл билангина амалга оширилиши мумкин.

Далилни процессуал расмийлаштириш (мустаҳкамлаш). Далилларни тўплашнинг мажбурий элементи бўлиб тергов ва суд ҳаракатлари баённомалари тузиш, уларга иловалар тайёрлаш каби йўллар билан амалга оширилади. Далилни мустаҳкамлаш ЎЗР ЖПКда кўрсатилган талаблар асосида бажарилмаса далил номақбул деб топилди. Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда турли илмий-техник воситалардан фойдаланиш мумкин.

Бироқ бу ерда айрим истисно ҳолати мавжуд: 1) далилларни тўплашнинг биринчи элементи бўлган далилларни қидириш вақтида ҳар қандай илмий-техник воситалардан фойдаланиш мумкин; 2) далилларни олиш ва мустаҳкамлашда қонунда кўрсатилган техник воситалардан (овоз ёзиш воситалари, кинокамера, видеомагнитофон, фотоаппарат) фойдаланиш мумкин.

Ижтимоий ҳавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчи, терговчи ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича ДАЛИЛ ҳисобланади (ЖПК 81-моддаси).

Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, жабрланувчи ва экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб борила-

диган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланади.

Ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим. Ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкин (ЖПКнинг 87-моддаси).

Шуни назарда тутиш лозимки, ашёвий далилларни олиш усуллари қонунда қатъий белгиланган. ЖПК 205-моддасига кўра, ашёвий далиллар суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан (ҳодиса содир бўлган ёки бошқа жойларни, биноларни кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, кўрсатувни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, олиб қўйиш, тинтув ёки эксперимент ўтказиш пайтида) олиниши ёнки суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга ЖПК 198 — 202-моддаларида назарда тутилган тартибда ҳимоячи ёхуд бошқа шахслар (фуқаролар, корхона, муассаса, ташкилотлар мансабдор шахслари) томонидан тақдим этилиши мумкин.

Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги ҳулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади.

Далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ушбу Кодекснинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади.

Текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланади. Исботланиши керак бўлган ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади.

Жиноят процессини юритишда далиллар жиноий жавобгарликка тортишда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этишнинг янада аниқроқ қонуний кафолатларини яратди, бундай таъриф дастлабки тергов органлари, прокурор, судни репрессив йўналишдан воз кечиб инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтиради ҳамда бу органларга айбланувчининг ҳам айбланилигини, ҳам айбсизлигини исбот қилиш мажбуриятини юклайди.

Рўзи НАЗАРОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



ЭЛЕКТРОН САВДОДА ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Жаҳон иқтисодиётининг рақамли трансформацияси савдо жараёнларига ҳам янги-ча мазмун бахш этди. Жумладан, электрон савдо — замонавий рақамли иқтисодиёт-нинг муҳим таркибий қисми бўлиб, истеъмолчиларга қулайлик, тезкорлик ва иқтисо-дий манфаатларни тақдим этмоқда.

Бошқа томондан, бу соҳадаги ҳуқуқий тартиб-га солишдаги камчиликлар истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомил-лаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу боис, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қи-лиш фуқаролик-ҳуқуқий механизмларни такомил-лаштириш масаласи тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Мамлакатимизда истеъмолчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Электрон тижорат тўғри-сида”ги қонунлар билан тартибга солинади. Бу қо-нунлар истеъмолчиларнинг асосий ҳуқуқларини, ху-сусан, тўғри ахборот олиш, товарларни қайтариш ва тўловлар хавфсизлигини кафолатлайди.

Бироқ, қонунчиликдаги айрим етишмовчиликлар амалиётда муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусу-сан, электрон савдо орқали маҳсулот ёки хизматлар-ни сотиб олишда бу нарса кўзга яққол ташланмоқда. Жумладан, буюртма қилинган маҳсулот ўз тавсифига мос келмаслиги ёки сифатсизлиги истеъмолчилар ҳуқуқларининг энг кенг тарқалган бузилишидир. Бун-да сифатга оид шикоятларни кўриб чиқиш ва қаноат-лантириш, номувофиқ товарларни қайтариш жараёни кийинлигича қолмоқда.

Шу билан бирга, тўлов жараёнларида муаммолар мавжуд бўлиб, қарзга олишда тўловларни ноқонуний равишда суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Бундан ташқари, электрон шартномалар тузили-шида аниқ ва тўлиқ ахборот берилмаслиги сабабли истеъмолчиларнинг хато қарор қабул қилиши, баъ-зи ҳолларда эса электрон шартномаларнинг ҳуқуқий асосга эга бўлмаслиги каби ҳолатлар учрайди.

Шунингдек, электрон савдоларда тўлов тизимла-ридаги сохта операциялар ва шахсий маълумотлар учинчи шахсларга тарқаб кетиши мумкин.

Ўзбекистонда электрон савдо соҳасида истеъ-молчиларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш учун қонунчиликни халқаро стандартлар асосида тако-миллаштириш зарур.

Хорижий мамлакатларда электрон савдода истеъ-молчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган илғор тажрибалар мавжуд.

Мисол учун, Европа Иттифоқи ҳудудидаги 2022 йилги Цифрлаштириш қоидалари истеъмолчиларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш ва онлайн фа-олият шаффофлигини таъминлаш бўйича намунали тизим ҳисобланади.

АҚШда эса Federal Trade Commission (FTC) истеъмол-чиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун жавобгар ор-ган сифатида электрон савдода ҳам назорат олиб боради.

Олиб борилган илмий таҳлиллар ва халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, истеъмолчиларнинг ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш йўлида рақамли технологияларни жорий этиш, тўлов хавфсизлигини таъминлаш ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик нормаларини такомиллаштириш, электрон арбитраж тизимини қонунчиликка жорий этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда электрон савдода истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда электрон савдо шартномаларининг ҳуқуқий кучини кучайтириш учун махсус нормалар жорий этиш, электрон савдо фао-лиятини назорат қилиш учун махсус орган ташкил этиш, истеъмолчиларни ҳуқуқлари бузилган ҳолатда содда-лаштирилган шикоят қилиш тизимини ишлаб чиқиш чо-раларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу чора-тадбирлар амалга оширилиши орқали электрон савдонинг янада самарали ҳуқуқий тартиб-га солиниши ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқлари тўлиқ ҳимоя қилинишига эришилади.

Махмуд УМАРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тингловчиси.

*Сени йўлда
қолдирган —
нафсингдир,
йўлда қолган
— нафсига
эргашган.*

**Юнус
ЭМРО**

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ НИЗОЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА КЎРИЛИШИ

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг умумий мазмунига кўра, ҳуқуқи бузилган шахснинг сайлов комиссиялари қарорлари ва уларнинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси”га мувофиқ сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), қарорлари устидан берилган шикоятларни туманлараро маъмурий судлари Марказий сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), қарорлари устидан берилган шикоятларни эса Ўзбекистон Республикаси Олий суди кўриб чиқади.

Ушбу тоифадаги ишлар бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар бошқа тоифадаги маъмурий ишлар бўйича субъектлардан фарқланади.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 46-моддасига асосан, бундай аризалар прокурор томонидан қуйида қайд этилган шахсларнинг манфаатларида берилиши мумкин;

сайловчи – сайловчилар рўйхатидаги хато ёки ноаниқликни тузатиш ҳақидаги мурожаатини 24 соат ичида кўриб чиқмаслик ёки асоссиз рад этиш, сайловчилар рўйхатига киритилмаганлик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқарилганлик, олдинроқ овоз бериш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш ёки ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш ҳақидаги аризани кўриб чиқмаганлик ёхуд рад этганлик каби ҳолатлар юзасидан;

кузатувчи – тегишли комиссия томонидан мандат бериш рад этилганда, Сайлов кодексининг 33-моддасида белгиланган ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилинганда, сайлов комиссиялари томонидан сайловни ўтказишда сайлов қонунчилигини бузишдан иборат бошқа ҳолларда;

номзод – ўзининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан тегишли сайлов комиссиясига қилган мурожаат юзасидан олган жавобидан норози бўлиб, қонун бузилишларни бартараф этиш тўғрисидаги шикоятлар бўйича;

сиёсий партияларнинг органлари – сайловда қатнашишга ижозат бериш ҳақидаги аризани рад этганлик, тақдим этган номзодни номзодлик мақомидан олишдан бош тортганлик, тақдим этган номзодни номзодлик мақомидан маҳрум этиш ҳақидаги мурожаатини рад этганлик, номзодни номзодликдан чиқариш тўғрисидаги қарор устидан судга шикоят қилиши мумкин.

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), қарорлари устидан судга шикоят қилинганда шикоятда жавобгар сифатида сайлов комиссияси кўрсатилади.

Бироқ, шикоятда жавобгар сифатида сайлов комиссияси эмас, балки унинг раиси ёки раис ўринбосари кўрсатилганлиги учун шикоятни қабул қилишни рад этишга, иш юритишни тугатишга ёки ушбу асос билан аризани (шикоятни) рад этишга йўл қўйилмайди. Бу ҳолатда сайлов комиссияси жавобгар сифатида талқин этилади.

Сайлов комиссиянинг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги шикоятда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 128-моддасида назарда тутилган маълумотлардан ташқари шикоят қилинаётган хатти-ҳаракатлар нимада ифодаланиши, ҳаракатлар содир этилган сана, вақт ва жой, шикоят берган шахснинг фикрига кўра, содир этилган хатти-ҳаракатлар билан бузилаётган ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатлари, шикоят берган шахснинг фикрига кўра содир этилган хатти-ҳаракатлар мувофиқ бўлмаган қонун ҳужжатлари ва шикоят берган шахснинг сайлов комиссияси хатти-ҳаракатларини қо-

нунга хилоф деб топиш тўғрисидаги талаби ва ҳуқуқини тиклаш усули кўрсатилади.

Шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини қисқа муддатларда тиклаш орқали уларнинг сайловда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган ҳуқуқларидан эркин фойдаланишини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида ушбу тоифадаги шикоятларни кўриб чиқиш учун энг қисқа муддатлар белгиланган. Мазкур процессуал муддатлар ишни кўраётган суд учун қатъий бўлиб, ушбу муддатларнинг узайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ушбу тоифадаги ишларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу – ишларни кўришда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган судларга шикоят билан мурожаат қилиш муддати қатъий бўлиб, уни тиклаш қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган.

Шунга кўра, мазкур тоифадаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгиланган судга шикоят билан мурожаат қилиш муддатининг ўтганлиги билдирилган талабни рад этиш учун асос бўлади.

Амалдаги қонунчилигимизда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларида сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, шикоят дарҳол кўриб чиқилиши шартлиги ҳақидаги қатъий норма ўрнатилганлиги сабабли, ушбу тоифадаги иш бўйича шикоят келиб тушганда у девонхона орқали дарҳол рўйхатдан ўтказилиб, судьянинг иш юритувига топширилиши лозим. Шикоятни дарҳол кўриб чиқиш деганда, шикоят судга келиб тушган куннинг ўзидаёқ мазмунан кўрилиши тушунилади.

Ариза суд томонидан шикоят берган шахсни ва тегишли сайлов комиссиясининг вакилини, шунингдек прокурорни ҳам чақиртирилган ҳолда кўриб чиқилади. Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган шахсларнинг келмаслиги ишни кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 67-моддасига мувофиқ, маъмурий органлар низолашилаётган ҳужжатларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қарорларининг, улар мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) нинг қонунийлигини исботлаш мажбурияти тегишли органлар ва мансабдор шахслар зиммасига юклатилиши белгилаб қўйилган бўлиб, сайлов комиссиясининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар кўрилганда, ушбу қарорларнинг қабул қилинишига асос бўлган ҳолатларни исботлаш мажбурияти уларни қабул қилган сайлов комиссияси зиммасига юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 167-моддасига мувофиқ, сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларга доир ҳал қилув қарорлари дарҳол ижро этилади.

Юқоридagi мисоллардан кўринадики мамлакатимизда сайлов комиссиялари фаолияти билан боғлиқ низоли масалалар ечими учун қонунчилигимизда мустаҳкам асос яратилган. Бу эса сайлов жараёнларининг қонуний ва адолатли ўтишига замин яратади.

Асомиддин БҲРОНОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Процессуал муддатлар ҳуқуқий жараёнинг муҳим элементларидан бири бўлиб, улар маъмурий суд ишлари-ни юритишда тартиб-интизомни таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси процессуал муддатларга оид қоидаларни белгилаб, суд муҳокамаси иштирокчилари учун процессуал ҳаракатларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилишини кафолатлайди.

Процессуал муддатлар деб суд муҳокамаси жараёнида маълум ҳаракатларни бажариш учун қонун билан белгиланган ёки суд томонидан тайинланган давр тушунилади. Бу муддатларнинг асосий мақсади қуйидагилардан иборат:

1. Ҳуқуқни ҳимоя қилишни кафолатлаш: суд жараёнида тарафлар учун тенг имкониятлар яратиш ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш;

2. Тартиб-интизомни сақлаш: Суд жараёни кечикишларининг олдини олиш ва ишни ўз вақтида кўриб чиқиш;

3. Ижтимоий адолатни таъминлаш: ишларни тезкор ва самарали кўриб чиқиш орқали фуқароларнинг давлат ва ҳуқуқий тизимга ишончини ошириш.

Бундан ташқари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга уларнинг ўз процессуал ҳуқуқларидан инсофли равишда фойдаланмасдан, процессуал мажбуриятларини ўз вақтида бажармасдан, суд муҳокамасининг асосий равишда узайтирилишига қаратилган ҳаракатларнинг олдини олиш процессуал муддатларнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексида процессуал муддатлар қуйидаги турларга ажратилганини кўриш мумкин:

1. Кодекс ва бошқа қонун билан белгиланган муддатлар: бу муддатлар бевосита кодекс ҳамда бошқа қонуннинг тегишли моддалари билан белгиланган.

2. Суд томонидан белгиланган муддатлар: айрим ҳолатларда суд процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун махсус муддатларни белгилайди (масалан, қўшимча ҳужжатларни тақдим этиш ёки экспертиза хулосаси олиш учун суд томонидан берилган вақт).

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 116-моддасига биноан, процессуал муддатлар йиллар, ойлар ва кунлар билан белгиланади. Қуйидаги қоидалар процессуал муддатларни ҳисоблашда қўлланилади:

- йиллар, ойлар ва кунлар билан ҳисобланадиган процессуал муддатнинг ўтиши календарь сананинг эртасидан ёки бошланиши аниқланган воқеа юз берган кундан;

- агар процессуал муддат дам олиш ёки байрам кунида тугаса, у ҳолда муддат кейинги иш кунига қадар узайтирилади;

- процессуал муддатнинг охири куни иш соатлари тугаши билан якунланади, агар ариза ёки бошқа ҳужжат электрон шаклда юборилса, муддат кечки соат 24:00 гача давом этади.

Кодекс процессуал муддатлар ўтиб кетган ҳолатларда уларни узайтириш ва тиклаш имкониятини назарда тутади:

1. Процессуал муддатни узайтириш: суд маълум сабабларни эътиборга олиб, процессуал муддатни узайтириши мумкин. Бу сабаблар қуйидагича бўлиши мумкин:

- тарафларнинг асосланган илтимосномаси;
- фавқулодда ҳолатлар (масалан, касаллик, табиий офатлар).

2. Процессуал муддатни тиклаш: агар процессуал муддат тарафлардан бири томонидан ўтказиб юборилган бўлса, суд унинг тикланишини кўриб чиқади. Бунда тараф ўтказиб юбориш сабабларини асослаб бериши лозим.

Ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклаш ҳақида ёки тиклашни рад этиш тўғрисида аҳрим чиқарилади. Ушбу аҳрим устидан шикоят (протест) келтирилиши мумкин.

Агар ўтказиб юборилган муддат тарафларнинг бири томонидан келтирилган илтимоснома асосида тикланган тақдирда, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар томонидан ўтказиб юборилган муддат тикланиши талаб этилмайди.

Процессуал муддатларга риоя қилмаслик бир қатор ҳуқуқий оқибатларга олиб келади, жумладан кодекснинг 118-моддасига кўра:

ишда иштирок этувчи шахслар белгиланган процессуал муддатлар ўтиши билан процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини йўқотади (бунда процессуал муддатнинг ўтиши кўрсатилган шахсларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди);

процессуал муддатлар ўтгандан кейин берилган ариза, шикоят ва бошқа ҳужжатлар агар ўтказиб юборилган муддатларни тиклаш тўғрисида илтимоснома мавжуд бўлмаса ёхуд уни қаноатлантириш рад қилинган бўлса, уларни тақдим этилган шахсларга қайтарилади.

Шунингдек, тарафлардан бирининг процессуал муддатларга риоя қилмаслиги бошқа тарафнинг ҳуқуқларини бузса, суд унга нисбатан жарима ёки бошқа процессуал таъсир чораларини қўллаши мумкин.

Процессуал муддатлар маъмурий суд ишларини юритишда муҳим ўрин тутади. Уларнинг қонун билан белгиланган тартибда амалга оширилиши суд жараёнининг самарадорлигини ошириб адолатли қарорлар қабул қилинишини таъминлайди. Шу билан бирга, амалиётда процессуал муддатларнинг бузилиши натижасида келиб чиқадиган муаммоларнинг олдини олиш учун қуйидаги тақлифларни илгари суриш мумкин:

1. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда процессуал муддатлар аниқ асосга эга бўлиши ва талқин қилишда тушунмовчиликларга олиб келмаслиги керак. Шу мақсадда:

- муддатларни белгилашга оид нормаларни тартибга солиш учун махсус шарҳ ва тушунтиришлар тайёрланиши керак;

- суд амалиётида қўлланиладиган процессуал муддатларнинг ягона изоҳини ишлаб чиқиш учун Олий суд томонидан пленум қарори қабул қилиниши лозим.

2. Процессуал муддатларни ҳисоблашда электрон тизимлардан фойдаланишни кенгайтириш. Бу қуйидаги имкониятларни беради:

- судьялар ва тарафлар процессуал муддатларни кузатиши ва ўз вақтида чоралар кўриши;

- муддатнинг тугашидан олдин автоматик эслатмалар жўнатилиши;

- суд амалиётидаги процессуал муддатлар бузилишининг олдини олиш.

Ушбу тақлифлар суд жараёнларини тезкор ва сифатли амалга оширишга хизмат қилади ҳамда фуқароларнинг суд-ҳуқуқ тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлайди, процессуал муддатларнинг амалиётда бир хилда қўлланилишини таъминлайди ва ишда иштирок этувчи тарафлар ҳамда суднинг масъулиятини оширади.

Акмалхўжа Низамидинов,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

МАЪМУРИЙ АКТ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС БЕЛГИЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 8 январдаги “Маъмурий тартиб таомиллар тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида “маъмурий ҳужжат — маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун муайян ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси” эканлиги ҳақидаги таъриф берилган.

Шу ўринда қонундаги ҳужжат ҳамда юқорида биз тилга олган маъмурий акт сўзлари ўртасида қандай фарқ ёки ўхшашлик мавжудлигига тўхталиб ўтсак.

Бу соҳа олимлари илмий адабиётларда маъмурий акт нафақат ҳужжат кўринишида, балки бошқа шаклларда бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтишган. Хусусан, миллий олимларимиздан Ж.Нематов маъмурий актнинг оғзаки, белгили кўринишлари ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр билдириб, светофорни бунга мисол сифатида келтиради. Шу билан биргаликда, Ўзбекистон маъмурий ҳуқуқининг марказий институти сифатида – маъмурий актни белгилаш ҳақидаги фикрни илгари суриб, бунга бир қанча сабабларни келтириб ўтади. Жумладан, маъмурий акт маъмурий-ҳуқуқий фаолият натижаси ўлароқ манфаатдор шахс ва маъмурий орган ўртасида мавжуд бўлиши, маъмурий акт шунчаки давлат бошқаруви жараёнидаги ҳужжат эмас, балки маълум бир маъмурий-ҳуқуқий муносабат юзасидан маъмурий органнинг ҳокимият ваколатидан келиб чиқадиган якуний тўхтами акс эттириши, у қонунларни ижро этиш воситаси ҳамда ижро ҳужжатларига асос бўлиб хизмат қилиши, маъмурий акт регулятив характерга эга бўлиб, жазолашни кўзламаслиги шунингдек, маъмурий акт маъмурий ҳуқуқий муносабатларда манфаатдор шахс ҳамда маъмурий орган учун аниқ, маълум бир вазиятга мослаштирилган ва энг асосийси икки тараф учун ҳам мажбурий бўлган қоидаларни ўрнатиши кабилар шулар жумласидандир.

Демак юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маъмурий акт тушунчаси маъмурий ҳужжат тушунчасига қараганда кенгроқ ва ундан истеъмолда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлайман.

Ж.Нематовнинг фикрича, маъмурий акт қуйидаги 5 та белгиларга эга бўлиши лозим. Жумладан:

1. Маъмурий акт маъмурий орган томонидан қабул қилинади;
2. Маъмурий акт ҳокимият ваколати асосида қабул қилинади;
3. Маъмурий акт оммавий-ҳуқуқий муносабат ҳосиласи сифатида ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаради;
4. Маъмурий акт ташқи субъектларга йўналтирилган бўлиши, яъни маъмурий органнинг ички идоравий муносабатлари эмас, балки ташқи субъектларга йўналтирилган муносабатларга нисбатан қабул қилиниши назарда тутилади;
5. Маъмурий акт индивидуал хусусиятга эга бўлиб, айрим жисмоний ёки юридик шахслар ёхуд муайян хусусий белгиларга кўра ажратиладиган шахслар гуруҳига қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Бу борада “Қирғизистон Республикасида қонун устуворлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш” бўйича Европа Иттифоқи томонидан молиялаштирилган лойиҳа мутахассиси Кристине Коре-Перконе ўз таҳлилларида маъмурий акт борасида бир қатор қарашларини илгари суради. Унинг фикрича маъмурий акт маъмурий процедуранинг асосий тушунчаси ва воситаси ҳисобланади. Маъмурий ҳужжатларни давлат бошқарувининг бошқа шаклларида маъмурий жараёни тартибга солувчи баъзи белгилари билан фарқлаш мумкин.

Шунингдек, Қирғизистон Республикасининг “Маъмурий фаолият асослари ва маъмурий процедура тўғрисида”ги қонунда қонун чиқарувчи маъмурий акт деб эътироф этиладиган қарорларга қандай белгилар ҳослигини кўрсатиб, маъмурий актга таъриф берган. Айнан маъмурий ҳужжат маъмурий органнинг ёки унинг мансабдор шахснинг қарори бўлиш билан биргаликда бир вақтнинг ўзида, ушбу акт:

- а) оммавий-ҳуқуқий ва индивидуал хусусиятга эга бўлиши;
- б) ички идоравий хусусиятга эга бўлмаган ҳолда, ташқи фаолиятга йўналтирилган бўлиши;
- в) муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи, яъни ариза берувчи ва (ёки) манфаатдор шахс учун маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилувчи, ўзгартирувчи, бекор қилишга қаратилган бўлиши лозим.

Бундан ташқари, у ўз таҳлилларида Латвиянинг маъмурий-процессуал қонунда маъмурий акт белгиларини тасдиқловчи ва инкор қилиш маъносини билдирувчи икки қисмдан иборат таърифи мавжуд эканлигига эътибор қаратган. Латвия Маъмурий-процессуал қонунига кўра, маъмурий органнинг қарори маъмурий акт деб ҳисобланиши учун қуйидаги белгиларга эга бўлиши керак:

- 1) ташқи фаолиятга қаратилгани;
- 2) ҳуқуқий ҳужжат бўлиши;
- 3) оммавий ҳуқуқ соҳасида қўлланилиши;
- 4) тегишли орган томонидан чиқарилган бўлиши;
- 5) индивидуал белгиланган шахсга ёки шахслар доирасига нисбатан йўналтирилган бўлиши;
- 6) аниқ ҳуқуқий муносабатларни ўрнатиш, ўзгартириш, қайд этиш ёки тугатиш ёки фактик ҳолатларни қайд этиши керак.

Шу билан бирга, Латвия маъмурий процессуал қонунда маъмурий актни инкор қилувчи таърифга эга бўлган қисм мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим. Ушбу қисм маъмурий акт ҳисобланмайдиган ҳолатларни белгилаб беради. Хусусан,

- 1) хусусий ҳуқуқ соҳасида идоранинг қарори ёки бошқа ҳаракати;
- 2) идоранинг ички қарори;
- 3) маъмурий процедура давомида қабул қилинадиган иш бўйича якуний мазмунга эга бўлмаган қарорлар (шу жумладан процессуал қарорлар), бундан бундай қарорлар шахсларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларига жиддий даҳл қиладиган ёки уларни жиддий равишда чеклайдиган қарорлар мустасно;
- 4) Сеймнинг (Латвия парламенти), давлат Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг ёки ўзини ўзи бошқариш органининг (кеңгазининг) сиёсий қарори (сиёсий баёнот, декларация, мурожаат ёки мансабдор шахс сайлови тўғрисидаги хабар ва ҳ.к.);
- 5) суднинг қарори, жиноят-процессуал қарори, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича ҳодиса доирасида қабул қилинган қарорлар шулар жумласидандир.

Улуғбек МУХИДДИНОВ,
Судьялар олий мактаби тингловчиси.



ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИНИ ҚАЙД ЭТИШ УСУЛЛАРИ

Инсон дунёга келганидан бошлаб фуқаролик ҳолатининг қайд этилиши ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга киришиши энг муҳим жараён ҳисобланади. Ушбу жараёнлар ФХДЁ органларида давлат хизматларини кўрсатиш йўли билан ёки қонунда белгиланган тартибда суд тизими орқали амалга оширилади.

Илк бор Ўзбекистонда ФХДЁ органларида биринчи Фуқаролик ҳолати далолатномалари 1918 йилда қўлёзма шаклда қайд этилган бўлса, бугунги кунга келиб бу тизим ривожланиб замонавий ахборот технологиялари асосида ислоҳ қилинди.

Амалда мавжуд бўлган давлат хизматларини фуқароларга, юридик шахсларга ва давлат органларининг ўзига кўрсатишнинг янгича усули ҳисобланувчи “электрон ҳукумат” тизимини амалга ошириш ҳар қандай замонавий демократик давлатнинг асосий стратегик йўналишларидан бирига айланмоқда. Шунингдек, давлат хизматларини кўрсатишда ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш, яъни “электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш мазкур жараёни ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан бир вақтнинг ўзида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини юқори даражада таъминлашга қаратилган, шу билан бирга, амалда мавжуд давлат хизматларини замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда кўрсатишни ўз ичига олувчи “электрон ҳукумат” тизими воситасида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишнинг янгича тартибини жорий этиш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларидан туғилганлик ва никоҳ тузилганлигини қайд этиш энг кўп фойдаланиладиган хизмат туридир.

Туғилиш ва никоҳ тузилганлигини қайд этиш Оила кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 октябрдаги 550-сонли қарори билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш” қоидалари, шунингдек, Адлия вазирининг 2022 йил 19 декабрдаги 2547-5-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига кўра, боланинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб у бола туғилган жойдаги ёки ота-онасидан бирининг доимий яшаш жойидаги ёки экстерриториал тамойил асосида исталган ФХДЁ органида амалга оширилиши лозим. Туғилганлик ҳақидаги ариза бола туғилган кундан бошлаб бир ой муддат мобайнида оғзаки ёки ёзма шаклда берилиши зарур.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, никоҳни қайд этиш учун ҳам фуқаролик ҳолати далолатномалари қоидаларида келтирилган талабларга риоя этилиши лозим. Никоҳ тузишни хоҳловчи шахслар бу тўғрисида белгиланган намунадаги ариза билан мурожаат этган кундан кейин бир ой ўтган улардан бирининг яшаш жойидаги ФХДЁ органи томонидан қайд этилади.

Барчамизга маълумки, яқин йилларгача туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани олиш ёки никоҳни қайд этиш учун фуқароларнинг ўзлари ФХДЁ органларига шахсан мурожаат қилар эдилар. 2019 йил 1 июлдан бошлаб ушбу хизматни электрон ахборот коммуникацион технологиялар асосида “ФХДЁнинг ягона электрон архиви” орқали амалга ошириш жорий қилинган.

Шунингдек, 2022 йил 1 июлдан бошлаб никоҳдан ўтувчи фуқаролар учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали никоҳ тузилганлигини қайд этиш ҳақида ариза топшириш хизмати жорий қилинди. Бу эса никоҳни қайд этиш жараёнини соддалаштириш ва тезлаштиришга хизмат қилмоқда.

Бу борада ривожланган хорижий давлатлар амалиётига юзланадиган бўлсак, бир қанча хорижий давлатларда ҳам ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ФХДЁ органларида никоҳни қайд этиш ва туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани олиш учун электрон ариза ва ҳужжатларни юбориш тизими йўлга қўйилган.

Хусусан, АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Франция каби бир қатор ривожланган давлатларда ҳам туғилиш ва никоҳни қайд этишнинг электрон тизими яратилган.

Буюк Британияда ушбу тизим самарали фаолият юритаётган бўлиб, www.gov.uk портали орқали туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани олиш учун ариза юбориш имконияти мавжуд.

Бундан ташқари ушбу мамлакатда портал орқали туғилганликни қайд этиш ҳақида умумий маълумотларга эга бўлиш, кимлар ариза бериши мумкинлиги, шунингдек, туғилганликни рўйхатга олиш идоралари тўғрисида маълумот олиш имконияти мавжуд.

Порталда Шотландия, Шимолий Ирландия ва хорижда туғилган болаларнинг туғилганлигини қайд қилиш учун турлича қоидалар белгиланган. Хусусан, хорижий давлатда туғилган болалар учун портал орқали ариза тўлдириш мобайнида, хизмат учун онлайн тўловни амалга ошириш ҳамда ҳужжатларни юбориш ҳақида маълумот олиш мумкин. Ариза тўлдирилиб, ҳужжатлар юборилгандан сўнг рўйхатга олувчи орган 5 иш куни давомида боланинг туғилганлигини қайд этади. Агар рўйхатга олувчи органга бирор маълумот керак бўлса ёки ҳужжатларнинг тўғрилигига шубҳа туғдирадиган ҳолатлар аниқланса, рўйхатга олувчи орган ариза берувчига телефон кўнғироғи орқали мурожаат қилади. Ҳужжатлар ариза берувчига туғилганлик қайд этилганидан сўнг хавфсиз курьер хизмати орқали жўнатилади. Шунингдек, ҳужжатлар билан биргаликда агар хизмат учун тўлов амалга оширилган бўлса туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси ҳам юборилади. Мазкур тизим ҳаттоки хорижда бўлган Буюк Британия фуқароларига ҳам интернет тармоғи орқали ўз фарзандларининг туғилганлигини қайд этиш имконини яратади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, инсон ҳаётидаги энг қувончли, ҳаяжонли, бир умрга унутилмас бахтли жараёнларни, ҳаётларини бир-бирларига боғлаган ёшларнинг қувончли онларини ўз вақтида қонуний тартибда расмийлаштиришлари, янги туғилган фарзандларга туғилганлик ҳақидаги гувоҳноманинг ўз вақтида олиниши фуқароларимизнинг ҳуқуқий жиҳатдан муаммоларга дуч келишининг олдини олади. Албатта, бу ҳаракатлар оила бахти ва равнақи, ободончилиги, бурч ва масъулиятни доимо ёдда тутиш, фарзанд тарбияси, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясида янада масъулиятли бўлишга хизмат қилади.

Дилдора МАҚСУДОВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ

Фуқаролик ҳуқуқи, ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шунингдек иқтисодий муносабатларни тартибга солиш учун ҳуқуқий асосларни яратишда муҳим роль ўйнайди. Фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари ҳуқуқий тизимнинг асосий тамойиллари бўлиб, давлатнинг фуқаро ва ташкилотларга нисбатан муомаласини белгилаб беради.

Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларига ҳуқуқий муносабатларнинг одилона ва адолатли тарзда ривожланишини таъминлайдиган асос сифатида қаралади. Улар фуқаролик ҳуқуқини амалга оширишда ушбу муносабатдаги иштирокчиларни ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишга имкон яратиш ва қонун олдида тенгликни таъминлаш каби вазифаларни бажаради.

Уларнинг моҳияти куйидаги асосий жиҳатлардан иборат:

Тенглик тамойили – ҳар бир фуқаро қонун олдида тенгдир ва унинг ҳуқуқлари барча соҳаларда бир хил ҳимоя қилинади. Фуқаролик ҳуқуқи тизимида бу тамойилнинг амалга оширилиши орқали ҳар қандай дискриминациянинг олди олинади.

Мулк дахлсизлиги – фуқаролик қонунчилигида ҳар бир шахснинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу ҳуқуқларга ноқонунӣ аралашувларни тақиқлашни назарда тутди. Ушбу принципнинг қонунӣ асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-66-моддаларида ҳамда фуқаролик кодексининг 164-моддасида белгиланган. У фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бири бўлиб, иқтисодий эркинликни мустаҳкамлаш ва хусусий мулкни қонунӣ ҳимоя қилиш учун халқаро стандартларга ҳам мос келади.

Шартнома эркинлиги – Фуқаролик ҳуқуқи тизимида томонлар ихтиёрий равишда келишувларга эришиш ҳуқуқи-га эга. Бу тамойил иқтисодий фаолиятни рағбатлантиради ва фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига ўз ҳуқуқларини амалга оширишда максимал эркинликни таъминлайди.

Хусусий ишларга ўзбошимчалик билан аралашмаслик – бу ҳам фуқаролик қонунчилигининг асосий тамойилларидан бири бўлиб, шахсларнинг ҳуқуқий автономияси, эркинлиги ва дахлсизлигини кафолатлайди. Унга кўра, ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс ўз фаолиятини қонунӣ асосда ва мустақил равишда амалга ошириши лозим, давлат органлари ва бошқа шахслар эса ушбу ҳуқуқларга ноқонунӣ аралашмаслиги шарт.

Фуқаролик ҳуқуқининг тўсқинликсиз амалга оширилиши – ушбу тамойил фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳеч қандай тўсиқларсиз, эркин ва мустақил амалга оширишни таъминлайди. Бунга кўра ҳар бир шахс ўз мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқларини эркин амалга ошириши, ҳуқуқларни амалга оширишда шахсларнинг қонунӣ манфаатларни бузмаслик ва жамиятга зарар етказмаслик мажбуриятини олади. Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқининг асосий вазифаси бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мувозанатда сақланишини таъминлайди ҳамда шахсий ва иқтисодий эркинликни кафолатлайди.

Бузилган ҳуқуқларни тиклаш – ушбу тамойил фуқаролик қонунчилигида шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонунӣ манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган муҳим принципдир. Унга кўра, агар фуқаро ёки

юридик шахснинг ҳуқуқлари бузилган бўлса, улар суд орқали ёки қонунда белгиланган бошқа воситалар билан тикланиши керак. Фуқаролик кодексининг 11-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари тўлиқ ёритиб берилган. Шунингдек, ушбу тамойил шахсий ва мулкӣ (номулкӣ) ҳуқуқларни ҳимоя қилишни кафолатлаб, ҳуқуқий тизимда адолат ва ишончни таъминлайди.

Фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари жамиятдаги ҳуқуқий муносабатларнинг асосий устунларини ташкил этади. Улар бир томондан фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, иккинчи томондан, иқтисодий фаолиятни барқарорлаштиришда ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Уларнинг амалиётда қўлланилиши нафақат қонунчиликдаги ўзгаришларга, балки ижтимоий ҳаётга ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигида бу тамойилларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш учун бир қанча муҳим қадамлар қўйилган. Масалан, шартнома эркинлиги тамойилининг қўлланилиши, шартномалар тизимининг мукаммаллашуви, тадбиркорлик фаолиятининг рағбатлантирилиши каби ҳолатлар фуқароларни ижтимоий-иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этишга ундайди. Шу билан бирга, қонун олдида тенглик ва мулк дахлсизлиги тамойилларининг қўлланилиши фуқароларни давлатнинг ижтимоий тизимига ишонч билан жалб этади.

Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш учун куйидаги йўналишлар устида ишлаш зарур:

1. Қонунчиликни такомиллаштириш – Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларини амалиётда янада самарали қўллаш учун ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш ҳамда янги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш лозим.

2. Ҳуқуқий тарғибот – Фуқароларга ҳуқуқий билимларни ошириш, фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича тарғибот ишларини кучайтириш зарур.

3. Амалий ёндашувни яхшилаш – Фуқаролик ҳуқуқи тамойилларининг амалиётда янада самарали қўлланилишини таъминлаш учун ҳуқуқий муҳофаза тизимларини кучайтириш керак.

Демак, фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари жамиятда ҳуқуқий адолатни таъминлаш, фуқароларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва ҳуқуқий хавфсизликни яратишда муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг амалиётда қўлланилиши фуқароларни ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий жараёнларда фаол иштирок этишга ундайди. Шунинг учун, фуқаролик ҳуқуқи принципларининг моҳиятини янада чуқурроқ ўрганиш, уларни ҳуқуқий тизимга самарали жорий этиш жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашга ёрдам беради.

Иброҳимжон ЯҚУБЖОНОВ,
Судьялар олий мактаби тингловчиси.

СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАФТИШ ТАРТИБИДА ҚАЙТА КЎРИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

Ҳар бир соҳа йилдан-йилга такомиллашиб, янгилашиб бораверади. Жумладан, суд тизимидаги қонунчиликни ҳам шулар қаторига киритсак бўлади. Суд қарорларини қайта кўриш институтининг таҳлили ушбу институтни такомиллаштириш орқали амалдаги тартибни қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Суд инстанцияларининг қисқартилиши, якуний қарорларни кассация инстанцияси сифатида фақат Олий суднинг ўзи қабул қилиши кераклиги фуқароларнинг суд орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ноқулайликлар келтириб чиқарди. Шу муносабат билан суд қарорларини қайта кўриш механизмини янада такомиллаштириш ва янги тартибни жорий этиш зарурати юзага келди.

Ушбу масалаларни ҳал қилиш мақсадида 2023 йилнинг 25 декабрида “Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинганди.

Ушбу қонун асосидаги ўзгаришларга кўра, Иқтисодий процессуал кодекси суд ҳужжатларини тафтиш тартибида қайта кўриш бўйича иш юритиш ҳақида янги қонун нормалари билан тўлдирилди.

Яъни, биринчи инстанция судининг апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ҳамда апелляция ёки кассация инстанцияси судининг ажрими устидан тафтиш тартибида шикоят берилиши мумкин.

Тафтиш тартибидаги шикоят Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари номига йўлланади, аммо ҳал қилув қарорини қабул қилган судга тақдим этилади. Ушбу шикоят биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилади.

Тафтиш тартибидаги шикоят Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари томонидан тафтиш тартибидаги шикоятни иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, амалдаги қонун нормаларини бир хил ва тўғри қўлла-нишини таъминлаш мақсадида 2024 йилнинг 25 июнида “Судлар томонидан иқтисодий ишларни тафтиш тартибида кўришнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Олий суд Пленумининг 21-сонли қарори қабул қилинди.

Пленум қарорининг тушунтиришларида суд ҳужжати устидан тафтиш тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати тугал ҳисобланиб, унинг кенгайтирилган тарзда талқин этилишига йўл қўйилмаслиги қайд этилган.

Шунингдек, агар ишда иштирок этувчи шахслардан бири низоли ёки суд ҳужжати билан аниқланган ҳуқуқий муносабатдан чиқиб кетган бўлса (юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, талаб қилиш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши, фуқаронинг ўлими ва мажбуриятлардаги шахслар ўзгаришининг бошқа ҳолларида), ушбу шахснинг ҳуқуқий вориси ҳам тафтиш тартибидаги шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда, ҳуқуқий ворис томонидан берилган тафтиш тартибидаги шикоятга ҳуқуқ ва бурчлар ўтганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Иқтисодий процессуал кодексининг 50-моддаси биринчи қисмига мувофиқ давлат органлари ва бошқа шахслар (масалан, адлия органлари, фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари ва ҳоказо) даъво улар томонидан тақдим этилган ҳолдагина, суд ҳужжати устидан тафтиш тартибида шикоят беришлари мумкин.

Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тадбиркорлик субъектлари манфаатида ва Савдо-саноат палатаси, унинг ҳудудий бошқармалари Палата аъ-

золарининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатини кўзлаб, улар судга даъво ари-заси билан мурожаат қилган ёки қилмаганлигидан қатъи назар, суд ҳужжати устидан тафтиш тартибида шикоят бериши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича қабул қилган суд ҳужжатлари устидан берилган тафтиш тартибидаги шикоятлар Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати номига йўлланади ва тўғридан-тўғри Олий судга берилади.

Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида тафтиш тартибида кўрилган ишлар юзасидан суд ҳужжатлари устидан протест келтириш ҳақидаги ариза Олий суд раиси, Бош прокурор номига йўлланади ва тегишлича Олий суднинг раиси ёки Бош прокурорга берилади. Ушбу суд ҳужжати устидан Олий суд Раёсатига йўлланган протест тўғридан-тўғри Олий судга тақдим қилинади.

Тафтиш тартибидаги шикоятда шикоят йўлланаётган суднинг номи, шикоят бераётган шахснинг исм-шарифи, унинг ишдаги процессуал ҳолати, устидан шикоят берилаётган ҳал қилув қарори ва уни қабул қилган суднинг номи, ишнинг рақами, ҳал қилув қарори қабул қилинган сана ва низо предмети, шикоят бераётган шахснинг талаблари ва шахс қонунларга ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, иш ҳолатларига ҳамда далилларга ҳавола қилинган ҳолда суд ҳужжати нотўғри деб ҳисоблаш учун келтирган асослар, шикоятга илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати ҳам шикоятни бераётган шахс ёки унинг вакили имзолаган ёки протест келтирган прокурор томонидан имзоланиши керак. Шикоятга давлат бож ва почта харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат, шикоят вакил томонидан имзоланган тақдирда, унинг имзолашга бўлган ваколатини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Ишни тафтиш тартибида кўрадиган суд тафтиш тартибидаги шикоятни кўриш натижалари бўйича суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш, тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ва янги қарор қабул қилиш, қарорни бекор қилишга ва ишни янгидан кўриш учун суд ҳужжати бекор қилинган апелляция ёки кассация инстанцияси судига юбориш, суд қарорларини ўзгариштиришга, ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилишга ва иш юритишни тугатишга ёхуд даъвони тўлиқ ёки қисман кўрмасдан қолдиришга, айрим суд ҳужжатларини бекор қилишга ва иш бўйича илгари қабул қилинган суд ҳужжатларидан бири-ни ўз кучида қолдириш ваколатларига эга.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, 2024 йилда Қорақалпоғистон Республикаси суди, Тошкент шаҳар ва вилоят судларининг тафтиш инстанцияси томонидан жами 2 179 та иқтисодий ишлари кўриб тамомланган.

Кўриб тамомланган иқтисодий ишларининг 1 830 таси (84 фоизи) бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 255 таси (12 фоизи) бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 94 таси (4 фоизи) ўзгариштирилган.

Хулоса қилиб айтганда, суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишнинг амалга киритилган янги тартиби куйи судлар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш, фуқароларнинг шикоят келтириш билан боғлиқ узвий ҳуқуқлари таъминланишини, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Айбек АЖИБЕКОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

СУД ФАОЛИЯТИДА ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВНИНГ ЎРНИ: РОССИЯ ҚОНУНЧИЛИГИ МИСОЛИДА

Ҳар қандай давлатнинг ўзига хос тарихи, миллий анъана ва қадриятлари, урф-одатлари бўлганидек, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам судлар фаолиятини тартибга соливчи норматив - ҳуқуқий ҳужжатлари ва умуман судларнинг фаолияти ҳам бир-бирига ўхшамас, ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шу жумладан, Россия давлатида ҳам ҳозирги кўринишдаги суд тизимига эга бўлиш учун кўплаб ислохотлар ўтказилган, бир неча йиллар давомида суд-ҳуқуқ соҳаси такомиллаштирилиб борилган.

Россия давлатининг судлар тўғрисидаги қонунчилигида дастлабки эшитув институтининг жорий этилиши тарихи XVIII-XIX асрларга тўғри келади. Бунга сабаб 1715 йилда Пётр I томонидан “Судларнинг шакли” тўғрисидаги фармони қабул қилинишидир. Айнан шу фармонда суд жараёнларининг қисқача тавсифи келтирилган бўлиб, унга кўра суд муҳокамасини бошлашдан олдин нималарга эътибор берилиши белгиланган. Аммо, ушбу ҳужжатда умумий характердаги қоидалар белгиланган бўлиб, кўпроқ жиноят судларида қўлланилган.

Россия қонунчилигига кўра, дастлабки суд мажлисини ўтказиш барча тоифадаги ишлар учун мажбурий ҳисобланмайди. Судья ишнинг хусусиятидан келиб чиқиб, мустақил равишда заруриятига қараб дастлабки суд мажлисини белгилайди.

Хусусан, маъмурий судларда ариза келиб тушганидан сўнг ишни икки ой муддатда кўриб чиқиш лозим бўлади. Айрим тоифадаги ишлар учун эса бу муддат бир ойга қисқаради, масалан сайлов билан боғлиқ низоларда. Ушбу муддат ҳақидаги умумий қоидалардан келиб чиқиб судья дастлабки мажлисни ўтказиш вақтини белгилайди ва бунда умумий муддат ўтиб кетмаслиги керак. Судья юқоридаги қоидадан келиб чиқиб, ўз иш юритувига қараб дастлабки суд мажлисининг аниқ вақти ва жойини белгилайди, аммо вақт белгиланаётганда тарафларнинг суд мажлисига тайёрланишига ҳам имконият беришни назарда тутиши лозим.

Дастлабки суд мажлисини ўтказиш вақти ва жойи тарафларга, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва уларнинг вакиллариغا тегишли тарзда ажрим чиқарилган ҳолда хабардор қилинади. Агарда тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ва уларнинг вакиллари тегишли тарзда хабардор қилинган бўлса-ю, лекин улар дастлабки суд мажлисига келмаса бу ҳаракат суд мажлисини ўтказмасликка сабаб бўлмайди.

Дастлабки суд жараёнида судья тарафларнинг келтирган важларини, талабларини ёки эътирозларини қўллаб-қувватлашини ёки рад этишини аниқлаштиради, айрим шарт-шароитларда низо йўқлигини ва исботланганлигини тарафлар тан олишини текширади, далилларни ишга қўйиш ёки айириш масаласини кўриб чиқади.

Дастлабки суд мажлисида (агар суд зарур деб ҳисобласа) тарафларнинг иштирок этиши шарт ҳисобланади, агар узрсиз сабабларга кўра тарафларнинг бири келмаса, унда суд уларнинг иштирокисиз ишни кўришга ҳақли ҳисобланади.

Дастлабки суд мажлисида ишни кўрган судья иш натижаси бўйича қуйидаги ҳаракатларни бажаради:

1. Иш суд мажлисида кўриш учун ҳар томонлама тайёр деб ҳисобласа, ишни асосий суд муҳокамасига ўтказишга ажрим чиқаради;

2. Маъмурий ишни (ариза бериш муддати ўтган бўлса ва бу ҳолат узрсиз деб топилганлиги аниқланса) иш юритувидан тутатади;

3. Аризани кўрмасдан қолдиради;

4. Агар ариза беришда процессуал камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланса ва бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмаса аризани қайтаради;

5. Маъмурий ишни иш юритувидан тўхтатади;

6. Келтирган аризадаги талабларни ажратади ёки бир нечта аризани бирлаштиради;

7. Маъмурий ишни тааллуқлилигига кўра бошқа умумюрисдикция судига ёки ҳакамлик судларига юбориши мумкин.

Бундан ташқари, аризачи дастлабки суд мажлисига келмаган ҳолларда унинг сабабини аниқлайди, агар аризачининг суд мажлисига келмаганлиги узрсиз деб топилса судья ишдаги мавжуд ҳолатларни ўрганмасдан ишни рад қилиш ҳуқуқига эга. Аммо, ушбу ҳолатда ариза коллегиял тарзда кўриб чиқадиган ишлар тоифасига кирса бундай ҳаракатларни бажара олмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкинки, судлар фаолиятида ишни суд муҳокамасига ўтказишдан олдин судга мурожаат қилган шахснинг аризасини чуқур ўрганишда, судда тарафлар ва тегишли иштирокчиларнинг иштирокини таъминлашда, аниқланган процессуал камчиликларни ўз жойида бартараф этишда, тарафларнинг хоҳиш-истакларини аниқлашда ва ишнинг кейинги тақдирини белгилашда дастлабки эшитув институти асосий ўрин тутати. Шу жумладан, Россияда ишни дастлабки суд мажлисида кўриш натижаси бўйича ҳар бир ҳолат ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган бўлиб, бу ўз навбатида кейинги ҳаракатларни олиб боришда таъсирини кўрсатади. Бу эса суднинг янада самарали фаолият олиб бориши ва одил судловни таъминлашга хизмат қилади. Шундай экан, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида миллий қонунчилигимизда мос равишда тегишли ўзгартiriшларни киритиш ҳозирги замон талаби ҳисобланади.

Ситора САДРИДДИНЗОДА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Романов. К рассуждению о создании судов административной юстиции/журнал/ Административное право и процесс. №5, 2022.
2. Кодекс Административного судопроизводства российской федерации https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_176147/
3. Кубасов Л.А.Административное судопроизводство в России: история и перспективы развития. Гуманитарный научный вестник.2020.№9/156Юридическиенаукиhttp://naukavestnik.ru/ЮРИДИЧЕСКИЕНАУКИ/https://doi.org/10.5281/zenodo.4090682
4. С.Б.Тимошинова. Содержание и процессуальное значение стадии подготовки к судебному разбирательству по административным делам об оспаривании решений, действий (бездействия) органов публичной власти, их должностных лиц и организаций, наделенных публичными полномочиями/ Мақола/ Вестник ВГУ серия: право/№1-2019 г.
5. Тарасова Ю.И. К Истории возникновения института предварительного слушания/Статья/журнал “Право и практика ” УДК 343.131.4 DOI: 10.24412/2411-2275-2021-2-56-61/ <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=46229134>

МАЪМУРИЙ СУДЛАР ТОМОНИДАН ҚАРОР ҲАМДА ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ҚОИДАЛАРИ

Мамлакатимизда судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш борасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва кўрилатган амалий чора-тадбирлар мазкур соҳани сифат жиҳатдан янги босқичда кўтарди, маъмурий судларнинг фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти тубдан такомиллаштирилди.

Белгиланган тартибга кўра маъмурий суд ишларини юритишда суд ишни мазмунан кўриб чиқиш натижалари бўйича қарор ҳамда ҳал қилув қарорини қабул қилади. Суднинг ҳал қилув қарори Ўзбекистан Республикаси номидан суд муҳокамаси тугаганидан кейин қабул қилинади ва у қонуний, асосли ҳамда суд мажлисида текширилган далилларгагина асосланган бўлиши керак.

Иш ҳайъатда кўриб чиқиладиганда ҳал қилув қарори судьялар маслаҳати сирини сақлаш таъминланадиган шароитларда, суд мажлисида иштирок этаётган судьялар томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Суд ҳал қилув қарорини қабул қилаётган маслаҳатхонада фақат ишни кўриб чиқаётган суд таркибига кирадиган судьялар бўлиши мумкин. Ушбу хонага бошқа шахсларнинг кириши, шунингдек суд таркибига кирмайдиган шахслар билан мулоқотда бўлишнинг бошқа усуллари тақиқланади. Судьялар ҳал қилув қарорини қабул қилиш чоғидаги муҳокама мазмунини тўғрисидаги, суд таркибига кирган айрим судьяларнинг нуқтаи назари ҳақидаги маълумотларни бирор-бир шахсга хабар қилишга, судьялар маслаҳати сирини бошқа усулда ошкор қилишга ҳақли эмас.

Ҳал қилув қарори суд мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўраётган суд таркибининг бошқа судьялари томонидан алоҳида ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади. Ҳал қилув қарори судья томонидан имзоланади, иш ҳайъат томонидан кўрилган тақдирда эса, ҳал қилув қарорини қабул қилишда иштирок этган барча судьялар, шу жумладан алоҳида фикрга эга бўлган судьялар томонидан имзоланади ва у кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида ҳал қилув қарорини қабул қилган суднинг номи; суд таркиби, суд мажлиси котиби; иш рақами, ҳал қилув қарори қабул қилинган сана ва жой; талаб предмети; ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек уларнинг вакиллари ва суд процессининг бошқа иштирокчилари кўрсатилади. Баён қисмида эса ишда иштирок этувчи шахсларнинг арз қилинган талаблари ва эътирозлари, тушунтиришлари, аризалари ва илтимосномаларининг қисқача баёни акс этади.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисми муҳим бўлиб унда ишнинг суд томонидан аниқланган ҳақиқий ҳолатлари, суднинг иш ҳолатлари

тўғрисидаги хулосалари асосланган далиллар, суднинг у ёки бу далилларни рад қилганлигининг, ишда иштирок этувчи шахсларнинг важларини қабул қилганлиги ёки рад этганлигининг асослари ҳамда ҳал қилув қарорини қабул қилишда суд амал қилган қонунчилик ҳужжатлари ҳамда суд ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонунчилик ҳужжатларини қўлламаганлигининг асослари кўрсатилиши керак.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида арз қилинган талаблардан ҳар бирини тўлиқ ёки қисман қаноатлантириш ҳақидаги ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши керак.

Ҳал қилув қарорини қабул қилиш чоғида суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг ўз талаб ва эътирозларини асослантириш учун келтирган далилларга баҳо беради, иш учун аҳамиятга эга бўлган қайси ҳолатлар аниқланганлигини ва қайсилари аниқланмаганлигини белгилайди, ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қайси қонунчилик ҳужжатларини ушбу иш бўйича қўллаш мумкин эмаслигини, мазкур иш юзасидан қайси қонунчилик ҳужжатларини қўллаш зарурлигини аниқлайди, ишда иштирок этувчи шахсларнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари борлигини белгилайди ва талабни қаноатлантириш лозим ёки лозим эмаслигини ҳал қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистан Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистан Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонларининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасидаги муҳим қадам бўлди, шунингдек, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтганлигини ифодалайди.

Шоҳруҳ МУХАММЕДОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб таомиллар тўғрисида”ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. 2018-йил 25-январь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 24-июлдаги ПФ-6034-сонли “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТАКТИЧЕСКИХ ПРИЁМОВ В СЛЕДСТВЕННО-ПРОКУРОРСКОЙ ПРАКТИКЕ

АННОТАЦИЯ: в статье описывается судебно-правовая реформа, внедрение международных стандартов в национальное законодательство, обосновывается необходимость использования новых подходов и средств ИКТ для раскрытия преступлений (камер видеонаблюдения, программы распознавания лиц), а также использования тактических приёмов в ходе следствия и судебного процесса, приведены примеры использования тактических приёмов в следственно-прокурорской практике, даны рекомендации по их использованию.

Ключевые слова: судебно-правовая реформа, международные стандарты, Конституция, национальное законодательство, средства ИКТ, камеры видеонаблюдения, программа распознавания лиц, тактические приёмы, следствие, судебный процесс, судебная экспертиза, допрос.

В Узбекистане проводится широкомасштабная работа, направленная на полное обеспечение защиты прав человека на основе принципа «Во имя чести и достоинства человека», усиление гарантий защиты прав и свобод личности в деятельности судебных и правоохранительных органов, а также укрепление доверия населения к правоохранительной системе.

В ходе судебно-правовой реформы Узбекистана в национальное законодательство введены соответствующие международно-правовые нормы и стандарты. Например, в новой редакции Конституции Республики Узбекистан имеются нормы, реализующие принцип Habeas Corpus и правило Миранды, конституционные нормы имеют высшую юридическую силу и являются нормами прямого действия. Начали свою деятельность следственные судьи, которым переданы полномочия по выдаче всех предусмотренных законом санкций.

Вышеизложенные изменения законодательства принуждают сотрудников оперативно-розыскных органов, дознавателей, следователей и прокуроров осуществлять свою деятельность в строгом соответствии с законом, более широким использованием средств ИКТ и других допустимых методов для раскрытия преступлений. В СМИ открыто публикуются обвинительные приговоры судов в отношении некоторых нерадивых сотрудников ОВД, применявших незаконные методы физического и психического насилия в отношении подсудимых. Наряду с этим, в публикациях приводятся много фактов по быстрому раскрытию умышленных убийств, изнасилований, грабежей, краж и других преступлений благодаря возможностям программы «Безопасный город», размещению множества видеокамер в общественных местах и системе распознавания лиц.

Например, в декабре 2024 года слушательница Высшей школы судей при входе в КПП случайно обронила на тротуаре сумочку. Заметив пропажу и не найдя её на тротуаре, слушательница М. обратилась с заявлением в прокуратуру Чиланзарского района,

где проведение доследственной проверки было поручено инспектору профилактики Чиланзарского РУВД. Инспектор РУВД изъясил видеозаписи со всех видеокамер наблюдения в районе места происшествия, по видеозаписи установил, что сумочка была подобрана мужчиной, по фотографии была установлена личность злоумышленника и адрес его местожительства. В отношении правонарушителя были приняты законные меры, а владелице М. в тот же день была возвращена её сумочка со всеми документами, деньгами и банковскими картами.

Вместе с этим, следственно-оперативные работники, а также судьи судов по уголовным делам могут применять и другие дозволенные законом методы и средства для раскрытия преступлений. Например – тактические приёмы при проведении допросов и других следственных действий. Ниже приведены тактические приёмы, использованные в моей следственно-прокурорской практике. Возможно, кому-то эти приёмы окажутся полезными при расследовании или судебном рассмотрении схожих уголовных дел.

Например, в 1998 году в прокуратуру Зангиатинского района с заявлением обратилась пожилая русская женщина. Установлено, что её 67-летний сосед М. вступает в развратные действия со своей 5-летней внучкой. В частности, проживающая с ней по соседству 5-летняя девочка дружит с её внучкой и как-то раз, когда они вместе играли у неё дома, а она смотрела фильм по телевизору, в момент эротической сцены, эта девочка заявила, что она тоже занимается «этим» со своим дедушкой и когда её стали расспрашивать, девочка подробно описала акт.

Прокурор убедил заявительницу, что желательно к заявлению приложить вещественные доказательства, иначе указанный ею факт может быть не доказан и правонарушитель может избежать наказания.

Заявительница ушла и вернулась на следующий день с заявлением, но уже приложив к нему полиэтиленовый пакет с носовым платком со следами слюны и спермы. Она рассказала, что поговорила с

соседской девочкой и сказала, что не верит ей. Тогда девочка убежала к себе домой, а через некоторое время прибежала обратно, держа в руках носовой платок со следами слюны и мужскими выделениями.

По данному факту было возбуждено уголовное дело по факту изнасилования малолетней и проведены необходимые следственные действия: допрос соседки, допрос малолетней девочки с участием педагога, постановление о признании вещественным доказательством и протокол изъятия вещественного доказательства – носовой платок со следами слюны и мужскими выделениями, назначены судебно-биологическая и судебно-медицинская экспертизы и т.д.

После сбора и закрепления доказательств, 67-летний М. был приглашен на допрос в качестве подозреваемого с участием адвоката. В ходе допроса был применен тактический прием: вначале мужчине было предложено подробно рассказать о себе. Установлено, что он является пенсионером, его дочь с зятем работают и проживают в России, его жена живёт в квартире на Чиланзарском районе, а он живёт в квартире в центре Зангиатинского района с 5-летней внучкой. Вначале мужчина категорически отрицал факт совершения особо тяжкого преступления. Но вопрос «А если судебно-биологическая экспертиза установит в платке наличие ваших выделений и слюны внучки, как вы сможете объяснить такое?» поставил его в трудное положение, мужчина замешкался, но потом, тяжело вздохнув, признал свою вину и подробно рассказал о совершении преступления.

Судебно-биологическая экспертиза установила в вещественном доказательстве/платке следы спермы М. и слюны его внучки. Приговором суда М. был осужден.

Другой пример. Прокуратурой города Асака/Ленинска расследовалось уголовное дело в отношении должностных лиц Ленинского завода прицепов (на базе которого впоследствии был создан Асакинский автозавод). Следствием установлен факт начисления зарплаты на некоего Н., который был фиктивно оформлен на завод художником. В ходе допроса свидетель Н. упорно настаивал, что он работал художником и выполнял художественные работы (рисовал плакаты, баннеры, лозунги и т.д.). Тогда, следовательно был применен тактический прием – ему было предложено нарисовать свой портрет. Свидетель Н. был явно смущен таким поворотом, неумело взял карандаш, долго примеривался к листу бумаги, потом все же начал рисовать, да так незадачливо, что сам рассмеялся и был вынужден дать признательные показания, что художником не работал, а лишь подписывал платежные ведомости, которые ему давал начальник цеха, но деньги не получал.

Тактические приёмы могут применяться и при рассмотрении уголовных дел в суде.

Известно, как тяжело доказывать факт доведения до самоубийства, тем более когда жертва скончалась. На практике, в большинстве случаев по подобным фактам выносятся постановления об отказе

в возбуждении уголовного дела. Но не в следующем случае.

31 декабря 1996 года примерно в 12:00 часов проживающая в Зангиатинском районе молодая замужняя женщина К. у себя во дворе облила себя бензином и совершила самосожжение, после чего была доставлена в ожоговый центр больницы, где скончалась 4 января 1997 года.

По факту было возбуждено уголовное дело по ст.103 УК. Следствием установлено, потерпевшая К. в течении последних лет неоднократно жаловалась о сексуальных домогательствах со стороны тестя З., но, когда К. пожаловалась на это своему мужу, то муж, вместо защиты, обвинил её в клевете на отца. Тогда К. пожаловалась своим родителям, но они стали уговаривать её потерпеть ради семьи и детей, потому что развод не соответствует обычаям и она не сможет вновь выйти замуж. Жалоба в махаллинский комитет, тоже ни к чему не привел – приглашенный в комитет тесть З. отрицал факт приставания к невестке и обещал скорый переезд молодых в отдельную квартиру. Но всякий раз З. говорил К. «я же говорил, что тебе никто не поверит» и продолжал свои сексуальные домогательства.

Следствием и допросом родителей К., её знакомых, врачей и медсестер медицинского центра был доказан факт совершения обвиняемым З. доведения до самоубийства путем систематического унижения чести и достоинства потерпевшей К., уголовное дело было направлено в суд. В ходе судебного процесса, судья Т., сомневаясь в вынесении обвинительного приговора, спросила гособвинителя «почему не избрали меру пресечения в виде ареста К.?», на что прокурор резонно ответил, что подсудимый, хотя совершил инкриминируемое преступление, но не представляет опасности для общества.

Прокурор, понимая сложность поддержания гособвинения по делу, попросил районный комитет женщин выделить представителей в качестве общественных обвинителей, для поддержки стороны обвинения в ходе судебного заседания. Гособвинитель тактически грамотно проводя допросы подсудимого З., свидетелей, обличая его вину, находил поддержку присутствующих в зале заседания. Когда в ходе эмоционального выступления матери потерпевшей К. с потолка зала суда откололся кусок побелки и стал медленно кружиться и падать, гособвинитель умело использовал этот факт для воздействия на участников процесса. В заключение, прокурор произнес яркую обвинительную речь, последовательно обосновав виновность подсудимого исследованными в ходе суда доказательствами. После чего суд удалился в совещательную комнату.

Как выяснилось позднее, тактически грамотное поддержание гособвинения привело к тому, что народные заседатели стали требовать применения к подсудимому З. лишь исключительной меры наказания, и судье с трудом удалось разъяснить им

требования ст.103 УК и подсудимый был осужден приговором суда. Приговор был оставлен в силе вышестоящими судебными инстанциями.


Ещё один пример из судебной практики.

В 1998 году в Зангиатинском районном суде рассматривалось уголовное дело по обвинению подсудимого Х. в совершении умышленного убийства своего знакомого-сопотребителя алкоголя.

Когда судья Т. предоставила гособвинителю возможность задавать вопросы подсудимому Х., то гособвинитель применил тактический приём - попросил подсудимого Х. подробно рассказать о своей жизни с момента окончания школы и военной службы в армии. Со слов подсудимого Х. установлено, что он часто менял места работы, нигде долго не задерживался, а в последние годы вообще нигде не работал, употреблял спиртные напитки с 13 лет, в свои 40 лет не создал семьи, был неоднократно судим, в том числе за совершение умышленного убийства, то есть вёл антиобщественный образ жизни. Подсудимый признался, что, распивая спиртные напитки в компании таких же лиц без определенного места жительства, будучи в нетрезвом состоянии он поссорился с одним из таких же приятелей и в ходе драки убил его.

Гособвинитель в своем выступлении последовательно перечислил доказательства его виновности, просил суд обратить внимание на личность подсудимого Х. неоднократные судимости, в том числе и за совершение умышленного убийства, просил суд приговорить подсудимого Х. к самому строгому наказанию.

Речь гособвинителя настолько воздействовала на подсудимого Х., что он в своём последнем слове согласился с мнением гособвинителя и попросил суд приговорить его к самому строгому наказанию. Приговором суда подсудимый Х. был осужден.



Примеров очень много и их нельзя указать в статье. Обобщая следственную практику, можно привести некоторые рекомендации:

- В ходе доследственной проверки при написании объяснительных правонарушителем, потерпевшим, очевидцами, свидетелями – всегда первым делом следует записывать личные данные и контакты (ФИО, дату и место рождения, гражданство, судимость, место работы, адрес местожительства, номера телефонов).
- При допросе не стоит сразу стенографически записывать показания в протокол, целесообразно вначале провести подробный опрос о жизни допрашиваемого начиная после окончания школы (с 16-18 лет), военной службы, местах работы, близких родственниках своих и жены, соседях, одноклассниках, тезисно фиксируя показания. Тем самым, будут определены пробелы/возможные судимости допрашиваемого. Использовать навыки обаяния, наладить доверительные отношения с допрашиваемым, заверить его о конфиденциальности показаний и гарантиях безопасности. В ходе допроса можно выразить сочувствие потерпевшему, предложить воду или чай.
- После этого, попросить допрашиваемого составить список одноклассников, друзей или соседей. А самому в это время начать печатать протокол в компьютере (в сельской местности, при отсутствии электричества – на пишущей машинке). Потом распечатать протокол, дать прочитать допрашиваемому, дополнить его дополнениями и замечаниями, ответами на уточняющие вопросы.
- При осмотре мест происшествия составлять подробные схемы и фототаблицы, проводить видеозапись.
- При осмотре трупа составлять схемы телесных повреждений и фототаблицы, проводить видеозапись. Принимать личное участие в судебно-медицинском вскрытии трупа потерпевшего.
- Проводить видеозапись допроса обвиняемых, подозреваемых, потерпевших в целях видеофиксации показаний на случай отказа.
- При очной ставке первым предоставлять слово потерпевшему, вынуждая обвиняемого реагировать на приведенные доказательства. Проводить видеозапись очной ставки.

Выражаем надежду, что правильное использование тактических приёмов поможет раскрытию преступлений и привлечению виновных к ответственности.

Дилшод ИСРАИЛОВ,

доктор философии юридических наук (PhD),
доцент.

Список использованной литературы:

1. Конституция Республики Узбекистан. – Т.: Узбекистан. 2023 г.
2. Указ Президента Республики Узбекистана от 28.01.2022 г. № УП-60 “О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы”.

ГЕНЕЗИС МЕЖДУНАРОДНЫХ ПРАВОВЫХ ОТНОШЕНИЙ ПО ПРИЗНАНИЮ И ИСПОЛНЕНИЮ СУДЕБНЫХ РЕШЕНИЙ

АННОТАЦИЯ: в статье рассматривается историческое развитие международных правовых отношений по признанию и исполнению судебных решений. Анализируются взгляды ученых, начиная с римского периода, и вклад голландских правоведов XVII века, таких как У.Губер и Г.Гроций, в формирование концепции признания иностранных решений. Рассматривается эволюция института признания и исполнения иностранных судебных решений, а также анализируются исторические этапы развития международно-правового сотрудничества в данной сфере. Исследуется роль международных договоров и значение реформ национальных судебных систем для развития системы признания и исполнения судебных решений.

Ключевые слова: международное право, признание и исполнение судебных решений, международное сотрудничество, правовая система, судебная практика, правосудие, международные конвенции, правовые реформы, суверенитет, гармонизация законодательства.

В древние времена межгосударственные отношения развивались в децентрализованной форме, и единой международно-правовой системы регулирования не существовало. Приоритет отдавался подходам, основанным на суверенитете государств, а международно-правовые механизмы признания и исполнения судебных решений не были сформированы. Тем не менее, в отдельных обществах можно наблюдать зарождение первых взглядов в этой области.

Римский правовед Ж.Паулус в своем труде отметил: «Если судебный процесс проводится за пределами своей территории, человек может оставаться безнаказанно непослушным; то же самое происходит, если суд стремится рассматривать дела, выходящие за пределы его компетенции».

При определении сферы действия судебных решений Ж.Паулус не учитывал их действие на территории соседних государств. Во-первых, уровень развития правовых систем окружающих народов не требовал подобных мер, так как их правовые нормы и практика существенно отличались от римских. Во-вторых, в римском праве существовали особые положения, регулирующие правовые отношения с участием иностранных лиц, что не предусматривало влияние судебных решений за пределами Римской империи. В результате не было необходимости изучать возможность применения решений, вынесенных на территории Римской империи, в других государствах.

У.Губер отмечал: «Поскольку на всех территориях Римской империи применялись единые законы, между ними не возникало никаких противоречий». Действительно, в Римской империи, установившей господство по всему миру, на всех её территориях применялись одинаковые законы, которые не вызывали конфликтов.

Если обратить внимание на слова автора, в них прослеживается определенное противоречие, поскольку он не учел, что различные конфликты, возникающие между народами, относятся не к гражданскому праву, а к международному праву.

Г. Гроций утверждал, что «гражданское право - это национальное право конкретного народа, которое вместе с естественным правом составляет внутреннее право отдельного суверенного государства, а международное право представляет собой право, регулирующее отношения между народами и государствами (*jus gentium est jus, quod inter populos populorumque rectores intercedit*)». Кроме того, Гроций отде-

ляет понятие международного права от римского понятия *jus gentium*, подчеркивая, что *jus gentium* - это не только идеальное, универсальное право всех народов, но и реальное право определенных народов, то есть международное публичное право.

По мнению голландских ученых XVII века, признание иностранных прав связывалось с существованием международно-правового обычая. У.Губер утверждал, что «приобретенные права должны признаваться государствами в силу молчаливого согласия народов».

Голландский ученый Йозеф Джитта подчеркнул, что все государства мира являются партнерами и обязаны сотрудничать друг с другом в вопросах взаимного признания приобретенных прав, в том числе судебных решений иностранных государств.

Некоторые ученые подчеркивают, что при признании и исполнении решений иностранных судов в отсутствие международных договоров между государствами следует содействовать осуществлению правосудия на основе общих принципов права и доктрин. Одной из таких доктрин является доктрина вежливости (*comity*), направленная на осуществление международного сотрудничества, которая представляет собой доктрину, нацеленную на повышение гармонизации между правовыми нормами и судебными решениями.

Э.Лоренцен отметил, что, У. Губер в своем труде «*De Conflictu Legum*» подробно рассмотрел концепцию *comitas gentium* (международной вежливости) и подчеркивал, что применение иностранного законодательства, признание и исполнение решений по гражданским делам, а также приговоров по уголовным делам могут осуществляться на основе принципа учтивости (*comitas*).

С XVII века доктрина вежливости начала применяться английскими судами. Согласно этой доктрине, английские суды считали, что с точки зрения международного права суды одного государства обязаны оказывать помощь судам другого государства. Иными словами, существовал страх, что если судебные решения иностранных судов не будут исполняться на территории Великобритании, то и британские судебные решения не будут исполняться за рубежом.

При признании и исполнении решений судов иностранных государств судьи должны были учитывать определенные условия. Однако из-за недоверия судей к законодательству ино-

странных государств это расценивалось как препятствие для осуществления правосудия.

В XIX веке эти взгляды достигли своего пика. Именно с этого периода, вследствие усиления процессов экономической интеграции между государствами региона, стремление обеспечить устойчивость правовых отношений независимо от их границ и актуальность заключения международных договоров с целью гармонизации национальных правовых систем государств становится важной задачей. В XIX веке начинается процесс модернизации правовых систем европейских государств, направленный на их развитие. При этом стандартизация национальной правовой системы с одной стороны усиливала межгосударственные отношения, а с другой – способствовала развитию международного права. Одним из приоритетных направлений правовой политики в национальных правовых системах государств было обеспечение справедливого правосудия, где международное право играло важную роль в процессе изучения правовых систем иностранных государств.

Реформы, проведенные в судебной системе для обеспечения справедливого правосудия, в основном предусматривали защиту прав и интересов иностранных граждан в случае возникновения споров как через суд, так и путем обращения в государственные органы. Если говорить о международном сотрудничестве по этим вопросам, то в 1874 году между Россией и Италией была подписана декларация о направлении судебных повесток лицам, проживающим на территориях договаривающихся государств. Аналогичные соглашения Россия заключила с Германией в 1879 году, с Австрией в 1884 году и с Румынией в 1894 году.

Э.Третьякова отметила, что хотя судебные решения по гражданским делам, принятые во второй половине XIX века, были признаны в качестве правовой основы практически во всех государствах, решения иностранных судов не исполнялись во всех странах. По мнению Т.Яблочкова, «данный институт существовал с целью подчинения исполнения судебных решений государственному контролю и санкциям, учитывая общественные интересы. Однако сложившаяся система была основана, прежде всего, на принципе взаимности, то есть решение иностранного государства могло быть признано имеющим законную силу и подлежащим исполнению, если решения судов определенного государства признавались и исполнялись в первом государстве».

Потому что, до принятия Устава гражданского судопроизводства 1864 года в Российской империи не существовало специального порядка признания и исполнения решений иностранных судов в судебной практике.

И.Энгельман в своей работе «Об исполнении иностранных судебных решений в России» считал, что исполнение решений иностранных судов в России возможно только при наличии международного договора.

В частности, во Франции, согласно общему правилу, исполнение решений иностранных судов не допускалось. В Бельгии исполнение осуществлялось только после определения полномочий суда, вынесшего решение. В Италии проверялось соответствие решения местному общественному порядку, в Германии решение исполнялось в соответствии с местными законами только при условии взаимности.

Отсутствие международного договора значительно усложняет процессы признания и исполнения решений судов иностранных государств. Это может привести к возникновению правового пробела и, как следствие, к неполной защите прав и законных интересов заинтересованных лиц, а также к их нарушению.

1890 года между Францией, Швейцарией, Голландией, Россией, Люксембургом, Италией, Австро-Венгрией, Бельгией и Германией была заключена конвенция "О международной перевозке грузов железнодорожным транспортом". Согласно статье 56 данной конвенции, судебные решения, вынесенные в состязательном порядке или заочно по делам, связанным с перевозкой грузов, подлежат исполнению без пересмотра их существа в порядке и на условиях, установленных законодательством всех государств-участников конвенции.

Взаимоотношения государств в уголовно-правовой сфере. При рассмотрении взаимоотношений государств в уголовно-правовой сфере еще одним вопросом, требующим внимания, является обеспечение правосудия при признании и исполнении приговоров. Ф.Мартенс высказал мнение о том, что можно провести различие между исполнением приговора иностранного уголовного суда и признанием такого приговора.

По общему правилу в те времена приговоры, вынесенные уголовными судами иностранных государств, не исполнялись. Поскольку, во-первых, при юридической оценке действий лица невозможно было применить уголовное законодательство другого государства при вынесении приговора и исполнить его на территории другого государства, однако нельзя было отрицать признание правовых последствий таких приговоров. Во-вторых, если лицо было осуждено и наказано за преступление в иностранном государстве, виновный не мог быть наказан повторно.

Например, в 1802 году в сфере уголовно-исполнительного сотрудничества между Пруссией и Россией, король Фридрих Вильгельм III издал в Берлине указ «О ссылке неисправимых преступников в сибирские рудники». Однако этот указ был отменен после шести случаев отправки преступников в Сибирь. Во-первых, требовались большие финансовые затраты для транспортировки преступников из Пруссии в Сибирь. Во-вторых, ключевую роль сыграло общественное мнение, которое выступило против действий, направленных на подчинение виновных лиц одного государства законам другого, совершенно чуждого им государства.

